



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Эрдоган Ислонни Пайғамбаримиз
Муҳаммад ﷺ тариқати асосида эмас,
Ғарб усулига мувофиқ тушунишни
очиқ эътироф этмоқда

Росулуллоҳ ﷺнинг ҳижратлари ҳамда Ислоний
давлатнинг барпо бўлиши хотираси муносабати
билан мусулмонларга йўлланган қайноқ нидо

Ахлоққа даъват қилиш билан жамият ўзгарадими?

Саудия Фаластинни яҳудийларга топшириш сари кетмоқда

Ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрлардаги Ғарб
муфаккирларининг куч сиёсати стратегияси (2)



384

Ўттиз учинчи
 йил чиқиши
 Мухаррам 1440х
 Сентябр 2018м

Ливан 1000 лира
 Яман 30 риёл
 Туркия 1 доллар
 Покистон 1 доллар
 Австралия 2,5 дол-
 лар
 Америка 2,5 доллар
 Канада 2,5 доллар
 Германия 2.5 евро
 Швеция 15 крон
 Бельгия 1 евро
 Британия 1 евро
 Швейцария 2 франк
 Австрия 1 евро
 Дания 15 крон

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Эрдоган Исломи Пайғамбаримиз Мухаммад ﷺ тариқати асосида эмас, Ғарб усулига мувофиқ тушунишини очиқ эътироф этмоқда 3
- Ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрлардаги Ғарб муфаккирларининг куч сиёсати стратегияси
- Оламни куч билан бошқариш (2) 10
- Пайғамбар ﷺнинг хижрати 16
- Росулulloҳ ﷺнинг хижратлари ҳамда Исломи давлатнинг барпо бўлиши хотираси муносабати билан мусулмонларга йўлланган қайнок нидо 29
- Барча мусулмон уламолари: Оход ҳадис ақидани ифодаламайди (1) 36
- Нусрат: унинг маъноси, сабаби, шартлари ва унга тўсиқ бўлувчи омиллар 45
- Ахлоққа даъват қилиш билан жамият ўзгарадими? 54
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 60
- **Қуръони Карим суҳбатиди** 65
- **Жаннат боғлари:** Қариндошлик алоқаларини боғлаш ўз соҳибини жаннатга элтади, уни узганлар эса, жаннатга кирмайди 72
- Уламолар билан ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатда солиҳ аждодларнинг тутган позицияси (1) 76
- **Сўнги сўз:** Саудия Фаластинни яҳудийларга топшириш сари кетмоқда 79
- Роберт Фиск: Фаластинликлар учун «аср келишуви» тенгламаси: Тинчлик эвазига пул берилади, рад этиш жазоси эса, қашшоқликдир 80

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**ЭРДОГАН ИСЛОМНИ ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД ﷺ
ТАРИҚАТИ АСОСИДА ЭМАС, ҒАРБ УСУЛИГА МУВОФИҚ
ТУШУНИШИНИ ОЧИҚ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА**

Трамп 2016 йилдан бери Туркияда хибсда сақланаётган америкалик пастор Брансон мавзусини кўтариш орқали Туркия билан молиявий инқирозни келтириб чиқарди. Бунинг ордидан Анқаранинг пасторни озод этишдан бош тортаётганини баҳона қилиб, ички ва юстиция вазирларига санкция жорий қилди. Ўз навбатида Анқара ҳам худди шундай жавоб қилди. Шундан сўнг Трамп Туркиядан кирадиган алюминий ва пўлатнинг божини икки баробарга оширди. Эрдоган ҳам шунга лойиқ муносабат билдирди ва бунинг ордидан бир-бирига зид баёнотлар берилди... Бу ишлар Турк лирасининг қадрсизланишига олиб келди. Август ойининг иккинчи ҳафтасида Турк лираси ўз қийматининг 20 %ни, йил бошидан ҳисоблаганда 40 %ни йўқотди.

Ушбу сунъий инқирозда малайларнинг хўжайинлари олдида ҳеч қандай қадрга эга эмаслиги кўзга яққол кўринди. Чунки Эрдоган Америкага кўп хизмат кўрсатди ва Сурияда ҳамон хизмат кўрсатиб келмоқда. У Ҳалаб шаҳридаги ўзига тобе жангчиларни у ердан чиқариб, уларни курдларга қарши жанг қилиш билан машғул қилар экан, мусулмонларнинг жиноятчи Асад режимига қарши қўзғолонига зарба берди. Айтиш мумкин, айтиш мумкин, Россия, Эрон ва унинг ёлланма жангарилари ва барча ёвуз кучлар Ҳалабга қарши ҳужум қилишди.

Шунингдек, Эрдоган суриялик мусулмонларга нисбатан энг жирканч жиноятларни содир этаётган Россия ва Эрон билан келишди. Улар Суриядаги вазиятни Асаднинг жиноятчи режими ғалаба қиладиган ҳолатга келтириш учун Остона ва Женевада мунтазам конференцияларни ўтказиб келишди. Чунки Америка ўзи хоҳлаган ечим ушбу конференциялар орқали жорий қилинишини кутаётган эди... Лекин шуларнинг барчасига қарамай, Америка Эрдоганга нисбатан жазо-чораси қўллади. Бу эса, Туркияни қийин аҳволга солиб қўйди ва унинг иқтисоди заифлигини фош қилди. Шунингдек, Туркия каби давлатлар картон давлатлиги ва унинг вужуди беқарорлиги ҳамда тез ўзгариб кетишини фош қилди. Американинг Туркияга бу даражада менсимай муносабатда бўлиши Эрдоган ва унинг ташқи ишлар вазирини ҳайратга солди.

Ушбу сунъий инқироздаги яна бир эътиборли нарса шуки, халқларнинг қийин аҳволга тушиб қолиши буюк давлатларни ҳам, малай давлатларни ҳам қизиқтирмайди. Яъни, халқнинг қийин аҳволга келиб қолишида ўзлари айбдор бўлсалар ҳам улар учун бу аҳамиятсиздир. Масалан, Эрдоганнинг Америка манфаатини кўзлаб Сурия ишига аралашishi у ердаги мусулмонлар мағлубиятига ва чексиз қийинчиликларга учрашига сабаб бўлди. Бугун эса, мана шу сохта кураш орқали ўз халқининг ҳаёти тубанлашиши ва иқтисоди хатарга йўлиқишига сабаб бўляпти. Американинг халқаро муносабатларда бошқа давлатларга, шу жумладан малай давлатларга мана шундай муносабатда бўлиши кундек равшан.

Агар Америка манфаатларига зид келиб қолса, на халқаро қонун, ва на БМТ билан ҳисоблашади. Америка бошқа давлатлар ва халқларнинг манфаати билан қизикмайди, балки манфаати тақозо этса, уларга муаммо туғдиради.

Аммо бу ерда жиддий эътибор қаратиш лозим бўлган нарса шуки, Эрдоганнинг ушбу дин ҳақидаги тушунчаси тўғри эмас. Эрдоган бошқа ҳокимлар каби Ислом ҳукмларидан узоқ ва буни яширмайди. У шахс сифатида мусулмон экани, лекин бошқарув борасида илмоний экани ҳақида бир неча марта очик гапирган.

Эрдоган Туркия ахборот воситаларига берган интервьюсида шундай деган эди: «... Биринчидан шахслар илмоний бўлмайди, балки давлат илмоний бўлади, бу муҳим нуқта... Илмонийлик давлат тарафидан барча динларга руҳсат берилишидир. Илмоний давлат барча дин ва эътиқодларга мана шундай муносабатда бўлади... Бу эса, Исломга зид эмас... Мен илмонийлик диннинг бўлиш ёки бўлмаслигига қарши, деб ҳисобламайман... Мен айтаманки, шахс илмоний бўлиши мумкин эмас, илмонийлик дин эмас. Давлат илмоний бўлиши мумкин, илмонийлик эса, барча дин ва эътиқодлар учун эркинлик кафолатидир. Яъни у барча динлар ҳатто худосизлар ҳам барча эркинликлардан фойдаланиши учун қулай шароит яратиб беради».

Эрдоган бу баёноти билан Ислом бошқа динлар каби шахсий ибодатларга асосланган ва шахсгагина оид дин, унда на бошқарув низоми ва на қонун мавжуд, демоқчи. Бу эса, Исломга мутлақо зид бўлиб, ким шундай фикрласа Роббиси ҳузурда катта хатарга йўлиқади.

Бу тушунча Исломга зид бўлиб, Эрдоганнинг шахс ва ҳоким сифатида қилаётган барча тасарруфларида кўзга ташланади. Масалан, у ёқимли овозда Қуръон ўқийди, намоз ўқийди, рўза тутаяди. Ўз юрти ва бошқа мусулмон юртлардаги мусулмонларга нисбатан ислоний туйғуларни намоён қилади. Лекин бунда фақат шахсий тарафга чекланади ва бошқарув ишларига аралашмайди. Масалан,, у роҳинга

мусулмонларига нисбатан ҳамдардлик билдириш ва молиявий кўмак кўрсатишга чекланди, лекин уни халқаро алоқалар даражасига кўтармади... Унинг давлатлар билан бўлган алоқалари мана шу позициясидан келиб чиқади. Бирор давлат, ҳатто Исломга энг қаттиқ душман бўлган Америка, Ғарб ва яҳудийлар ҳам уни исломий ташаббус билан чиқаётгани ҳақида айбламади. Балки бунинг акси ўларок, улар Эрдоган билан яхши муносабатда бўлишмоқда. Ўз навбатида Эрдоган ҳам улар билан (Афғонистон, Ироқ ва Суриядаги) Исломга қарши урушларида иштирок этапти...

Бу нарса хусусан Сурияда яққол кўринди. Чунки Эрдоган Суриялик мусулмонларни муҳожир сифатида кутиб олди. Шунингдек, оғир ҳолатда бошпана ва ёрдам берди.

Лекин у бошқарув борасида илмоний давлат етакчиси сифатида иш юритди. Чунки у ўзи ишонганидек ҳукмларни исломий шариатдан олмади. Балки Суриядаги ҳарбий ҳолатдан илмоний давлат бўлмиш, Туркия давлати манфаати учун фойдаланди.

Эрдоган баёнотларида ҳам ва ишларида ҳам мана шу позициядан чиқмайди ва уни яширмайди. Чунки у Исломни шундай тушунади, бу тушунчасидан уялмайди ва уни тўғри, деб ҳисоблайди. Эрдоган Американинг «Нью-Йорк Таймс» газетасига «Туркия АҚШ билан бўлган кескинликка қандай қарайди» номли мақола ёзди. Бу мақолада Туркия ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик тарихи, иккисининг ўртасидаги кескинлик сабаблари ва ушбу кескинликнинг тузатиш йўллари ҳақида гапирди.

Эрдоган ўз мақоласида жумладан шундай деди: «Ўтган олтмиш йиллар ичида Туркия ва АҚШ давлати ҳамкор ва НАТО блогига шерик бўлиб келди. Икки давлат совуқ уруш даврида ва ундан кейин хатарларга қарши елкама-елка турди». У яна қўшимча қилиб шундай деди: «Туркия зарур бўлган пайт Америкага ёрдам қўлини чўзди. Аскарларимиз ва ҳатто аёллар Корея урушида бирга жанг қилишди... 11 сентябрдаги террор ҳужумларидан кейин, яъни Вашингтон ёвузликка қарши зарба беришда дўстлар ва иттифоқчиларга мурожаат қилган пайт НАТОдаги мажбуриятимизни бажариш учун қўшинларимизни Афғонистонга юбордик».

Эрдоганнинг бу баёноти шуни кўрсатмоқдаки, у ўзининг дин ҳақидаги қаноатларига зид гапирмаяпти. Чунки у илмоний давлат етакчиси сифатида Исломга эмас, балки ўзи татбиқ қилишга қасам ичган илмоний конституцияга амал қилмоқда. Бу борада унда ҳеч қандай муаммо йўқ. Чунки у ўзининг расмий позицияси, яъни Туркия Американинг Совет Иттифоқи билан бўлган инқирозиди ва Афғонистонда у билан бирга бўлганини айтди. Лекин буларнинг барчаси Исломда ҳаром ҳисобланади. Эрдоган бу ишларни Исломга алоқаси йўқ ва Совет Иттифоқи билан бўлган совуқ урушда Америка

билан бирга бўлишнинг ҳеч қандай зарари йўқ, деб ҳисобласа-да, Ислом бу ишларни ҳаром ҳисоблайди. Ислом Кореяга қарши урушда Туркиянинг Америка билан бирга бўлишини ҳам ҳаром ҳисоблайди. Бундан ташқари Туркия Афғонистонни босиб олишда иштирок этди, «Террорга қарши уруш»да иштирок этипти, Сурияда Америка билан бирга иштирок этипти, буларнинг барчасини Ислом ҳаром, деб ҳисоблайди.

Эрдоган ўзининг ушбу позициясини динга алоқаси йўқ, деб ҳисоблайди. Чунки Туркия давлатини илмоний давлат ва ўзини шахс сифатида мусулмон, деб билади.

Шунинг учун барча мусулмонлар шуни яхши билишлари лозимки, Эрдоган илмоний давлатнинг етакчиси, унинг ортидаги партияси ҳам илмонийдир. У илмоний конституция билан бошқаради, давлат ичкарасидаю ташқарисида рибо асосида иш юритади. Унинг ташқи алоқалари Исломга асосланмаган ва ичкаридаги муомалалари ҳам илмоний бўлиб, биз буни воқеда кўриб турибмиз.

Эрдоганнинг қаноатлари шулардан иборат, у Усманий давлатни шу йўл билан қайта тиклашни хоҳляпти. У исломий давлатни тарихда бўлганидек, Ислом буюрганидек йўл билан тиклашни хоҳламаяпти. У Ислом ва мусулмонларни азиз қиладиган, куфр ва кофирларни хор қиладиган рошид Халифаликни тиклашни хоҳламаяпти. Бундай шаръий тушунчалар унинг конституциясидан олиб ташланган.

Эрдоган мана шу тушунчасидан келиб чиқиб, халқаро алоқаларида рибо асосида муомала қилади ва буни ҳеч қандай зарари йўқ, деб билади. Шунингдек, у яхудийлар билан сиёсий, тижорий, дипломатик ва жосуслик алоқаларини қилади ва буни шариатга зид эмас, деб билади. Унинг назарида давлат исломий эмас, илмоний бўлиши лозим. Шунинг учун у Исломга душман кофир Ғарб давлатлари ва Америка билан НАТОда иттифокдош. Ҳарбий амалиётларда НАТО билан ҳамкор ва унинг мақсадларини рўёбга чиқаришда у билан бирга ҳаракатланади. Шунинг учун Эрдоган Исломни бошқарувга келишига қарши ва Афғонистонни босиб олишда НАТО билан бирга бўлди... Эрдоган бу тушунчасини яширмайди, балки уни очиқ айтади, ўзини шариатга зид иш қиляётган ва гуноҳга ботаётган шахс, деб ҳисобламайди.

Эрдоган ўз юртини шу асосдан келиб чиққан ҳолда ва Исломга алоқаси бўлмаган иқтисодий низом билан бошқаради. Шунингдек, бу низом кофир капиталистик низомлар асосланган нарсага асосланади. Аксарияти мусулмон бўлган Туркия халқининг ҳар бири ўзининг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари ва эътиқоди билан яшайди. Дин давлатдан ажратилган. Агар бирор мусулмон хамр ичса, ёки зино қилса, ёки ўғирлик қилса, қотиллик қилса ёки диндан қайтса, унга шаръий жазо

қўлланмайди... Ҳатто айрим диққатга сазовор жойларда секс туризм номли нарсани учратишингиз мумкин. Эрдоган шариат ундан ҳоким сифатида бундай ишларга тақиқ кўйишни талаб қилишини ҳис қилмайди. Бошқарув борасида эса, Эрдоган ҳокимиятга келишидан олдин ҳам ва ундан кейин ҳам Туркия Ота Турк тариқати асосида бошқарилади.

Ота Турк даврида бошқарув билан Эрдоган давридаги бошқарув фақат бир жиҳати билан фарқ қилади. Ота Турк динга хусусан Исломга душман илмонийликни қабул қилган эди. Шунинг учун у азонни арабча айтишни ман қилган, масжидларни беркитган, ҳижобни тақиқлаган ва Қуръонни туркчага таржима қилдирган эди... Аммо Эрдоган эса, динга душман бўлмаган илмонийликни қабул қилди. Аҳолининг аксарияти мусулмон бўлгани учун, бу ўзгаришнинг мусулмонларга таъсири бўлди ва мусулмонлар уни қабул қилишди. Хусусан олдин маҳрум бўлишган диний ибодатлари билан шуғулланишга Эрдоган бошқаруви даврида эришишди ва беркитиб юборилган аксар масжидлар қайта очилди.

Бундан ташқари оламнинг турли жойларидаги мусулмонлар ҳам буни яхши қабул қилишди. Улар бу ўзгаришга шариат талаб қилган ўзгариш, деб қарашди. Илмоний гуруҳлар унинг ҳар бир ҳаракатига қарши чиқиши, унинг қилаётган ишларидан хавфсираши ва уни Ота Турк меросини йўқотишга ҳаракат қилаётган шахс сифатида ҳисоблашлари бу ўзгаришни янада маҳкам ушлашларига олиб борди. Чунки оддий мусулмонлар жамоатчилиги кўпроқ реакцион позицияда бўлади. Бу нарса Эрдоган охири сайловларда ғолиб чиққанда, ҳарбийларга қарши уни қўллаб-қувватлаганда ва инқилобга қарши у билан бирга туришганда яққол кўринди.

Барча жойлардаги мусулмонлар Эрдоганга Уммати бирлаштирадиган ва ўзларининг ёмон аҳволини исломий ҳолатга ўзгартирадиган қаҳрамон сифатида қарашди. Улар Эрдоганни ҳимоя қилишар ҳамда у айтмаган ва қилмаган ишларни қилди, деб нисбат беришар ва у ҳақда турли хаёлларга боришар эди. Айрим кишилар Эрдоган Исломни даражама-даража тиклашни хоҳлапти дейишди. Ваҳоланки, Эрдоган даражама-даражалikka ишонмайди ва унга ҳаракат ҳам қилмайди. Унинг қаноати битта бўлиб, у ҳам бўлса давлат исломий бўлмайди, балки илмоний бўлади. Эрдоган буни яширмай очиқ айтади, чунки бу унинг қаноатидир.

Агар сиз бу ҳақиқатларни уларга айтсангиз, улар Эрдоганнинг мақсади исломий давлат тиклаш, лекин у бу ишни очиқ айтмаяпти дейишади. Улар Эрдоганга ҳақиқатни кўра олмайдиган кўзи кўр ошиқ каби қарашади.

Эрдоганнинг Сурияда қилган иши мусулмонларга қарши жиноят ва Исломга қарши хиёнат ҳисобланади. Чунки у кўзғолонни мағлубиятга учратиш учун биринчилардан бўлиб ҳисса қўшган шахсдир. Яна у Россия ва Эрон билан бирга елкама-елка иш олиб бормоқда. Қандай қилиб одамлар Россия ва Эронга Умнат душмани сифатида қарашади-ю, айти пайтда Эрдоганга умид кўзи билан боқишади?!

Уқоридагилардан келиб чиқиб айтамикки, ушбу мақолани ўқувчилар уни хотиржамлик билан ўқишини ва шайтоний хаёлларга берилмай, Аллоҳни рози қиладиган шаръий фикр юритишини сўраймикки. Чунки мусулмоннинг хоҳиши шариатга тобе бўлиши лозим. Бу ерда бир савол туғилади:

Мусулмонларга ҳоким бўлиши фарз қилинган шахс рибо билан муомала қилиши мумкинми? У Аллоҳдан бошқасини дўст тутиши мумкинми? Американи дўст тутиши мумкинми? НАТОга аъзо бўлиши мумкинми? Европа Иттифоқига қўшилиш учун ҳаракат қилиши шаръан жоизми? (Исроил) билан алоқалар ўрнатиши шаръан жоизми? Россия ва Эрон билан Сурия борасида ҳамкорлик қилиши, кўзғолонни мағлубиятга учратиш ва Башар Асадни ғолиб қилиш учун ҳаракат қилиши шаръан жоизми?

Ҳоким сифатида кофир илмоний конституция билан бошқариши, Туркияда зино билан шуғулланишга, ҳамр савдосига ва фоҳишахоналарга рухсат бериши мумкинми?

Эрдоганнинг видеодаги тасвирига қаранг, у гомосексуализм ва лесбиянкалик билан шуғулланишни қонунга кўра жазоланадиган жиноят, деб ҳисобламаслиги, балки у Туркия қонунлари ҳимоя қиладиган шахсий эркинлик эканлигини баралла айтмоқда. Ёки унинг матбуот ходимлари билан бўлган охириги учрашувда айтган гапини тингланг. У илмоний давлатнинг моҳияти қандай бўлишини, ҳукмлари инсонлар томонидан белгиланишини, яъни ундаги қонунларни Аллоҳдан бошқаси ишлаб чиқишини айтди... Эрдоган ҳақида биз айтиб ўтган ушбу ҳолатлар динга тескари бўлиб, одамлар Роббисини ғазаблантирадиган ишлардир.

Биз бу мақолада Эрдоганни қандай бўлса шундайлигича ҳамда қўшимча ва камчиликларсиз етказдик. Яна у ўзи яширмай айтганидек ва ўзи қаноат қилганидек ҳавола қилдик.

Афсуски, Ислом ғолиб бўлишини хоҳлаётганлар зехнида Эрдоган исломий етакчи, деган хато тасаввур пайдо бўлган. Бироқ, улар Исломни қисмларга бўлиб таълим берадиган шаръий маъҳадларда ўқиган ва Исломни тўғри тушунмаган уламолардир. Улар Исломни баъзи жойини олсалар, баъзи жойини олмайдилар.

Яна кўпроқ маълумот олишни истасангиз Эрдоганнинг расмий саҳифасига мурожаат қилишингиз мумкин. Ҳа, Исломни нотўғри тушуниш бир-бири билан келиша олмай яшаётган мусулмонларда шу каби позицияларни пайдо қилмоқда.

Мусулмонлар ўз динларини энг буюк ва бебаҳо дин, деб севадилар. Улар динларидан узоқлаштириш учун кофирлар амалга ошираётган тил бириктирувларга дучор бўлишмоқда. Мусулмонлар ўз динларини маҳкам ушлаш ва татбиқ қилиш учун барча нарсасини беришмоқда. Лекин улар ушбу динни тиклаш учун Аллоҳ улардан нимани ирода этганини тушуна олмаяптилар. Шунинг учун Исломни пистирмада пойлаб турганлар бу соҳада мусулмонларни алдаши осон бўляпти. Шунингдек, ҳар сафар бошқа кўринишда пайдо бўлиб, Уматни алдаши ва динни тиклашдаги мақсадларидан буриб юбориши осон кечмоқда. Бунга сўнгги икки ҳаракатни мисол қилиш мумкин. Унда дин душманлари ИШИД тимсолида Халифаликни бузиб кўрсатишди. Бу иш ортида Халифаликдан бош тортишдек умумий ҳолатни вужудга келтириш мақсади бор эди.

Улар кўзланган мақсадга етганларидан кейин сиёсий фаолият билан шуғулланаётган исломий ҳаракатларга босим қилишмоқда. Бунда улар исломий ҳаракатлардан Исломдаги сиёсий фаолиятдан ва сиёсий фаолиятларида Исломдан воз кечишларини талаб қилмоқдалар. Шунингдек бу ҳаракатлардан динни давлатдан ажратадиган бошқа илмоний ҳаракатлар каби бўлишини талаб қилишмоқда. Бу борада улардан Эрдоганни ўзларига намуна қилишларини ва Исломни тушунишда унинг йўлидан боришларини талаб қилмоқдалар. Эрдоганнинг Исломни тушунишдаги тутган йўли эса, Ғарб кўрсатган йўлдир...

Эй мусулмонлар мана шу Эрдоганнинг ҳақиқий башарасидир, сиз унга алданманг. У ўзининг устидаги намоз, рўза ва Қуръон ўқиш каби Аллоҳнинг ҳаққини адо этаётган бўлиши мумкин.

Лекин у Ислом билан ҳукм юритмаётган экан, ҳамда динни Ғарб ўргатгандек тушуниб, динни ҳаётдан ажратишга асосланган илмонийликни қабул қилган экан, ҳоким сифатида устидаги Аллоҳнинг ҳаққини адо этмаяпти.

﴿أَفَمَنْ يَمَسُّ مِكْبًا عَلَىٰ وَجْهِهِ أَهْدَىٰ أَمَّنْ يَمَسُّهُ سَوِيًّا عَلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾

«Ахир юз тубан (яъни оёгининг остидан ўзга ёққа қарамасдан) юрадиган кимса ҳақ йўлни топгувчироқми ёки қадди рост ҳолида тўғри йўлда юрадиган кишими?!» [Мулк 22] □

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ВА ЙИГИРМАНЧИ АСРЛАРДАГИ ҒАРБ МУФАККИРЛАРИНИНГ КУЧ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИ

Оламни куч билан бошқариш (2)

Абдулҳамид Абдулҳамид

Биз заифларга ўрин бермайдиган шафқатсиз капиталистик оламда яшар эканмиз, шундай бир давлатни тиклашга ҳаракат қиляпмизки, бу давлат кучли давлатлар ҳужуми қаршида мустаҳкам тура олиши, сўнг кучга тўлиб худуди барча исломий юртларни қамраб олиши ва бутун оламни Ислом билан бошқариш учун кенгайиши лозим. Шунинг учун, бу ўринда Ғарб муфаккирларининг фикрлаш услубларини ва дунёни бошқариш учун қўлланиши керак бўлган асосий қурол ҳақида уларнинг қарашлари ҳар хиллиги сабабини тушуна олишимиз учун куч сиёсати қондасига ҳамда ғарбликларнинг у ҳақдаги назариясига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Биз ўтган сонда қуйидагилар ҳақида сўз юритдик:

1 – Куч сиёсати тушунчаси;

2 – Денгиз кучлари-денгиз стратегияси ҳақида сиёсий тушунча.

Ушбу сонда эса, Қуруқлик кучлари-қуруқлик стратегияси, ҳақида сўз юритамиз:

Қуруқлик ҳаёт бошлангандан бери турли гуруҳлар ўртасидаги хусумат ва беллашувлар учун кураш майдони бўлиб келган. Улар яшаш учун зарур бўлган воситаларни қўлга киритиш учун ерларни босиб олишган. Шундай қилиб, қуруқликдаги давлатлар пайдо бўлган ва фурсат туғилиши билан ерларни босиб олиб, ўз майдонларини кенгайтиришган. Бобилийлар, Уссурийлар, Фиръавнийлар ва Форслар каби машҳур империялар шу тарзда ташкил топган.

Сўнг исломий давлат тиклиниб, унинг чегаралари Франция ва Хитойгача етиб борди. Аммо ҳаракатланиш қийин бўлган Тавр тоғлари мусулмонларни Византияликлар томонга юриш қилишига тўсқинлик қилди. Шунинг учун мусулмонлар Умавийлар ва Аббосийлар даврида Ўрта ер денгизидаги оролларни эгаллаш ва Константинополга етиш учун денгизга чиқишга мажбур бўлишди.

Сўнг Мўғуллар империяси пайдо бўлди. Улар саҳролар орқали Ғарб томонга кенгайишди. Бошқа давлатларнинг ички ҳолатларини билганликлари учун Венгриянинг ғарбигача етиб боришди. Лекин қалин ўрмонли тоғ зонасига борганда уларнинг армияси тўхтаб қолди, чунки бу уларнинг саҳро ҳаётига ўхшамас эди. Сўнг Усманий давлат Осие ва Европадаги кенг юртларни забт этди. Бу ҳолат Францияда Наполеон империяси тиклангунича

давом этди. Сўнг Европа давлатлари келишуви билан Усманий давлат қулади.

Турли гуруҳлар ўртасида урушларнинг аксарияти ер учун бўлган. Чунки бу урушлардан мақсад ерни босиб олиш, у ердаги бойликлардан фойдаланиш ва одамларни босиб олганлар қонуни билан бошқариш бўлган. Қуруқлик кучлари жангни ҳал қилиш ва қуруқликдаги душманни тор мор қилиш учун асосий куч бўлган бўлса, денгиз кучлари қуруқлик кучларига ёрдамчи бўлган.

Қитъа давлати бир-биридан узоқ минтақалар ва денгиз соҳилларини эгаллаб олар экан, ўз мулкларини ҳимоя қилиш учун денгизга чиқишни лозим деб топди. Чунки ташқи олам билан бўладиган иқтисодий алоқаларида денгизга суянаётган кучли давлатнинг денгиз флоти унинг эгаллаб олган ерларига хатар туғдириши мумкин. Ўз ўрнида денгизчиликка асосланган давлат ҳам эгаллаб олган ерларида ўзи учун ҳарбий базалар қуриши лозим. Чунки бу давлат денгиз кучларига таянч бўлиши учун ўзи эгаллаган қуруқликда базаларни барпо қилиши лозим, акс ҳолда пойтахт қулаши билан давлат ҳам қулаши мумкин.

Британиялик Маккиндер қуруқлик кучлари денгиз кучлари устидан ғолиб келишига қаноат ҳосил қилган географлардан бири ҳисобланади. Унинг фикрича, инсоният тарихи икки куч ўртасидаги курашдан иборат. У худди билакузук билакни ўраб турганидек атрофини денгиз ва океанлар ўраб турган, жипслашган битта материкда гавдаланган ер куррасининг асл воқелигидан келиб чиқиб халқаро сиёсий ҳодисалар географик омилларга боғлиқ, деган фаразни илгари суради.

Маккиндер ерни учта катта қисмга бўлади: Ернинг ўртаси, ички ярим ой ва ташқи ярим ой. У қадимги оламни (Евроазия ва Африка) ер куррасининг энг муҳим асосий ороллари, деб ҳисоблаган. Унинг майдони қуруқликнинг учдан бирига тенг ва 149 миллион км. квадратни ташкил қилади.

Маккиндернинг фикрича, ер маркази қадимги оламнинг ўртасидир. Ғарбдан Волга дарёсидан бошланиб, Сибирнинг шарқий қисмигача чўзилган. Майдони 21 миллион км. квадратга тенг. У Россия ва Монголия кенгликлари, Хитой ғарби, Афғонистон, Форс юртлари ва соҳилини ҳисобламаганда Балужистонни ўз ичига олади. Бу минтақа атрофи ўралган бўлиб, унга уруш қилиш қийин ишдир. Чунки уни жанубдан ўтиш қийин бўлган тоғ рельефи, шимол тарафдан Шимолий муз океани ўзининг совуқ иқлими билан ўраб туради. Минтақанинг шарқидаги уч дарё (Обь, Енисей ва Лена)лар сувини Шимолий муз океанига

куяди. Бу душманга сув транспортдан фойдаланишни қийинлаштиради. Минтақада яна ички Тарим дарёси ва Каспий денгизига қуйиладиган ва кемачиликка қулай Волга дарёси бор. Шунинг учун ушбу минтақа ҳимояланиш учун энг афзал ва қуруқлик кучлари учун энг мустаҳкам қалъа ҳисобланади.

Маккиндер марказий минтақага Россиянинг Европа қисмларининг барчасини, Европанинг шарқи ва Германиянинг Эльба дарёсини қўшади. У яна бой ресурсларга эга катта Европа кенгликларини ва Узоқ шарқдан ташқари Совет Иттифоқининг барча жойларини ўз ичига олади. Шунинг учун бу минтақа ғарбий тарафдан ташқари барча томонлари ўралган қалъа ҳисобланади. Маккиндер Ғарб томонини, яъни Қора денгиздан Болтик денгизигача бўлган масофани «очиқ эшик», деб номлаган. Чунки у ердан Германия ва Европа ғарбига кириш мумкин.

Шарқий Европа Варшава шартномасига қўшилганидан кейин Ғарб томондаги ҳужум қилиниши мумкин бўлган очиқ эшик тўсилди. Маккиндер шунинг учун Россия ва Германия халқаро давлат тиклаш учун иттифоқ тузиши лозимлиги ҳақида ўйлаган эди.

Маккиндер Африка саҳросининг жанубини ернинг жанубий маркази, деб ҳисоблаган эди. Чунки у ерда ташқарига чиқадиغان дарёлар мавжуд. Улар Нигер, Конго ва Замбези дарёлари бўлиб, уларнинг юқори ўзанлари кемачиликка қулай. Пастки қисмлари эса, шаршаралар бўлгани учун кемачиликка ноқулай бўлганидан у ерларга денгиз тарафдан уруш қилиш қийиндир. Араб юртлари саҳро текисликлари ҳамда Дажла, Фурот ва Нил каби узун дарёлари орқали ер марказига ўтиладиган кўприк ўрнидадир.

Аммо ички ярим ой минтақаси шимол билан жанубнинг марказидаги минтақадир. У ернинг аксарият жойлари унумдор ерлар ҳисобланади. Бу минтақа яна Тинч, Ҳинд ва Атлантика океанлари устидан назорат қилади. У ерга Осиёнинг жануби, шарқи ва жанубий шарқи, Осиёнинг жанубий ғарбидаги араб юртлари ва Европанинг ғарбий минтақалари киради. У ердаги Дунай, Рейн, Эльба, Дажла, Фурот, Инд, Ганг ва Янцзи дарёлари орқали ташқарига чиқиш мумкин. Ушбу дарёларнинг барчаси кемачиликка қулайдир. Маккиндернинг фикрича, бу минтақа қуруқлик ва денгиз кучлари тўқнашадиган минтақадир.

Аммо ташқи ярим ой минтақаси икки Америка, Австралия, Янги Зеландия, Филиппин, Индонезия, Малайзия, Британия, Япония ва Тинч океанидаги барча ороллари ўз ичига олади. Ички ва Ташқи ярим ой минтақаларини денгиз ва океанлар ажратиб туради.

Маккиндер Американинг юлдузи порлагани ва Ғарбий Европа давлатлари иккинчи даражага тушганини кўргач, НАТО ҳудудини «Ўрта Ҳавза» деб атади. Германия рейхи (империя)сини эса, шимолий марказ билан ўрта ҳавзани ажратиб турадиган минтақа, деб атади. Германия армиясини тор-мор қилиш учун иккиси бири-бири билан иттифоқ тузиши лозим, деб ҳисоблади. Бу иш бироз кейинроқ амалга ошди.

Маккиндер хулоса қилиб ким Европа шарқига ҳукмронлик қилса, марказга ҳукмрон бўлади. Ким оламнинг марказига ҳукмрон бўлса, эски дунё ороллари (Еврооёсиё ва Африка)га ҳукмрон бўлади. Ким эски дунёга ҳукмрон бўлса, оламга ҳукмрон бўлади, деган эди. Иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқи Германия устидан ғалаба қозонди. Совет Иттифоқи шу туфайли оламдаги энг кучли куруқлик кучига ва стратегик жиҳатдан энг химояси кучли марказга айланди.

Аммо Маккиндернинг назариясига қаратилган танқидлар ҳақида айтадиган бўлсак, куруқлик соҳасида бўладими ёки денгиз соҳасида тараққий этган илмий ва ишлаб чиқариш базасига эга бўлган кучлар катта кучга айланди. Маккиндер эса, ҳаво кучлари тез тараққий этиб, оламнинг хоҳлаган нуқтасига зарба бера олиши ва бошқа куруқлик ҳам ривожланиб кетиши мумкинлиги ҳақида ўйламаган эди.

Маккиндер яна Япония Британияга ўхшаб оролда жойлашгани учун келажакда улкан денгиз кучига эга бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деган эди. Лекин халқаро вазиятлар ўзгаргач, бу эҳтимол хато бўлиб чиқди. Чунки Япония бугун икки қўшни катта куч ўртасида қамалиб қолди. Улар Россия ва Хитой бўлиб, Япония улар билан ҳарбий жиҳатдан рақобатлаша олмайди. Чунки Япониянинг майдони кичкина ва хом ашёдан иборат иқтисодий бойлиги кам. Мана шу Япониянинг заиф жойидир, у ишлаб чиқариш техникаси ва илм фанда қанчалик устун бўлишининг фарқи йўқ. Хом ашё импортига бўлган ҳар қандай хатар унинг саноатини синдириб, ўзини қулатади.

Бугун Япония олдида уч имконият мавжуд:

1 – АҚШга иттифоқ шаклида қарамлик. Бунда у Россия ва Хитойнинг заиф нуқтаси ўрнида бўлиб қолади ва уларга қарши Америка найзасига айланади. Лекин у бунда Америка қўлидаги карта бўлиб, Америка ундан хоҳлаган вақт душманлари бўлмиш Россия ва Хитой фойдасига воз кечиши мумкин. Япония бунда ўзи ва халқи манфаати йўлида эмас, Америка манфаати учун хизмат қилади.

2 – Осиё материғи шарқидаги Америка-Россия ва Америка-Хитой кураши уммонида нейтрал бўлиб қолиш.

3 – Хитой билан стратегик ҳамкорлик. Бунда Япония техникаси ва Хитой хом ашёси, ишчи кучи ва ҳимояси бирлашади. Бу ҳамкорликнинг яна бир эътиборли жиҳати географик қўшничилик алоқалари ва мўғул сулоласига мансуб икки миллат яқинлашуви рўй беради. Шунингдек, бу Осиёнинг шарқи ва жанубий шарқида яшовчи мўғул сулоласига мансуб халқларни бирлаштирадиган катта куч тикланиши учун бошланғич ҳаракат бўлиб қолади. Бундан ташқари Американинг минтақадаги ҳукмронлиғига чек қўяди. Бу билан Американи биринчилик даражасидан тушира олмаса-да, дунё ишларини танҳо ўзи бошқаришига чек қўяди.

Аммо Америкалик географ Спикмен (1893-1943) Россиянинг халқаро сиёсатда транспорт, ҳаракат, ҳамда иктисодий, кишлок хўжалик, ишлаб чиқариш соҳасида ва куч соҳасида марказий роль ўйнашига шубҳа билан қараган. Яна у ким Россияни ўраб турган қитъаларни эгалласа, Евроосиёни эгаллайди. Ким Евроосиёни эгалласа оламни эгаллайди деган. Бу Маккиндер назарида ички ярим ой бўлиб, Спикмен уни «Ер халқаси» деб атаган. Чунки у Европанинг барча жойлари, Араб ярим ороли, Шом, Ироқ, Туркия, Эрон ва Осиёнинг шарқи ва жанубий шарқини ўз ичига олади.

Спикмен ерни қуруқлик кучи соҳиби бўлмиш Россия ва денгиз кучи соҳиби бўлмиш Британия ўртасида тақсимлаган. Шунингдек, унумдор тупроқ ва ташқарига оқиб чиқувчи сувлари бўлган ер халқаси номли минтақани қуруқлик ва денгиз кучлари ўртасида рақобат ва тўқнашувга нишон бўладиган минтақа, деб ҳисоблаган. Спикмен бу борада Маккиндер билан ҳамфикр бўлган.

Спикмен АҚШ ўзининг кучга асосланган сиёсатини ер халқаси томон қаратиши зарурлигини айтган. Чунки у ким ер халқасига ҳукмрон бўлса, Евроосиёга ҳукмрон бўлади. Ким Евроосиёга ҳукмрон бўлса, оламга ҳукмрон бўлади, деб ҳисоблаган. Америкалик сиёсатчилар бу борада унинг фикрига қўшилишган.

Спикмен Европа устидан ҳукмронликни қўлга киритиш учун Россия қуруқлик кучлари, Британия денгиз кучлари ва АҚШ ҳамкорлик қилиши зарур, деб ҳисоблаган. Яна у Россия кучи келажакда ўз минтақаси, аниқроғи Урал тоғи ғарбида ҳимояланади. Чунки у ер темир конлари, нефть, сувга бой ва кишлок хўжалик имконияти кенг минтақадир деб ҳисоблаган.

Спикмен оламни иккига бўлган: Ғарбий ва Шарқий қисмга. Ғарбий қисм икки Американи ўз ичига олса, Шарқий қисм қадимги дунё ва Тинч океанидаги ороллардан иборат. Унинг

фикрича Шарқий қисм Ғарбий қисмни ўраб туради. Шарқий қисмнинг ер майдони Ғарбий қисмниқидан икки ярим баробар катта. Аҳоли сони эса, ўн баробар кўпдир. 1937 йилдаги маълумотга кўра, Шарқий қисмдаги кўмир ва темир қазиб олиш бутун оламда қазиб олишнинг учдан иккисини ташкил қилган. Спикмен шунинг учун АҚШ Россия-Европа яқинлашувига қарши туришини насиҳат қилган эди.

Аммо Фауст ким Европа Шарқига ҳукмрон бўлса, марказий минтақага ҳукмрон бўлади деган фикрга қўшилган. Россия эса, ўн олтинчи асрдан бери ушбу минтақага ҳукмронлик қилади.

Шунинг учун у ким марказга ҳукмронлик қилса, дунёга ҳукмронлик қилади, деган фикрни муболаға деб ҳисоблаган. Чунки марказий минтақа ер ҳалқаси минтақаси устидан ҳукмронлик қилиши учун етарли кучга эга эмас. Шунингдек, Мўғул татар урушлари каби у ердан атрофга юриш қилган урушлар рўй берган бўлса-да ушбу минтақа устидан ҳукмронлик қила олмаган. Фаустнинг фикрича, оламий империя кучи марказда яширинган эмас. Шарқий Европа ерлари яшаш учун қулай. Лекин бу минтақанинг марказ билан қўшилиши Маккиндер кутганидек стратегик кучни пайдо қилмайди. Шунинг учун Фауст марказни бутун Европа билан бирлашишга чақирди. Чунки шу минтақа оламнинг чекка минтақаларига ҳукмрон қилиш имкониятини берадиган табиий ва инсоний ресурсларга эга. Шунинг учун у қадимги дунёга ҳукмрон бўлган оламга ҳукмрон бўлади, деб ҳисоблайди.

Аммо Вайгерт ўзи яшаган давр (1949 йиллар)да куч маркази назариясини энг кучли назария деб ҳисоблаган. Лекин у Маккиндерни АҚШнинг ролига писанд қилмаслик ва уни оламдан ажралган минтақа, деб ҳисоблаш ва шунинг учун уни ташқи ярим ойга жойлаштиришда айблаган. Чунки бугун АҚШ Атлантика ва шимолий муз океани орқали марказ билан боғлангандир.

Ички ярим ой аҳолиси, хусусан Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси сони ўсиб, Россия ва Ғарб давлатларини заифлаштиради ва марказ давлатлари билан чекка давлатлар ўртасидаги алоқага таъсир қилади ҳамда марказни қумлик пойдевор устида тургандек қилиб қўяди, дея қутилган эди. Вайгерт Маккиндерни оламдаги кучларни тенглаштириш учун марказ билан қолган қитъалар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилишига ҳаракат қилгану, лекин ўша пайтда тараккий эта бошлаган АҚШ каби кучлар мувозанатига раҳна соладиган бошқа куч пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида бош қотирмаган деб айблайди.

Давоми бор □

ПАЙҒАМБАР ﷺ НИНГ ХИЖРАТИ

Муҳандис Абдуллатиф Шомий

Росулуллоҳ ﷺ нинг хижрати хотирланаётган кунларда у зотнинг минбарида туриб одамларга хутба қилаётган имомлардан, аксар мусулмонлар ва илмонийлардан одамни хайратга солувчи нарсаларни эшитдим. Уларнинг барчаси кундек равшан ҳақиқатни яширишда бор маҳоратларини ишга солишди. Шундай экан, табиий бир савол туғилади: Улар нима учун бундай қилишмоқда? Бунга уларни нима ундамоқда?

Хижратни хотирлаш кунларидаги жумъа хутбаларидан бирида имом хатиб Уммат учун хижратдан олинадиган сабоқ гуноҳлардан хижрат қилиш (қочиш) ва Аллоҳга қайтиш, дея хулоса чиқармоқда. У намозхонларга гапира туриб, хижрат фисқу фужур билан шуғулланиш ва хамр ичиш каби маъсиятлардан қочишни англатишини айтмоқда. Яна бири хижратни Суроқа ибн Молик отининг туёқлари қаттиқ ерга ботиб кетгани ҳақидаги мўъжиза билан хотирламоқда. Бошқаси эса, Аллоҳ Таоло Росулуллоҳ ﷺ нинг ўз хижратида босган изларини йўқ қилиб юборганини эсламоқда. Сўнг Аллоҳ Таолонинг ушбу

﴿وَجَعَلْنَا مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًّا وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًّا فَأَغْشَيْنَاهُمْ فَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ﴾

«Ва Биз уларнинг олдиларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас улар кўра олмаслар» [Ёсин 9]

оятини ўқиб, ўргимчак тўри, оқ кабутар ва ғорни эслатапти. Яна бири эса, «Толаал бадру алайна»ни Имод Ромийга ўхшатиб кўйламоқда... Аммо ўзини заковатли, деб ҳисоблайдиган яна бири эса: Хижратда Росулуллоҳ ﷺ ўз динини олиб қочган демоқда... Уларнинг ҳар бири ҳақида гапирсанг гап тугамайди.




Биз бугун ҳақиқатдан узоқлашдик, ҳа, ҳақиқатдан қасддан узоқлашдик. Аллоҳ Таоло нисо сураси 105 оятида шундай марҳамат қилади:




﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرْنَاكَ اللَّهُ وَلَا تَكُنَ لِلْخَائِبِينَ


﴿خَصِيمًا﴾

«Албатта, Биз сизга ушбу Ҳақ Китобни (Қуръонни) одамлар орасида Аллоҳ қўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик. Сиз хоинларни ҳимоя қилгувчи бўлманг» [Нисо 105]

Аллоҳ Таоло бу оятда Қуръонни Росулига туширишдан мақсадини «**Одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун**», дея баён қияпти. Демак ишнинг ғояси, ўрқачи ва чўққиси одамлар орасида Аллоҳ ўзининг азиз китобида кўрсатган шаръий ҳукмлар билан ҳукм юритилишидир. Ҳа, Ислоннинг чўққиси ва ўрқачи ўз фуқароларига, мусулмон ёки кофирлигидан қатъий назар уларнинг барчасига Аллоҳнинг ҳукмларини татбиқ қиладиган давлатни тиклашдир.

Ислоннинг мақсади мана шу, у орқали Ислонни буюк ғояси яъни Аллоҳ учун қилинадиган ибодат рўёбга чиқади. Росулulloҳ ﷺ ҳижратдан олдинги даврда мана шу ғоя учун ҳаракат қилди. Ҳижрат қилган пайтда ҳам мана шу нарса яъни Аллоҳнинг буйруғини амалга оширди. Ибн Ҳажар Асқалоний Фатҳул Борийда келтиришича, Али ибн Абу Толиб шундай ривоят қилади: «Аллоҳ Таоло Пайғамбарига араб қабилаларига мурожаат қилишини буюргач, мен ва Абу Бакр Росулulloҳ ﷺ билан бирга Минога бордик. У ерда араблар мажлис куриб ўтиришган экан. Шунда насаб хусусида яхши мутахассис бўлган Абу Бакр уларга яқинлашиб қайси насабдансиз, деб сўради. Шунда улар: Робиа насабидан дейишди...». Демак бу Аллоҳнинг буйруғидир. Чунки Али  «**Аллоҳ ўз Пайғамбарига буюргач**», деб бошляпти. Лекин ўша пайтдаги вазият шуни талаб қилган, шунинг учун Росулulloҳ ﷺ шу йўлни ижтиҳод қилган дейиш ҳам жоиз эмас. Чунки Пайғамбаримизни мужтаҳид бўлган, деб айтиш жоиз эмас. Аллоҳ Таоло Пайғамбаримизга араб қабилаларидан Ислон давлатини тиклаш учун ҳимоя ва ёрдам сўраб мурожаат қилишга буюрди. Пайғамбаримиз  Роббисининг буйруғини олиши билан Маккада қабилалар йиғиладиган тижорат ва ҳаж мавсумларида ҳаракатни бошлади. Пайғамбаримиз  бу ишни белгиланган мақсад ва пухта сиёсий режа асосида олиб борди.

Бу ишда Пайғамбар га Али ибн Абу Толибдан ташқари Абу Бакр Сиддиқ  шерик бўлди. Абу Бакр арабларнинг насл насаби ва тарихини яхши биладиган шахс эди. У киши қабилаларни ҳар томонлама саволга тутар эди. Улардан: Сонингиз қанча? Ҳимоя ҳақида нима дейсиз? Уруш кўрганмисиз? каби нарсаларни сўрар эди. Мана шундан кейин Росулulloҳ  даъват билан уларга мурожаат қилар эди.

Сийрат китобларида Росулulloҳ  даъват қилган ва Ислон давлатини тиклаш учун нусрат сўраган қабилалар номлари келтирилган. Улар қуйидагилардир: Кинда, Бану Омир, Ғассон, Бану Фазора, Бану Мурра, Бану Ҳанифа, Бану Салим, Бану Абас,

Бану Наср, Бану Шайбон ибн Саълаба ибн Ақоба, Калб, Бану Хорис ибн Каъб, Бану Узра, Бакр ибн Воил, Қайс ибн Хатим ва Хазраж қабилаларидир.

Росулуллоҳ ﷺнинг бу қадар кўп қабила билан учрашиши, яъни ўн олти марта ҳаракат қилиши бу иш шаръий тариқат эканини кўрсатяпти. Демак биз ушбу тариқатдан қилча оғишмаслигимиз лозим, чунки у Аллоҳнинг буйруғидир. Бу услуб ҳам эмас, чунки услуб бўлганда беш ёки олти мартадан кейин тўхтатиб, бошқа услуб кидирган бўлар эди. Лекин Росулуллоҳ ﷺ Аллоҳ Таоло у кишига Авс ва Хазраж қабилаларини йўлиқтирмагунича ишида давом этди.

Росулуллоҳ ﷺ қабилаларнинг хавфсизлик, стратегик ва географик тарафлари, ҳамда алоқалари ва воқесини билишга эътибор қаратди. Уларни Исломга чақирганидан кейин ва ёрдам сўрашдан олдин ҳимояси, кучи ва битимлари ҳақида сўрар эди. Чунки янги қурилажак давлатни ҳимоя қиладиган куч, ҳимоя ва қабилавий алоқалар муҳим иш бўлиб, улар ҳақида маълумот бўлиши шарт. Чунки ер юзидаги барча ёвуз ва ботил кучларга қарши чиқадиган қабила душманни кўрқитадиган, давлат ва даъватни ҳимоя қиладиган, кенгайиш ва ёйилишдаги машаққатларни кўтара оладиган ва қаршисида турган тўсиқларни олиб ташлайдиган бўлиши лозимдир.

Бунга Росулуллоҳ ﷺнинг Бану Шайбон билан олиб борган сўзлашуви далил бўлади. Биз Росулуллоҳ ﷺнинг тариқатига эргашар эканмиз ва Умматнинг шаънини қайта тиклашда у кишидан ўрнак олар эканмиз бу сўзлашувларнинг айрим жиҳатини келтириб ўтамыз. Юқорида биз келтириб ўтган Али ибн Абу Толиб ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «... Сўнг бошқа мажлисга бордик, улар тинч ва виқор билан ўтиришар эди. Абу Бакр уларга салом бериб: Қайси қавмдансиз? деб сўраган эди, улар: Шайбон ибн Саълабадан деб жавоб беришди. Абу Бакр Росулуллоҳ ﷺга қараб: Ота онам сизга фидо бўлсин булар анча мағрур одамлар, деди.

Уларнинг ичида чирой ва сўзлашувда улардан устунроқ Мафрук исмли киши бўлиб, икки кокили кўкрагига тушиб турар эди. Бундан ташқари у Абу Бакрга яқин жойда турган эди. Абу Бакр: неча кишисизлар? деб сўраган эди, Мафрук: мингтадан кўп эмас, лекин минг киши оз сонли бўлганидан мағлуб бўлмайди деди. Абу Бакр: Ҳимоя ҳақида нима дейсиз? Мафрук: Биз жангда қаттиқ ғазабланамиз ва ғазабланганда қаттиқ жанг қиламиз. Биз болалардан кўра отларни, тўшакдан кўра қуролни яхши кўрамыз.

Нусрат эса Аллоҳдан, бир марта бизга берса, иккинчи марта бошқасига беради деди. Сўнг шеригинг қурайшлик эмасми? деди. Шунда Абу Бакр: Агар у кишининг Аллоҳнинг элчиси экани ҳақида хабарингиз бўлса, мана у киши ҳузурингизда деди. Шунда Мафрук: Эй қурайшлик биродар нимага чақиряпмиз? деди.

Росуллоҳ ﷺ:

«أَدْعُوكُمْ إِلَى شَهَادَةٍ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَيُّ رَسُولِ اللَّهِ، وَإِلَى أَنْ تُؤْوُوايَ وَتَنْصُرُونِي، فَإِنَّ قُرَيْشًا قَدْ تَظَاهَرَتْ عَلَى اللَّهِ، فَكَذَّبَتْ رَسُولَهُ، وَاسْتَعْنَتْ بِالْبَاطِلِ عَنِ الْحَقِّ، وَاللَّهُ هُوَ الْعَيُّ الْحَمِيدُ»

«Мен сизларни Аллоҳ шериксиз Зот ва мен Аллоҳнинг қули ва элчиси эканимга гувоҳлик бериш ҳамда менга бошпана ва ёрдам беришингизга даъват этаман. Чунки Қурайш Аллоҳга қарши чикди, элчисини ёлғонга чиқарди. Ҳақ ўрнига ботилни танлади. Аллоҳ беҳожат ва мақтовга сазовор Зотдир», деди. Мафрук: Аллоҳга қасамки, бундан гўзалроқ сўзни эшитмаганман. Яна нимага чақирасан эй қурайшлик биродар деди. Шунда Росул ﷺ ушбу

﴿قُلْ تَعَالَوْا أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبِّيَ عَلَيْكُمْ أَلَّا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِمَّنْ إِمْلَقِي نَحْنُ نَزَرُفُكُمْ وَإِيَّاهُمْ وَلَا تَقْرَبُوا الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَّنَ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ ذَلِكُمْ وَصَلَّكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

«*Айтинг: «Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай. У зотга бирон нарсани шерик қилмангиз: ота-онага яхшилик қилингиз; болаларингизни камбағалликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз — Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз — бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашмангиз; Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонларни ўлдирмангиз, магар ҳақ билан (яъни қасос олиш учун ё муртад бўлгани, ёки зино қилгани учун шариат ҳукми билан ўлдиришингиз мумкин). Шояд ақл юргизарсиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди»* [Анъом 151]

оятни ўқиди. Мафрук эса, гўзал ахлоқ ва чиройли амалларга чақирдинг. Қавм ичидаги бўҳтончилар сенга қарши чиқиб сени ёлғончига чиқаришади деди. Сўнг ишни Хони ибн Қабисага ҳавола этиб, бу Хони бизнинг оқсоқолимиз ва динимиз етакчиси деди. Хони эса, эй қурайшлик биродар, мен сўзларингни эшитдим, лекин

бир сўзлашувдаёқ динимизни ташлаб, сенинг динингга эргашиш нодонликдир. Шунинг учун фикрлаш ва оқибат ҳақида ўйлаш лозим, чунки шошқалоқлик янглишишга олиб боради. Биз ортимиздагиларга муаммо туғдиришни хоҳламаймиз, лекин қайта-қайта ўйлаб кўрамиз, деди. Сўнг гўё Масаний ибн Ҳорисани ҳам иштирок этишини хоҳлагандек: Бу Масаний, у оқсоқолимиз ва ҳарбий етакчимиз, деди.

Масаний (у кейинроқ исломга кирди) айтдики: Эй қурайшлик биродар, сўзларингни эшитдим. Динимизни ташлаб, сенинг динингни қабул қилиш борасида жавобим Хоний ибн Қобисанинг жавоби билан бир хил. Биз икки дарё ораллиғига келиб ўрнашдик, бири Ямома тарафда, иккинчиси Самома тарафда деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: Бу икки дарё қайси дарёлар? деб сўраган эди, У: Кисронинг дарёлари ва арабларнинг сувлари. Кисронинг дарёлари ҳақида айтадиган бўлсак, бунга журъат қилган кишининг гуноҳи кечирилмайди, ва узри қабул қилинмайди. Чунки биз бу ерга келиб ўрнашганимизда Кисрога бирор янгилик киритмаслик ва янгилик киритганга бошпана бермаслик ҳақида ваъда берганмиз. Эй қурайшлик биродар сен айтаётган иш подшоҳлар ёқтирмайдиган ишдир. Аммо араблар сувлари ҳақида айтадиган бўлсак, бу борада сенга ёрдам берамиз деди.

Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«مَا أَسَأْتُمْ فِي الرَّدِّ إِذْ أَفْصَحْتُمْ بِالصِّدْقِ، وَإِنَّ دِينَ اللَّهِ لَنْ يَنْصُرَهُ إِلَّا مَنْ حَاطَهُ مِنْ جَمِيعِ جَوَانِبِهِ، أَرَأَيْتُمْ إِنْ لَمْ تَلْبَثُوا إِلَّا قَلِيلًا حَتَّى يُورَثَكُمُ اللَّهُ تَعَالَى أَرْضَهُمْ وَدِيَارَهُمْ، وَيُنْفِرْشَكُم نِسَاءَهُمْ، أَتَسْبِيحُونَ اللَّهَ وَتُقَدِّسُونَهُ؟»

«Чиройли рад эттингиз, чунки тўғри сўзладингиз. Аллоҳнинг динига эса, уни барча жиҳатларини ҳимоя қила оладиган кишигина ёрдам бера олади. Ўйлаб кўринг яқинда Аллоҳ сизга уларнинг ер ва юртларини мерос қилиб берса ҳамда аёлларини сизга хизматкор қилса, Аллоҳга тасбеҳ айтиб, у зотни улуғлайсизми?», деди. Шунда Нўъмон ибн Шарик: Эй Аллоҳим сен учун шундай қиламиз, деди.

Улар даъватга зид халқаро битим тузган эканлар, давлат тиклаш учун улардан ёрдам сўраш тўғри бўлмайди. Чунки улар мана шу аҳволда давлатни ўз ҳимоясига олишлари улар билан битим тузган давлатлар томонидан бу давлатни йўқ қилиш хатарини пайдо қилади. Бундан ташқари бу битимларда Исломиё давлат манфаатларига путур етказувчи хатар бор. Шунинг учун шарт қўйилган ёки тўла бўлмаган ёрдам кўзланган мақсадга олиб

бормайди. Агар Кисро янги пайдо бўлган Ислом давлатига қарши ҳужум қилишни хоҳласа, Бану Шайбон унга қарши урушга кирмаган бўлар эди. Бу нарса уларнинг рад жавобидан маълум эди.

Энди Росулulloҳ ﷺнинг Бану Омир қабиласи билан олиб борган сўзлашувларнинг айрим томонларини келтириб ўтамиз. Чунки бундан шаръий сабоқ олса бўлади:

Бу музокаралар режа ва тадқиқот асосида амалга оширилган эди. Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакр Бану Омир қабиласини Қурайш ва Ҳузоа каби сони улкан, атрофлари мустаҳкам, бирор подшоҳга бўйсунмайдиган, солиқ тўламайдиган жанговар қабила, деб билишар эди. Росулulloҳ ﷺ биринчи уларни Аллоҳга даъват қилди ва ўзини ҳимоя қилишларини сўради. Шунда улардан Байхара ибн Фирос исмли киши: Аллоҳга қасамки, агар мен бу йигитни Қурайшдан ўзимга оғдириб олсам, у билан бутун арабларни бўйсундириб олар эдим, деди. Сўнгра: Агар биз бу иш хусусида сенга байъат берсак ва Аллоҳ сени қарши чиққанлар устидан ғолиб қилса, ҳукмронлик сендан кейин бизнинг қўлимизда бўладими, деб сўради. Росулulloҳ ﷺ: Ҳукмронлик Аллоҳникидир, ҳукми хоҳлаганига беради, деди.

Шунда у: Сен ўзингдан олдин арабларга бизни нишон қилмоқчимидинг? Аллоҳ сени ғолиб қилса-ю ҳукмронлик биздан бошқаларники бўлса, сенинг бу ишингга бизнинг эҳтиёжимиз йўқ деди. Росулulloҳ ﷺ нусрат аҳлига бирор кафолат беришдан бош тортди. Яъни уларнинг берган ёрдами эвазига мукофот тарзда ҳокимиятни ваъда қилмади. Чунки Ислом давлати мусулмонларнинг давлатидир. Шунинг учун ёрдам бераётганларда топилиши шарт бўлган нарса салтанат ва нуфуз каби шахсий истаклар эмас, балки Аллоҳга холислик бўлиши лозим эди.

Росулulloҳ ﷺнинг Аллоҳ тақдирлаган ансорлар билан бўлган музокаралари тариқати билан танишиб чиқадиган бўлсак, Ислом давлати улар ёрдамида тикланди ва уларнинг ҳимояси остида ёйилди. Бу музокаралар уч йилда пишиб етилди: Биринчи учрашув йили, биринчи Ақаба байъати (Нисо байъати) ва иккинчи Ақаба байъати (уруш байъати).

Биринчи учрашув Росулulloҳ ﷺ ўн беш қабилани айланиб чиқиб, умиди пучга чиққанидан кейин юз берди. Ибн Исҳоқ ансорлар билан бўлган биринчи учрашув тафсилоти борасида шундай дейди:

Росулulloҳ ﷺ ҳар мавсумда чиқиб, араб қабилаларига ўз ишини таклиф қилар эди. У зот ансорлар билан учрашган

мавсумда ҳам чиқиб, ҳар мавсумдагидек араб қабилаларига ўз ишини таклиф қилди. Аллоҳ ўз динини изҳор этиш, пайғамбарига куч бағишлаш ва унга бўлган ваъдасини бажо келтиришни хоҳлагач, У зот Ақабада Аллоҳ яхшилик истаган хазражликлардан бир гуруҳига дуч келди.

Осим ибн Умар ибн Қатода қавмининг олимларидан менга шундай ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ улар билан учрашганларида: «Сизлар кимсизлар?» деб сўради. Улар: «Хазраж гуруҳимиз» дейишди. Росулulloҳ ﷺ яна: «Сизлар яҳудийларнинг дўстлариданмисиз» деди. Улар эса: «Ҳа» дейишди. Росулulloҳ ﷺ: «Ўтирмайсизларми, сизга айтадиган гапларим бор» деди. Улар: «Хўп», дея Росулulloҳ ﷺ билан бирга ўтиришди. Росулulloҳ ﷺ уларни Аллоҳга имон келтиришга даъват этиб, Қуръон тиловат қилиб берди.

Ровий деди: Аллоҳнинг лутф ва инояти туфайли уларнинг мусулмон бўлишларига яҳудийлар билан бир юртда яшаганлари сабаб бўлди. Яҳудийлар аҳли китоб ва илм аҳли бўлиб, булар эса мушрик ва бутпараст эдилар. Юртларини жанг билан забт этган эдилар. Агар ораларида бирон келишмовчилик юзага келиб қолса, яҳудийлар: «Яқинда бир пайғамбар юборилади. Бунга жуда яқин қолди. Биз унинг динига эргашамиз ва у билан сизни, Од ва Ирам қавмларини ўлдиргандек, ўлдирамиз», дейишарди. Росулulloҳ ﷺ хазражлик гуруҳ билан гаплашиб Аллоҳга имон келтиришга чақирганларида бир-бирларига: «Эй қавм, Аллоҳга қасамки, бу одам яҳудийлар айтиб кўрkitадиган Пайғамбардир. Улар асло биздан олдин у билан кўришмасинлар, яъни мусулмон бўлмасинлар» дейишди. Дарҳол Росулulloҳ ﷺнинг даъватларини қабул қилиб, уни тасдиқлаб, ўзларига таклиф қилинган Исломни қабул қилдилар. Улар: «Биз қавмимизни ташлаб келганмиз. Ораларидаги адоват ва ёмонлик бошқа ҳеч бир қавмда йўқ. Умид қиламизки, Аллоҳ сиз билан уларни бир жойга жамлайди. Қавмимиз олдига бориб, уларни ҳам сизнинг динингизга чақирамиз. Бу диндан биз қабул қилган нарсаларни уларга ҳам қабул қилишлари учун билдирамиз. Агар Аллоҳ уларни бу дин атрофида жамласа, сиздан кўра кучлироқ одам бўлмайди», дейишди. Сўнг улар имон келтириб уни тасдиқлаган ҳолда юртларига қайтдилар ва келгуси йил учрашишликка ваъдалашдилар. Улар бу фикрлардан илҳомланиб, Росулulloҳ ﷺ ҳузуридан кетишди ва уни қавмларига етказишди.

Ибн Исҳоқ айтади: Мазкур гуруҳ Мадинадаги қавмлари олдига қайтишгач, Росулulloҳ ﷺни танитиб, барчани Исломга

чақиришди, бу иш жуда кенг тус олди. Ҳатто ораларида Росулulloҳ ﷺ ҳақида хабар топмаган биронта ансорий уйи қолмади.

Келгуси йил ваъда қилинган вақт келгач, улардан ўн икки киши (ўнтаси Хажраждан ва иккитаси Авсдан) Росулulloҳ ﷺ билан учрашиш учун келди. Улар ўша йили ҳажга келишган эди. Улар Ақабадаги ваъда қилинган жойда учрашишди ва Росулulloҳ ﷺга биринчи Ақаба байъатини беришди. (Бу байъат кейинроқ Нисо (аёллар) байъати деб ном олди. Чунки у Ҳудайбия йилида аёллардан олинган байъат билан бир хил эди).

Ансорлар Росулulloҳ ﷺни завку-шавк ва кучли истак билан қабул қилишди. Ўз навбатида Росулulloҳ ﷺ ҳам уларни кенг бағир ва етук ахлоқ билан кутиб олди. Росулulloҳ ﷺ Аллоҳ ўз ваъдасини амалга оширишини умид қилар экан, уларга Иброҳим сурасидан

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا الْبَلَدَ آمِنًا﴾

«(Эй Муҳаммад), эсланг, **Иброҳим айтган эди: «Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни Маккани) тинч шаҳар қилгин»** [Иброҳим 35] оятидан суранинг охиригача ўқиб берди. Шундан сўнг биринчи Ақаба байъати амаллари бажарилди.

Ибн Исҳоқ айтади: Язид ибн Абу Ҳабиб, Абу Марсад ибн Абдуллоҳ Язанийдан, у Абдурахмон ибн Усайла Санобихийдан, у эса Убода ибн Сомитдан менга шуларни ривоят қилади: Мен биринчи ақабада ҳозир бўлганлар орасида эдим. Биз ўн икки киши эдик. Унда Росулulloҳ ﷺга аёллар байъати усулида байъат бердик. Бу воқеа жанг ҳали фарз бўлмасидан олдин бўлган эди. Биздан Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмаслигимиз, ўғрилиқ ва зинога қўл урмаслигимиз, болаларимизни ўлдирмаслигимиз, қўл ва оёқларимиз орасидан тўқиб оладиган бўхтонни келтирмаслигимиз ҳамда бирор яхши ишда у зотга итоатсизлик қилмасликка байъат бердик. Шунда Росулulloҳ ﷺ: «Агар шуларга вафо қилсангиз, жаннат сизникидир. Агар улардан биронтасини қилмасангиз, ишингиз Аллоҳга ҳавола бўлади. Хоҳласа азоблайди, хоҳласа кечиради», дедилар.

Росулulloҳ ﷺ улар билан келаси йили ҳам учрашиш ҳақида ваъда қилиб, ишни бироз ортга сурди. Чунки улар Исломни қабул қилганларига ҳеч қанча вақт ўтмаган эди. Улар Исломдан (ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Росулulloҳ) ва яна озгина нарсани билади холос. Шунинг учун улар билан бирга динларини

ўргатадиган ва қалбларига ақидани чуқур ўрнатадиган кишини юбориш лозим. Зеро, улар ўртасида бўлиб ўтган хитоб, дохис ва ғабро урушларига ҳамда Буос кунига ҳеч қанча вақт бўлмаган эди.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша رضي الله عنها Буос куни ҳақида шундай дейди: «Буос куни Аллоҳ ўз Росулига тақдим этган кундир». Шунинг учун Авс ва Хазраж қабилаларини бир-бирига яқинлаштириш ва ақида робитаси асосида бирлаштириш лозим эди. Чунки Ислом давлатини тиклашга ёрдам бера оладиган ҳақиқий кучни ташкил қилиш учун ёрдамчиларнинг сафини бирлаштириш лозим эди. Шунда Ислом давлати жамиятдаги куфр тушунчаларини исломий ақида тушунчаларига ўзгартиради ҳамда куфр жамияти одатланиб қолган ҳукмлардан бошқа ҳукмлар билан жамиятни бошқаради. Бу эса, Аллоҳ Таоло ўз Росулига одамлар орасида Аллоҳ хоҳлаганидек ҳукм юритиши учун юборган шаръий ҳукмлариدير. Улар битта мақсад сари ҳаракат қилар экан, уларнинг кучини бирлаштириш лозим. Чунки Авс ўзи ёлғиз ёки Хазраж ўзи ёлғиз эмас, балки иккиси бирга ҳаракат қилиши лозим. Бу Пайғамбаримизнинг бизга берган сабоғи бўлиб, биз уни яхшилаб тушунишимиз ва татбиқ этишимиз лозим. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ Мусъаб ибн Умайрга шу ишни юклаб, уни ўзи томонидан элчи қилиб юборди.

Мусъаб Ясрибга бориб, одамларни Исломга даъват қилди, Авс ва Хазраж ўртасини бирлаштирди, ёрдам берувчиларнинг кучини бирлаштирди. Уларнинг бажарадиган роли ва вазифаларини баён қилди, улар билан жумъа намозига асос солди. Бу ишларга бир йил вақт ўтмасдан Росулulloҳ ﷺ Мусъабни Ясрибдаги Ислом ва унинг тикланишга давлати ҳақидаги жамоатчилик фикрини айтиб бериши учун чақирди. Мусъаб Ислом аксарият одамлар уйига кириб боргани, одамлар у кишининг келишини муштоқлик билан кутишаётгани ва Роббилари улар учун ихтиёр этган нарсага қасд қилиб туришганини айтиб берди. Шунда Росулulloҳ ﷺ хотиржам бўлди учрашув бўладиган ҳамда иккинчи Ақаба байъати (уруш байъати) ижроси бўладиган кунни кутди.

Ибн Исҳоқ айтади: Каъб ибн Молик айтади: «Сўнгра ҳаж сари йўлга чиқдик. Росулulloҳ ﷺ билан Ақабада ташриқ кунлари ўртасида (яъни қурбон ҳайитнинг биринчи ва учунчи кунлари ўртасида) кўришишга ваъдалашдик. Ҳаж амалларидан фориг бўлиб, Росулulloҳ ﷺ билан ваъдалашган кеча келгач, ёнимизда саййид ва ашрофимиздан Абу Жобир Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаромни бирга олиб бордик. Бу ишимизни орамиздаги мушриклардан сир тутардик. У билан очикча гаплашиб: «Эй Абу

Жобир! Дарҳақиқат сен бизнинг хоҷамиз ва ашрофларимиздан бирисан. Сенинг эртага дўзахга ўтин бўлишингни хоҳламаймиз», дедик. Сўнгра уни Исломга даъват қилиб, Росулulloҳ ﷺнинг Ақабада бизга берган (учрашув) ваъдалари хабарини бердик. Шунда у Исломни қабул қилди ва Ақаба байъатига биз билан бирга гувоҳ бўлди. Бизни нақиб (вакил)имиз эди.

Яна ибн Исҳоқ Каъб ибн Моликдан айтади: «Қавмимиз билан бирга ўша кечаси тушган жойимизда ухладик. Сўнгра кечанинг учдан бири ўтганда Росулulloҳ ﷺ билан учрашув ваъдаимизга кўра, турган жойимиздан яширинча узоқлашиб, ғуррак куши ўрмалаб келганидек, Ақабада бир дарада йиғилдик. Етмиш уч киши эдик. Орамизда аёлларимиздан Умму Умора деб аталувчи Бану Мозин ибн Нажжордан: Насийба бинт Каъб ва Умму Манийъ куняли Бану Салима аёлларидан бири Асмо бинти Амр ибн Адий ибн Нобий ҳам бор эди».

Каъб ибн Молик айтади: Биз дарада йиғилиб, Росулulloҳ ﷺни кута бошладик. Расулulloҳ ﷺ (амакилари) Аббос ибн Абдулмутталиб билан бирга олдимизга келдилар. Аббос ўша пайтда қавми динида бўлса-да, лекин жияни билан бирга келиш ва унинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашни маъқул топган эди. Ўтирганда биринчи бўлиб сўзни Аббос ибн Абдулмутталиб олиб шундай деди: «Эй хазражликлар жамоаси! (Каъбнинг айтишича, араблар ансордан бўлган бу қабилага Авс ва Хазраж билан бир бутун ҳолда «Хазраж» дейишарди). Дарҳақиқат, билганингиздек, Муҳаммад бизнинг орамизда алоҳида мавқега эга. Уни қавмимиздаги зид фикрли киши (мушрик)лардан ҳимоя қилдик. У қавми орасида кучли ва ўз шаҳрида ҳимоя остидадир. Бироқ у фақат сизларга мойил бўлди ва сизга қўшилишни истади. Агар сизлар уни чорлаган нарсага содиқ қолиб, уни душманларидан ҳимоя қилсангиз, тақдири ва жавобгарлиги сизга оиддир. Агар бу ердан чиққач, уни душманлари қўлига топшириб хорлайдиган бўлсангиз, бу ишдан ҳозирок воз кеча қолинг. Чунки у қавми орасида ва ўз шаҳрида иззат ва ҳимоя остидадир», деди.

Биз унга: «Сенинг гапларингни эшитдик. Энди сиз сўзланг эй Аллоҳнинг Росули ﷺ Ўзингиз ва Роббингиз учун керак бўлган аҳдни олинг» дедик. Шунда Росулulloҳ ﷺ сўз олиб, Қуръон тиловат қилиб берди. Аллоҳга имон келтиришга чақириб, Исломга тарғиб қилди. Сўнгра:

«أَبَايِعُكُمْ عَلَىٰ أَنْ تَمُنُّوا مِنِّي مَا تَمُنُّونَ مِنِّي نِسَاءَكُمْ وَأَبْنَاؤَكُمْ»

«Аёлларингиз ва болаларингизни ҳимоя қиладиган нарсалардан мени ҳам ҳимоя қилишингиз учун сизлардан байъат оламан» деди.

Шунда Бароъ ибн Маърур Росулulloҳ ﷺнинг қўлидан ушлаб: «Ҳа, сизни Пайғамбар қилиб юборган Зотга қасамки, аёлларимизни ҳимоя қилган нарсалардан сизни ҳам ҳимоя қиламиз. Эй Аллоҳнинг Росули! Аллоҳга қасамки биз жанговар кишилармиз, қурол ва зирх аҳлимиз. Бу одатни улуғларимиздан мерос қилиб олганмиз» деди.

Бароъ Росулulloҳ ﷺга гапириб турганида Абул Ҳайсам ибн Таййиҳон сўзга аралашиб шундай деди: «Эй Аллоҳнинг Росули! Биз ва яхудийлар ўртасида келишув бор. Биз уни бузамиз. Биз шундай қилсак, сўнгра Аллоҳ сизни ғолиб қилса, қавмингизга қайтиб бизни ташлаб кетмайсизми?» деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ табассум қилиб:

«يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ، وَالْهَدْمُ الْهَدْمُ، أَنَا مِنْكُمْ وَأَنْتُمْ مِنِّي، أُحَارِبُ مَنْ حَارَبْتُمْ، وَأَسَاسٌ مِّنْ سَأَلْتُمْ»

«Асло, қонга қон, жонга жон. Мен сизларданман, сизлар эса, мандансиз. Сиз ким билан жанг қилсангиз, мен ҳам у билан жанг қиламан, ким билан муроса қилсангиз, мен ҳам у билан муроса қиламан», деди. Каъб ибн Молик айтади: «Росулulloҳ ﷺ менга:

«أَخْرِجُوا إِلَىٰ مِنْكُمْ اثْنَيْ عَشَرَ نَقِيبًا، يَكُونُونَ عَلَىٰ قَوْمِهِمْ بِمَا فِيهِمْ»

«Ичингиздан қавмига кафил бўлишлари учун ўн икки вакилни чиқаринг», деди. Шунда улар тўққизи Хазраждан, учтаси Авсдан бўлган ўн икки вакилни чиқаришди.

Имом Байҳақий айтади: Ансорлар ичида ёши улуғ бир кишининг айтишича: Ақаба кечасида Жаброил ﷺ Росулulloҳ ﷺга кимни вакил қилиши ҳақида ишора қилар эди. Асъад ибн Хузайр шу кеча вакилларнинг бири бўлди.

Ибн Исҳоқ айтади: Абдуллоҳ ибн Абу Бакр менга ривоят қилди: Росулulloҳ ﷺ вакилларга:

«أَنْتُمْ عَلَىٰ قَوْمِكُمْ بِمَا فِيهِمْ كَقَفَالَةِ الْخَوَارِيزِيِّنَ لِعِيسَىٰ بْنِ مَرْيَمَ، وَأَنَا كَفِيلٌ عَلَىٰ قَوْمِي»

«Ҳаворийлар Исо ибн Марямга кафиллик қилганларидек, сизлар ҳам қавмингизни барча ишида кафиллик қиласиз. Мен ҳам қавминга, яъни мусулмонларга кафиллик қиламан», деди. Улар: «Ҳа» дейишди.

Осим ибн Умар ибн Қатода менга шундай ривоят қилди: Вакиллар Росулulloҳ ﷺга байъат бериш учун йиғилганларида Бану Солим ибн Авф уруғидан Аббос ибн Убода ибн Надла

Ансорий: «Эй Хазражликлар жамоаси! Бу одамга нима учун байъат бераётганингизни биласизми ўзи?» деб сўради. Улар: «Албатта» дейишди. Аббос: «Сизлар унга инсонларнинг қизилу қорасига қарши жанг қилишга байъат бермоқдасиз. Агар сизлар молларингиз камайиши ва аслзодаларингизнинг ўлдирилишини мусибат деб билиб, уни душманларига топшириб кўйсангиз, бу иш, Аллоҳга қасамки, дунё ва охиратда хорлик бўлади. Агар сиз унга молларингиз камайиши ва аслзодаларингиз ўлдирилишига қарамасдан даъват қилган ишларида унга содиқ қолсангиз Росулulloҳ ﷺни олиб кетинг. Аллоҳга қасамки, У дунё ва охиратнинг энг хайрли кишисидир» деди. Улар: «Биз Уни ﷺ молларимизга мусибат етиши ва аслзодаларимизни ўлдирилишига қарамасдан қабул қиламиз. Эй Аллоҳнинг элчиси! Агар биз аҳдимизга содиқ қолсак, бизга нима бўлади» дейишди. Росулulloҳ ﷺ: «Жаннат» деди. Шунда улар: «У ҳолда қўлингизни узатинг» дейишди. У Зот ﷺ кўлини узатди ва улар байъат беришди.

Юнус ибн Исҳоқдан, Убода ибн Валид ибн Сомит отаси Валиддан, у эса вакиллардан бири бўлган бобоси Убода ибн Сомитдан менга шуларни ривоят қилди: «Биз Росулulloҳ ﷺга уруш байъатини бердик. Енгиллик ва машаққатда ҳам, хурсандчилик ва хафачиликда ҳам, шунингдек, бошимизга нима келса эшитиб итоат этишга, қаерда бўлсак ҳам иш эгасига қарши чиқмасликка, Аллоҳ йўлида ҳеч бир маломатчининг маломатидан кўркмай ҳақиқатни айтишга байъат бердик». Сўнгра Росулulloҳ ﷺ: «Уловларингиз ёнига таркалинглар» деди. Шунда унга Аббос ибн Убода ибн Надла: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, агар хоҳласангиз эртага Мино аҳлига қиличларимиз билан ҳамла қиламиз» деди. Росулulloҳ ﷺ эса:

«لَمْ نُؤْمَرْ بِذَلِكَ، وَلَكِنْ اِرْجِعُوا إِلَىٰ رِجَالِكُمْ»

«Биз бунга буюрилмадик. Лекин сиз тушган жойингизга қайтинг», деди. Биз ётоқларимизга қайтдик ва у ерда ухлаб тонг оттирдик.

Ибн Исҳоқ айтади: Ансорлар Росулulloҳ ﷺга иккинчи ақаба байъатини берганларидан кейин Мадинага қайтишди ва мусулмон бўлганликларини билдиришди. Ораларида мушрик ҳолда қолган оқсоқоллар ҳам бор эди.

Сўнгра Росулulloҳ ﷺ Макка мусулмонларини Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилишга буюрди. Кейин Росулulloҳ ﷺ Абу Бакр (رضي الله عنه) билан бирга ҳижрат қилди. Ундан кейин одамлар кўп

эслайдиган воқеа, яъни Али ибн Абу Толиб Росулulloҳ ﷺнинг тўшакларида ухлаб ётгани рўй берди. Шунда Аллоҳ Таолонинг

﴿وَجَعَلْنَا مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًّا وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًّا فَأَغْشَيْنَاهُمْ فَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ﴾

«Ва Биз уларнинг олдиларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас улар кўра олмаслар» [Ёсин 9]

ояти нозил бўлди. Сўнгра Суроқа, ўргимчак, оқ кабутар, ғор воқеалари ва «талаал бадру алайна» бўлди. Сийрат китобидан келтирилган ушбу иқтибослардан кейин, ҳижрат бу – Росулulloҳ ﷺ динини олиб қочиши, деб тушуниш тўғрими? Йўқ асло, балки у шундай бир ишларданки, Расулulloҳ ﷺ бу орқали Ислom бутунлигини ҳимоя қиладиган давлатни барпо қилдилар. Чунки давлат биринчи куниданоқ одамлар орасида шариат ҳукмларини татбиқ қилди. Бошқача айтганда, бошқарув низомини ташкил қилди, Аллоҳ кўрсатганидек ер юзига ҳукм юритиш ва Ислom давлати бўлмаса татбиқ этилмайдиган барча ҳукмларни барпо қилиш учун кўшинни ҳозирлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айта оламизки, ансорлар Росулulloҳ ﷺ Мадинада қурилажак давлатнинг ҳокими бўлишини шубҳасиз билишган. Шунингдек тиклашга ҳаракат қилинаётган бошқарув низомининг ўша пайтда ҳукмрон одат, урф ва битимларга қарши талаб ва мажбуриятлари мавжуд эканини тиниқ тушунишган. Ҳа, ансорлар бу байъат Пайғамбар ﷺнинг буйруқларини бажариш учун барча куч ва имкониятни ишга солишни талаб қиладиганини билишди. Улар яна иш ўша пайтда ҳукмрон бўлган қабилавий низомлар ўрнига келаётган исломий низомга боғлиқ эканини яхши тушунишди.

Шунинг учун ансорлар байъатни Абул Ҳайсам ибн Таййиҳон айтганидек, бажаришдан олдин узоқ ўйланишди. Чунки бу янги низомни қабул қилиш ва Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулни Мадинага подшоҳ қилиш учун келишишган битимни бузиш дегани эди. Шунингдек бу Мадина атрофидаги яҳудий қабилалар билан бўлган алоқаларни янги қонунга бўйсунадиган янги рамкага солиш дегани эди. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакр иккиси Мадина дарвозасига етиб келиши билан, юзлаган қуролли ансорлар: «Омонлик билан киринг, биз итоатингиздамиз», деб кутиб олишди. Улар «толаал бадру алайна»ни айтиш билан чекланишмади. Биз Пайғамбаримизнинг ҳижратини мана шундай тушунишимиз лозим, чунки бу шон шарафимизни қайта тиклаш учун юриш лозим бўлган йўлдир. □

**РОСУЛУЛЛОХ ﷺ НИНГ ХИЖРАТЛАРИ ХАМДА ИСЛОМИЙ
ДАВЛАТНИНГ БАРПО БЎЛИШИ ХОТИРАСИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН МУСУЛМОНЛАРГА ЙЎЛЛАНГАН ҚАЙНОҚ НИДО**

Мусулмонлар нусратни хижратга ва хижратни Исломий давлатнинг барпо бўлишига боғлиқ деб биладилар. Гарчи Исломий давлат қулатилганига қарийб бир аср ўтган бўлса ҳам янги хижрий йил кириб келганида мусулмонлар у кунни хотирлайдилар.

Эй мусулмонлар, деярли бир асрдан бери биз ҳамон ҳалокат сари кетмоқдамиз. Бу йиллар давомида юртларимиз кофирлар ҳукмронлиги остида қолди ва биз қадр қимматимизни йўқотдик. Кофирлар юртларимизда бемалол изғиб юрган бир пайтда уларнинг тажовузидан бизни ҳимоя қиладиган Қаъқо ва Боязидлар йўқ... Қонимиз тўкилаётган бир пайтда жонимизни сақлагувчи йўқ. Ор-номусимиз ва муқаддас жойларимиз топталаётган бир пайтда уни ҳимоя қилувчи ва нолаларга қулоқ солувчи киши йўқ. Биз фақат Аллоҳгагина илтижо қилмоқдамиз.

Эй мусулмонлар, бу йилги янги хижрий йил ҳукмдорлар шариатни бекор қилиб, Аллоҳдан ўзларини устун кўраётган бир кунларда кириб келди. Улар куфр ҳукмлари билан ҳукм юритишмоқда, барчанинг кўз ўнгида очик куфрни намоён қилишмоқда... Аллоҳга душман бўлган Америка, Россия, Европа ҳамда яҳудийлар ва ҳиндусларни дўст тутишмоқда... Ўз халқларига бор нафратлари билан душманлик қилишмоқда. Улар бизни, яъни битта жасад бўлган ва одамлар учун чиқарилган умматнинг энг яхшиси бўлган Умматни парчалашди! Улар энг ёмон ҳукм чиқарувчилар эмасми?! Улар пасткаш рувайбизалар эмасми?! Бу ҳукмдорлар ҳалокатга учрасин, биз улардан ва улар биздан эмас. Токи ўз гуноҳларидан қайтмагунларигача улар билан бизнинг ўртамизда адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир.

Биз ваҳий баракасидан, Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритиш баракасидан маҳрум бўлиб турган кунларда навбатдаги муҳаррам ойи кириб келди. Бугун Қуръон ҳукмлари бекор қилинган бўлиб, унинг ҳукмини ўрнатишни ўз зиммасига оладиган халифа, ижро қиладиган султон йўқ. Қуръон масжид меҳробининг безагига ёки қориларнинг чиройли тиловатига айланиб қолди. Росулulloҳ ﷺ нинг суннати ҳам ҳадис китобларида битилган куруқ ҳарфларга айланди.

Биз ушбу қийинчиликлар тўлқинида, қоронғи зулмат қаърида туриб, янги хижрий йилни кутиб олмоқдамиз. Бугун мусулмонлар

бўйсундирилган, мағлуб ва ночор аҳволда эмасми? Бу саволга ҳа, деган жавоб бўлиши табиий. Бироқ бу кунлар унутга айлантирилиши ва худди Билол ибн Рабоҳ رضي الله عنه уни қизиган кум устида қийноққа солган Умайя ибн Халафни ўз қўли билан ўлдириб, қулликни дафн қилганидек, бугунги зулматли кунлар дафн қилиниши керак. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم бутларни парчалаб тугатганидек ушбу хорлик ва қарамлик асри тугатилиши керак. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم жоҳилият ва қабилачиликни тарихдан ўчириб ташлаб, қабиаларни Форс ва Румни мағлуб қилган энг яхши Умматга айлантирганидек ушбу хорлик асри тарихдан ўчирилиши керак.

Аллоҳ Таоло Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمни рисолат узилган бир даврда элчи қилиб юборди ва у зот келтирган шариат олдинги шариатларни бекор қилди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم ўз даъватини Маккаи Мукаррамада бошлаб, шериксиз ва тенгсиз ёлғиз Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолога ибодат қилишга чақирдилар. Бу даъватга жавоб қилиб имон келтирганлар оз, куфр келтирганлар кўп бўлди. Аллоҳ Таолонинг ҳақ дини билан Қурайшнинг ботил дини ўртасида қизгин кураш бошланди ва ҳатто бу кураш жиддий тус олди. Чунки ҳақ билан ботил ўзаро бирлашмайди ва Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг қонуни ўзгармайди. Ботил ҳақни ва унинг аҳлини заиф-бечора, деб билиб уларни қийноққа солади, ўлдиради, қувғин қилади. Бироқ, ҳақ ўз йўлида собит туради, тебранмайди. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки унинг ҳимоячи дўсти Аллоҳдир ва у энг яхши дўст, энг яхши ёрдамчидир.

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهَادُ ﴿٥١﴾ يَوْمَ لَا يَنْفَعُ الظَّالِمِينَ مَعَذِرَتُهُمْ وَلَهُمُ اللَّعْنَةُ وَلَهُمْ سُوءُ الدَّارِ﴾

«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва имон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз» [Ғофир 51]



Ҳа, ҳақ билан ботил бирлашмайди ва бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳақ Аллоҳ ўз пайғамбарига ваҳий қилган диндир. Ботил эса, устида кўниб турган пашшани ҳайдай олмайдиган бутни илоҳ, қилиб олган диндир. Демак, ҳақ билан ботилнинг бирлашиши, ўртада ўртача ечим ва муросасозлик бўлиши мумкин эмас. Ҳақ ботил устидан албатта ғалаба қилади. Бироқ, ҳақ ҳимоя қиладиган кучга, паноҳ бўладиган давлатга эга эмас. Шу ўринда Қурайш кофирларининг, аниқроғи Абу Жаҳлнинг


қаршиликларини эслаб ўтиш ўринлидир. У Ёсир оиласини ўлдирди, Росулulloҳ ﷺ га энг қаттиқ озорларни етказди ва мусулмонларни тоғ дарасида қамал қилиш қарори чиқарилишига ташаббускор бўлди.

Шундай қилиб, кураш авжига чиқди, Макка жамияти даъват қаршисида тошдек қотди ва қавм раҳбарларининг қалби имонга очилмади. Шунинг учун, имон келтириб даъватни ўз бағрига оладиган ва унга нусрат (ёрдам) берадиган жамият керак бўлиб қолди. Чунки даъват Ислом билан ҳукм юритадиган давлатда куч-қувватга эга бўлади. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ Тоиф аҳлидан нусрат сўраш учун Тоифни қасд қилиб чиқдилар. Бироқ Тоиф аҳлининг жавоби кутилганидан ҳам ёмон бўлди. Росулulloҳ ﷺ Маккага қайтаётиб Зайд ибн Ҳорисага «Албатта Аллоҳ сен кўриб турган нарсага бир чора кўрсатади», деб айтдилар.

Ҳа, эй ҳабибим Росулulloҳ, албатта Аллоҳ сизнинг ишингизга бир чора кўрсатади. Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ даъватни ўз бағрига оладиган қувватни излаб нусрат талаб қилишда қатъий турдилар. Нусрат талабида бир неча бор қабилаларни айланиб чиқдилар. Омир ибн Саъсаа қабиласи У зотга шартли нусратни таклиф қилганида уни қабул қилишдан бош тортдилар. Бану Шайбон насли бўлмиш Бикр ибн Воил қабиласи ноқис нусратни таклиф қилганида уни қабул қилмадилар. Мана шундан кейин Аллоҳ Таоло ўз пайғамбарини Ансорларнинг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) нусрати билан хушнуд этди. Сўнг, Ислом диёрининг маркази, Ислом давлатининг паноҳи бўлган Мадинаи Мунавварага хижрат қилинди.

Эй мусулмонлар, Росулulloҳ ﷺ Авс ва Хазраж қабилалари ҳимоясида Қурайшнинг озорини ўзидан даф қилиш учун ўз юртидан сиёсий қочоқ сифатида хижрат қилмадилар. Балки, ансорлар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) у зотни буюриб қайтарса қулоқ тутиб итоат қилинадиган кучли хўжайин ва ҳоким сифатида қабул қилганлари учун хижрат қилдилар. Саҳиҳи Бухорийда Анас ибн Молик رضي الله عنهнинг шундай деб айтгани келтирилади: «Росулulloҳ ﷺ Мадинага Абу Бакр رضي الله عنهнинг ҳамроҳлигида кириб келдилар. Абу Бакр رضي الله عنه кўриниши кекса киши эди, Росулulloҳ ﷺ эса, кўриниши ёш эдилар. Бир киши Абу Бакр رضي الله عنهга йўлиқиб, эй Абу Бакр ёнингдаги ким, деди. Абу Бакр رضي الله عنه «У менга тўғри йўлни кўрсатади» деб жавоб қилди. У Абу Бакр (оддий) йўл кўрсатувчини назарда тутяпти, деб ўйлади. Аслида эса, Абу Бакр ҳақ йўлни назарда тутган эди. Абу Бакр رضي الله عنه бурилиб қараган эди у

уларни қувиб келаётган отлиқ экан. Абу Бакр эй Росулulloҳ бу отлиқ деярли бизни қувиб етди, деди. Росулulloҳ ﷺ бурилиб қараб, «Эй Парвардигор уни тўхтат» деган эди от ағдарилди. Сўнг кишнаб туриб олди. (Қувиб келаётган отлиқ) эй Аллоҳнинг пайғамбари буюринг нима хоҳлайсиз, деди. Росулulloҳ ﷺ «ўрнингда тўхта, бирортасининг бизни қувиб етишига қўйиб берма» дедилар. Ровий айтади: «У куннинг бошида Росулulloҳни ўлдиришни истаётган эди, куннинг охирига келиб у зотни ҳимоя қилувчи қуролга айланди». Росулulloҳ ﷺ тошлоқ жойга тушдилар, сўнг ансорларга элчи юбордилар. Ансорлар Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакр нинг ёнига келиб салом беришди ва «уловларингизни эгарлашингиз мумкин, сизлар омонликдасиз» деб айтишди. Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакр  уловга миндилар, ансорлар ҳар тарафдан қуроллари билан қўриб боришди. Мадинада кимдир Росулulloҳ келди, Росулulloҳ келди, деб қичқирди. Одамлар кутиб туришган эди, улар ҳам Росулulloҳ келди, Росулulloҳ келди, деб қичқиришди. Росулulloҳ ﷺ Абу Айюбнинг ҳовлисига етиб боргунларигача юриб бордилар...».

Мадинаи Мунавварада Ислому давлати барпо бўлди. Бу нақадар яхши давлат ва унинг бунёдкорлари ҳам нақадар яхши! Кучли, душманларга бўйсунмайдиган, тўлиқ ҳукмронликка эга бўлган давлат барпо бўлди. Бу давлат Ислому билан ҳукму юритди, ҳатто араблар Аллоҳнинг динига ихтиёран ва мажбуран киргунларига қадар Аллоҳнинг душманларига қарши жиҳод қилди. Шундай қилиб, Росулulloҳ нинг қалби таскин топди.

Эй, энг яхши Умматнинг фарзандлари, мусулмонлар бошдан кечираётган тарқоқлик ва хорлик сизларга сир эмас. Мустамлакачи кофир юртларингизда бемалол изғиб юргангани кўрмаясизми? Ҳукмдорларингиз уларни дўст тутиб сизларга душманлик қилишаётганига ўз кўзингиз билан гувоҳ бўлмаясизми? Қачонгача бўриларга қарши итлардан, йиртқичга қарши тулқилардан ёрдам сўрайсиз? Миллатчиликда яхшилик бор, деб ўйлаган эдингиз, миллатчилик сизларни ҳалокатга учратди... Илмонийликдан азизликни истаган эдингиз, илмонийлик сизларни хор қилди... Кофир Ғарбга юзланган эдингиз, Ғарб сизларнинг бўйнингизни эгди... Шундай экан, Исломингизга қайтиш, Роббингизга итоат қилиш вақти келмадими?! Азизлигингиз манбаси бўлган Халифаликни қайта тиклаш вақти келмадими?! Чунки Ислому фақат жамоат билан, жамоат фақат тоат билан ва тоат фақат амирлик билан бўлади.

Эй мусулмонлар, сизлар тоғут рувайбизалар бошқарувига рози бўлиб яшаётган куфр диёридан Ислом диёрига, яъни мусулмонлар Халифалигига хижрат қилиш вақти келмадими? Илмонийликни, ватанпарварлик ва миллатчиликни ташланг. Америка, Россия, Европа ва яҳудийлар билан алоқани узинг, Аллоҳнинг мустаҳкам арқонини маҳкам ушланг. Муовиядан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: Мен Росулulloҳ ﷺнинг шундай деб айтаётганини эшитдим:

«لَا تَنْقَطِعُ الْهَجْرَةُ حَتَّى تَنْقَطِعَ التَّوْبَةُ، وَلَا تَنْقَطِعَ التَّوْبَةُ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ مِنْ مَغْرِبِهَا»

«Тавбанинг қабул қилиниши узилиб қолмагунигача хижрат узилмайди ва қуёш ғарбдан чиқмагунигача тавбанинг қабул бўлиши узилмайди». (Абу Довуд ривояти).

Эй казармаларда ястаниб ётган армия зобитлари, эй қувват эгалари! Энди ҳал қилгувчи сўзни айтиш сизларга қолди. Динингизга ва Умматингизга ёрдам беринг, ҳукмдорлар сизларга кийдирган хорлик тўнини эгнингиздан улоқтиринг! Қачонгача армиянинг вазифаси золимларни ҳимоя қилиш бўлади? Қачонгача қурооллар омборларда занг босиб ётади? Мусулмонлар қачон ўз қиличларини кинида сақлаган? Ёки сизлар хорликка кўникиб қолдингизми?! Шонли армия қани? Қани баҳодир қаҳрамонлар? Динингизга, Умматингизга қаранг, У сизни ёрдамга чорламоқда! Аллоҳ Таолонинг оятига қулоқ тутинг:

﴿وَالْعَدِيَّتِ صَبَحًا ﴿١﴾ فَالْمُورِيَّتِ قَدْحًا ﴿٢﴾ فَالْغَيْرِيَّتِ صُبْحًا ﴿٣﴾ فَاتَّرْنَ بِهِ نَقْعًا ﴿٤﴾﴾

فَوَسَطْنَ بِهِ جَمْعًا ﴿٥﴾

«(Аллоҳ йўлида) харсиллаб чопадиган, (чопган пайтида туёқларидан) чақмоқлар чақадиган, тонг пайтида (ёв устига) бостириб борадиган, бас, ўшанда чанг-тўзон кўтариб, шу (чанг-тўзон) билан (душман) жамоасининг ўртасига кириб келадиган (от)ларга қасамки» [Адият 5]

Эй Халифаликни барпо қилишга ҳаракат қилаётган Халифалик бунёдкорлари, сизларга иккита хуш хабар бор:

Биринчиси: Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифалик. Нўъмон ибн Баширдан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: «Биз Росулulloҳ ﷺнинг масжидида эдик. Абу Саълаба келиб – эй Башир ибн Саъд Росулulloҳ ﷺнинг амирлар тўғрисидаги ҳадисини эслайсанми? – деди. Ҳузайфа Башир билан бирга ўтирган эди. Шунда Ҳузайфа мен у зотнинг хутбасини

эслайман, деди. Сўнг Абу Саълаба ўтирди, Ҳузайфа сўзини давом эттирди: Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّكُمْ فِي النَّبُوءَةِ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونُوا، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جِزْيَةٌ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونُوا، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مَلَكَ جَبْرِيَّةً، عَاصِيًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مَلَكَ جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونُوا، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جِزْيَةٌ. ثُمَّ سَكَتَ.»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар». (Абу Довуд ат Таёласий муснади).

Иккинчиси: Буюк ва Қудратли Аллоҳнинг розилиги ва шифти Раҳмоннинг аршигача етадиган Фирдавс жаннати. Ибн Умар رضي الله عنهما дан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ لِلَّهِ عِبَادًا لَبِسُوا بَأْنِيَاءَ وَلَا شُهَدَاءَ، يَغِطُهُمُ الشُّهَدَاءُ وَالتَّيْبُونُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِقَرِيمٍ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى وَمَجْلِسِهِمْ مِنْهُ فَجَنَّا أَعْرَابِيٍّ عَلَى رُكْبَتَيْهِ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، صِفْهُمْ لَنَا وَجَلِّهِمْ لَنَا. قَالَ: قَوْمٌ مِنْ أَفْتَاءِ النَّاسِ، مِنْ نِزَاجِ الْقَبَائِلِ، تَصَادَقُوا فِي اللَّهِ وَتَحَابُّوا فِيهِ، يَضَعُ اللَّهُ -عَرَّ وَجَلَّ- هُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَنَابِرَ مِنْ نُورٍ، يَخَافُ النَّاسُ وَلَا يَخَافُونَ، هُمْ أَوْلِيَاءُ اللَّهِ -عَرَّ وَجَلَّ- الَّذِينَ لَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ»

«Аллоҳнинг шундай бандалари борки, улар пайғамбар ҳам, шаҳид ҳам эмас. Улар Аллоҳга яқин бўлганлари ва Аллоҳ олдида муносиб ўринга эга бўлганлари учун уларга пайғамбарлар ва шаҳидлар ҳавас қилади. Шунда бир аъробий чўккалаб ўтириб, эй Росулulloҳ уларни бизга сифатлаб беринг ва улар ҳақида айтинг, деди. Росулulloҳ ﷺ айтдилар: Улар турли жой ва турли халқлардан бўлиб, ўз қабилаларидан ажралган

бўлади. Улар Аллоҳнинг йўлида ўзаро дўстлашадилар ва Аллоҳнинг йўлида бир-бирини яхши кўрадилар. Аллоҳ Азза ва Жалла қиёмат куни уларга нурдан бўлган минбарларни қўяди. Одамлар кўрққанида улар кўрқмайдилар. Улар Аллоҳ Азза ва Жалланинг дўстлари бўлиб, уларга хавф-хатар йўқ ва улар махзун бўлмайдилар». (Бу ҳадисни Ҳоким Мустадракда келтирган).

Росулulloҳ ﷺнинг ҳижрати буюк воқеадир. Ҳижрий йилнинг кириб келиши ҳукмдорлар ўз ёрдамчилари ва югурдаклари билан бирга бир жойга тўпланадиган, бу йиғинда золимлар ҳузурда Қуръон тиловат қилинадиган, нутқ сўзлаб шеърлар ўқиладиган, сўнг бу тантанали йиғин тугаганидан кейин мусулмонлар уйи вайрон бўлиб қолаверадиган тантанали кун эмас. Росулulloҳнинг ҳижрати Халифалик давлатини тиклаш учун ҳаракат қилувчилар ундан ўрнак олишлари керак бўлган буюк воқеадир. Ҳизб ут-Таҳрир барча қийинчиликларни сабр ва матонат билан босиб ўтиб, Халифалик давлатини тиклаш учун ҳаракат қилмоқда. У Аллоҳнинг изни ила нусрат келиб Исломи давлати барпо бўлгунига қадар ўз фаолиятини давом эттиради ва ёрдамсиз қолдирганларнинг ёрдамсиз қолдириши унга зарар етказа олмайди.

Эй Парвардигор, бизни итоаткор бандаларингдан қил, дининг ёлиб бўлиши, шариатинг ўрнатилиши, Исломинг ёйилиши, одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб Исломга киришини кўриш билан бизни хушнуд эт. Эй Парвардигор, Исломи ва унинг аҳлини азиз қиладиган, куфр ва унинг аҳлини хор қиладиган Рошид Халифалик билан бизни сийла... Албатта сен ҳар бир ишга қодирсан. ◻

БАРЧА МУСУЛМОН УЛАМОЛАРИ: ОҲОД ҲАДИС АҚИДАНИ ИФОДАЛАМАЙДИ (1)

Абу Убайда Муовия Ҳайжий

Аллоҳга ҳамд, саййидимиз Росулulloҳга саловот бўлсин. Мен ушбу мақолада кўп гапириладиган мавзу, яъни оҳод ҳадис ҳақида уламолар айтган гапларни жамладим. Чунки, оҳод ҳадис зонни ифодалайдими ёки яқинними, деган мавзу кўп кўтарилади. Масаланинг асоси ўзи мана шу, лекин ундан бир неча масалалар келиб чиқади. Улардан энг машҳур ва кўп муҳокама қилинадигани оҳод ҳадис ақидада олиниш ёки олинмаслик масаласидир.

Бу масала машҳур ва кўп муҳокама қилинади, лекин уни муҳокама қилаётганларнинг аксарияти унинг маъносини тушунишмайди. Оҳод ҳадисни ақидага олиш вожиб, деб айтаётганларнинг ўзлари оҳод ҳадис зонни ифодалайди, лекин уни ақидада олиш вожиб дейишади. (Уларнинг энг машҳури Албонийдир). Уларнинг ушбу гаплари ақиданинг маъноси жазм ва яқин эканини тушунмасликларини билдиради. Бу гуруҳдагилар оҳод ҳадисни ақидага олмайдиганларни рад этиб китоблар ёзишган. Мана шунинг ўзи ҳам уларнинг иккинчи гуруҳ гапларини тушунмасликларини билдиради. Чунки иккинчи гуруҳдагилар улар ўйлаганидек пайғамбаримиз ҳадисларини инкор қилмайдилар. Балки улар: Оҳод ҳадисни инкор қилиб бўлмайди, лекин у ақидани эмас, гумонни ифодалайди дейишади. Яъни яқинни ва илмни ифодаламайди дейишади.

Иккинчи гуруҳдагилар: «Оҳод ҳадис зонни ифодалайди, шунинг учун уни тасдиқлаш вожиб, уни рад этиб бўлмайди. Лекин у ақидани яъни яқинни ифодаламайди» дейишади. Кўриб турганингиздек бу гап тушуниш қийин бўлмайдиган жуда ҳам тиниқ ва равшан гапдир. Лекин айрим кишилар уни тескари, яъни ўзлари хоҳлаганидек, ўзига ёққанидек ва хаёлига келганидек тушунапти. Бу ерда айтиб ўтиш лозим бўлган яна бир ҳақиқат шуки, оҳод ҳадис ақидани ифодаламайди деб айтаётганларнинг айримлари ўз фикрини чиройли тушунтириб бера олмаслиги натижасида одамларда айрим мушкулликлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, гарчи қасддан бўлмаса-да, у одамлар наздида Пайғамбар ﷺнинг ҳадисини тасдиқ қилмайдигандек бўлиб кўринмоқда. Шунинг учун биз уларга ўз фикрларини оддий, ҳамма тушунадиган, шубҳаланмайдиган ва ёрқин қилиб беришларига насихат қиламиз. Чунки одамлар оҳод ҳадисни

ақидага олмаслик Пайғамбар ҳадисини рад этиш, деб тушунмасинлар.

Шунинг учун бу фикрни чигалликларсиз оддий қилиб бериш афзалдир.

Бу борада мени уламоларнинг гапларини йиғишга ундаган сабаб иккитадир: Биринчиси айрим кишилар салаф уламолар оҳод ҳадисни ақидага олишни вожиб дейишган, деб бўҳтон қилишади. Мен мана шу даъволарни рад этиш, салафларнинг гаплари уларнинг даъволарига зид эканини баён қилиш ва Ибн Таймийя етакчилигидаги барча салафлар оҳод ҳадис ақидани эмас, зонни ифодалашини айтишганини баён қилиш учун уларнинг гапларини тўпладим.

Иккинчиси: Оҳод ҳадисни ақидага олиш вожиб, деб айтаётганлар уларнинг фикрига қарши чиқаётганларни кофир ёки фосиқ ёки аҳли суннадан эмас деб ҳисоблашмоқда. Гўё ўзлари аҳли суннаю, бошқа мусулмонлар ва кибор уламолар уларнинг наздида бидъатчилардир.

Бу борадаги уламоларнинг гапларини келтиришдан олдин, айрим ишларни тушунтириб бериш лозим деб топдим:

1 – Уламоларнинг оҳод ҳадис ақидани ифодаламайди, деган гаплари Пайғамбар ﷺнинг гапини инкор қилиш эмас.

2 – Уламоларнинг илми ифодаламайди, деган гапи ақидани яъни яқинни ифодаламайди деганидир.

3 – Айрим уламоларни ҳисобга олмаганда, барча уламолар оҳод ҳадиснинг ёлғиз ўзи ақидада ҳам ҳукмда ҳам ҳужжат бўлади, деб айтмаган. Оҳод ҳадисни ақидага олиш вожиб, деган уламоларнинг қадимгиси Ибн Ҳазм бўлса, замонамиздагиси Албонийдир. (Албоний бир-бирига зиддиятли гапларни айтган, қуйроқда уларни айтиб ўтамиз). Бундан ташқари уларнинг фикрлари салаф уламолари, муфассирлар ва ҳадис китобларига шарҳ ёзган уламоларнинг айтганларига зид ва тескаридир.

4 – Оҳод ҳадисни ақидага олиш вожиб, деган уламоларнинг барчаси бу ҳадис қариналар билан қувватланиши керак дейишган. Бошқача айтганда, бу ҳадис ёлғиз ўзи гумонни ифодалагани учун уни яқин даражасига кўтарадиган қаринаси бўлиши лозим дейишади.

5 – Уламолар бу қариналарнинг моҳияти борасида ихтилоф қилишган. Лекин улар ҳадиснинг қуръонга, мутавотирликка ва исломий шариатга мос келиши каби қариналари борасида бир хил фикрдалар.

6 – Ибн Таймийя ва Абу Салоҳ бошчилигидаги уламолар Уммат қабул қилса, қарина деб ҳисоблашган. Имом Нававий бошчилигидаги уламолар уларни қарина, деб ҳисобламайди.

7 – Салаф уламолар ҳам, Халаф (кейинги) уламолар ҳам оҳод ҳадисга амал қилиш вожиб, деб ҳисоблашади. Фақат мўътазилалар оҳод ҳадисга амал қилиш вожиб эмас, дейишади.

8 – Оҳод ҳадисни ақидани ифодалашини айтаётганларнинг китобларида ўзларининг фикрларини исбот қилиш учун уламоларнинг гапларидан нусха кўчиришганини топасиз. Лекин мана шу кўчирилган нусхалар билан танишиб чиқсангиз у ердаги маъно бошқа, нусха кўчирувчиларнинг фикри бошқа эканини кўрасиз. Чунки уламолардан кўчириб келтирилган нусхаларда улар оҳод ҳадисга амал қилиш вожиблиги ҳақида айтишган ва бунда юқорида айтиб ўтганимиздек ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Лекин нусха кўчирувчилар буни ўзларининг фикрларини қувватлаш учун келтиряптилар. Улар уламоларнинг амал қилиш вожиб, деган гапларини эътиқод қилиш вожиб деган фикрларига ҳужжат қилишмоқда. Буни улар ё уламоларнинг гапини нотўғри тушунишяпти ё фирибгарлик қилишяпти, деб изоҳлаш мумкин.

9 – Шайх Носир Албоний оҳод ҳадисни ақидага олиш вожиб, деб айтсада, унинг ўзи бошқа жойларда бунинг аксини гапиради. Албоний ўзи шу каби зиддиятли гаплари билан талабалар орасида машҳур бўлган.

Мен уламоларнинг бу борадаги гапларини тўпладим ва ҳар бир гуруҳни алоҳида ажратдим. Уларнинг биринчиси муфассирлар, сўнг ҳадис шарҳловчилари, сўнг мусталаҳул ҳадис уламолари, сўнг усули фикҳ уламолари, сўнг уламоларнинг турли гапларидир.

Аллоҳ ўзи бандаларини яхшилик бор нарсага муваффақ қилсин.

Муфассирларнинг гаплари

1 – Жассос ўзининг Аҳкомул Қуръон китоби (5 жуз, 279 бетида)

﴿إِنْ جَاءَكُمْ فَاسِقٌ﴾

«Агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса»

[Хужурот 6]

оятининг тафсирида шундай дейди: «Бу оятда оҳод хабар илмни вожиб қилмаслигига далил бор. Чунки илмни вожиб қилганида бу хабарни аниқлашнинг ҳожати қолмаган бўлар эди. Айримлар бу оятни битта бўлса ҳам одил кишининг хабарини қабул қилса бўлишига ҳужжат қилишади. Чунки хабарни фосиққа хослаш ва уни аниқлашга буюриш одил кишининг хабарини аниқлашга

ҳаракат қилиш жоиз эмаслигига далилдир дейишади. Лекин бу хатодир, чунки бир нарсани хослаш бошқасининг ҳукми унинг зидди эканига далолат қилмайди.

2 – Куртубий ўзининг Жомеъ лиаҳкамил Куръон номли китоби (16 жуз, 332 бетида): Аксар шаръий ҳукмлар қиёс ва оҳод хабар каби зонга асосланган» дейди.

3 – Нисобурий тафсири (2 жуз, 93 бет)да шундай дейди:

﴿إِذْ قَالُوا لَنَبِيِّ هُمْ﴾

«Қайсики, улар ўзларининг пайғамбарларига айтдиларки...»

[Бақара 246]

оятдаги аёнлар ва пайғамбар кимлиги ҳақида мутавотир хабар йўқ. Оҳод хабар эса, зонни ифодалайди».

4 – Қушайрий тафсири (5 жуз, 478 бетида)

﴿قَالَ سَنَنْظُرُ أَصَدَقْتَ أَمْ كُنْتَ مِنَ الْكٰذِبِينَ﴾

«(Сулаймон) деди: Сен рост сўзладингми ски ёлгончилардан бўлдингми, кўрурмиз»

[Намл 27]

оятда оҳод хабар илмни вожиб қилмаслигига далолат қилади. Демак бу борада рухсат берилган чегарада тўхташ лозим. Яна бу оят хабарни ташлаб қўймай, у рост ёки ёлгон эканига аниқлик киритиш вожиб эканига далолат қилади.

5 – Исмоил Ҳаққий ибн Мустафо Истанбулий Ҳанафий Халутийнинг Рухул Баён тафсири (3 жуз, 154 бетида) шундай дейилади: «Оҳод хабар фақат зонни ифодалайди, эътиқод бобида эса, зон олинмайди». Бошқа жойда яъни (41/10) бетда

﴿قَالَ سَنَنْظُرُ أَصَدَقْتَ أَمْ كُنْتَ مِنَ الْكٰذِبِينَ﴾

«Сен рост сўзладингми ёки ёлгончилардан бўлдингми» [Намл 27]

оятда тафсирида шундай дейди: Бу оятда оҳод хабар деб бир, икки ёки ундан кўпроқ киши ривоят қилган, лекин машҳур ва тавотурга етмаган ҳадисга айтилиши ва у илмни ифодаламаслигига далолат бор. Шунинг учун унда рухсат берилган чегарада тўхташ лозим» деган. Яна бир ўринда шундай дейди (12/445): «Оҳод хабар барча шартларини ўз ичига олган бўлса-да, фақат зонни ифодалайди. Шунинг учун у ақидаларда эмас, амалларда эътиборлидир».

6 – Шавконий ўзининг Фатҳул қадир китоби (5 жуз, 92 бетида) шундай дейди: «Зонга эргашиш вожиб эмас, чунки аксар шаръий ҳукмлар қиёс ва оҳод хабар каби зонга асослангандир». Бошқа ўринда (5 жуз, 158 бетида) шундай дейди: «Умумий далолат (яъни, ифода), қиёс, оҳод хабар ва шу кабилар зоннийдир. Уларга амал

қилиш зонга амал қилиш ҳисобланади. ... Уларга бу каби ишларда амал қилиш вожибдир».

7 – Имом Розий ўзининг Ғайб калитлари номли тафсири (1 жуз, 162 бетиди), (6 жуз, 144 бетиди): «Оҳод хабар зонни ифодалайди» деган.

8 – Дамашқлик Абу Умар ибн Али ибн Одил Ҳанбалий ўзининг Аллубоб фи улумил китоб номли китоби (2 жуз, 215 бетиди),

﴿أَمْ تَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Ёки Аллоҳ ҳақида билмаган нарсаларингизни айтяпсизми?»

[Бақара 80]

оятни тафсирида шундай дейди: «Қиёс ва оҳод хабарни инкор қилувчилар ушбу оятни маҳкам ушлашади. Улар: қиёс ва оҳод хабар илмни ифодаламайди, шунинг учун бу Аллоҳ номидан билмаган нарсани гапириш ҳисобланади дейишади. Бунинг жавоби шуки, агар қиёс ва оҳод хабардан ҳосил бўлган зонга амал қилиш вожиблигига далил бўлса, унга амал қилиш вожибдир. Чунки ўша қиёс ва оҳод хабар орқали чиқарилган нарса маълум нарса бўлиб қолади».

9 – Абу Тоййиб Муҳаммад Содик Хон Бухорий Қинавжий ўзининг Фатҳул баён фи мақосидил қуръон китоби (7 жуз, 390 бетиди),

﴿وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ﴾

«(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма!» [Исро 36]

оятни ҳақида шундай дейди: Бу оят билмаган нарсага амал қилиш жоиз эмаслигига далолат қилади. Лекин оят оҳод хабар, гувоҳлик, қиблани топиш ва овнинг жазоси каби зонга амал қилишни жоизлиги ҳақида келган далиллар билан ҳосланади. Лекин оят омлигича қолади, яъни зон ҳақиқатни англамайди. Аммо унга амал қилиш жоизлигига далил бўлса, амал қилиш жоиз бўлади». Яна бир ўринда (147/13): «Ақсар шаръий ҳукмлар қиёс, оҳод хабар ва умум далолати (умумий маънога эга бўлган лафз маъноси) каби зонга асослангандир. Лекин амал қилиш вожиб бўлган бу зон унга амал қилишни вожиб қилиб қўядиган жиҳатлар билан қувватланади».

10 – Ибн Жавзий ўзининг Навосихул қуръон китоби (1 жуз, 83 бетиди) шундай дейди: «Оҳод хабар орқали нақл қилинган хабарларга асосланиб, Қуръонни насх қилиб бўлмайди. Чунки улар фақат зонни ифодалайди, Қуръон эса илмни вожиб қилади.

Шунинг учун зонга эргашиб, қатъий ҳужжатни тарк қилиб бўлмайди».

Ҳадис шарҳловчилар

1 – Абу Умар Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулбир ибн Осим Намрий Қуртубий (463 ҳижрийда вафот этган) Муватто китобининг маъно ва санадлари борасидаги кириш қисми (1 жуз 7 бетид) шундай дейди: «Асҳобларимиз ва бошқалар оҳод хабар фақат амални вожиб қиладими, ёки ҳам илм ва ҳам амални вожиб қиладими? Бу борада ихтилоф қилишган. Аксар аҳли илмлар фақат амални вожиб қилади дейишган. Шофеий ва жумҳур фақиҳлар мана шу фикрни айтишган. Улар Аллоҳдан экани аниқ бўлган ва ихтилофсиз қатъий бўлган хабаргина илмни ифодалайди дейишган».

2 – Муҳаммад Анвар Шоҳ ибн Муаззам Шоҳ Кашмирий Ҳиндий Муҳаққиқ Маҳмуд Аҳмад Шокирнинг урфушшазий шарҳи термизий китобининг (1 жуз, 25 бетид) шундай дейди: «Оҳод хабар фақат зонни ифодалайди, шунинг учун биз уни зон ўрнида қабул қиламиз».

3 – Зарқоний Имом Моликнинг Муватто китобига ёзган шарҳи (2 жуз, 251 бетид) шундай дейди: «Жумҳур уламоларнинг фикрича оҳод хабарга амал қилинади. Буни ибн Абдулбир айтган. (Бу шоз яъни мутавотир бўлмаган кироатда).

4 – Имом Нававий Муслимга ёзган шарҳи (1 жуз, 131 бетид) шундай дейди: «Саҳобалар, тобеинлар, муҳаддислар, фақиҳлар ва усули фикҳ уламоларидан иборат жумҳур мусулмонлар наздида оҳод хабар ишончли шаръий ҳужжатлардан бўлиб, унга амал қилиш лозим, лекин у илмни эмас, зонни ифодалайди». Нававий яна (1 жуз, 132 бетид) шундай дейди: «Аmmo кимки оҳод хабар илмни ифодалайди деса, кибр қилибди. Оҳод хабарда хато, тўқима, ёлғон ва бошқа нарсалар топилиши эҳтимоли мавжуд, шундай экан қандай қилиб илмни ифодалаши мумкин. Аллоҳ билгувчи зот». (1 жуз, 20 бетид) эса, шундай дейди: «Муҳаққиқлар ва аксарият кишилар мутавотир бўлмаган саҳиҳ ҳадисларни зонни ифодалайди чунки улар оҳод хабардир. Оҳод хабарлар зонни ифодалайди, уларни Бухорий, Муслим ва бошқалар ривоят қилишининг фарқи йўқ. Уларга амал қилиш вожиб бўлгани учун Уммат уларга амал бобида эргашган ва бу муттафақун алайҳ ҳисобланади. Икки саҳиҳдан бошқасида келган оҳод хабарлар санадлари саҳиҳ бўлса, уларга амал қилинади. Лекин улар ҳам икки саҳиҳдаги оҳод хабарлар каби фақат зонни ифодалайди. Икки саҳиҳда ва бошқа китобларда хабарларнинг

саҳиҳлиги айtilган бўлса, уларни қайта кўриб чиқиш шарт эмас. Икки саҳиҳдаги хабарларга амал қилиш вожибдир. Улардан бошқасида саҳиҳлик шартлари топилсагина амал қилиш вожиб ҳисобланади. Икки саҳиҳда келган хабарлар Пайғамбар ﷺ ники эканлигига қатъан ижмо қилингани учун, уларга амал қилиш борасида Умматнинг ижмоси шарт эмас».

5 – Саҳиҳ Бухорий шарҳи бўлмиш Умдатул қорий китоби (4 жуз, 444 бетида) шундай дейилади: «Агар оҳод хабар қариналар қувватлаган бўлса, яқинни ифодалайди».

6 – Ибн Ҳажар Фатҳул борий китоби (13 жуз, 234 бетида) шундай дейди: «Кармоний оҳод хабар ақидада эмас, амалда олинади деган. Сўнг уч амал (азон, намоз, рўза)га эътиборни қаратиб, оҳод хабар мана шуларда олинади деган».

7 – Ибн Ражаб Фатҳул борий (1 жуз, 174 бетида) шундай дейди: «Оҳод хабар қариналар билан кучайсагина илмни ифодалайди».

8 – Ибн Асир Жазарий Жомиулу усул фи аҳадиси росул китоби (1 жуз, 125 бетида) шундай дейди: «Оҳод хабар илмни ифодаламайди, лекин биз унга бўйсуниб амал қиламиз. Муҳаддисларнинг илмни ифодалайди деган гапига келсак, мумкин улар илмни ифодалайди деганда амал қилиш вожиблигини айтишгандир ёки зонни илм, деб аташгандир. Шунинг учун уларнинг айримлари зоҳирий илмни пайдо қилади дейишган. Илмда на зоҳир ва на ботин бор. Шундай экан, оҳод хабар зондан бошқа нарса эмас». Шайх Абдулқодир Арнаутий Жомиул усул китоби устида тадқиқот қилар экан, бу гапни шундай тушунтирган: Икки шайх унинг саҳиҳлигига иттифоқ қилган бўладими ёки уларнинг бири ривоят қилган бўладими, ёки бошқалар уларнинг шартига кўра ривоят қилган бўладими ёки бирор имом ўшанинг йўлидан юрган бўладими, бу муҳаққиқ ва аксар уламолар мазҳабидир. Улар оҳод хабарни хато ва унутиш эҳтимоли билан ишончли эканига ақлан далил келтиришган. Бу ақлий далил қатъийликни англатмайди. Чунки унга тескари бирор нарса бўлмасагина қатъий, деб даъво қилиш мумкин. Имом Нававий Муслимнинг шарҳи (1 жуз, 20 бетида) шундай дейди: «Улар (муҳаққиқлар демоқчи) айтадилар: мутавотир бўлмаган саҳиҳ ҳадислар зонни ифодалайди. Чунки улар оҳод хабардир, оҳод хабар эса зонни ифодалайди. Бу Бухорийда келганми ёки Муслимдами ёки улардан бошқасидами фарқи йўқ. Уммат бу иккисида келган оҳод хабарни олгани уларга амал қилиш вожиб дегандир, бу муттафақун алайҳдир. Аммо иккисидан бошқалардаги оҳод хабарларга келсак, агар уларнинг санади саҳиҳ

бўлса, уларга амал қилиш вожиб. Лекин улар худди икки саҳиҳдаги каби зонни ифодалайди. Икки саҳиҳнинг бошқа китоблардан фарқи шуки, иккисини қайта кўриб чиқиш шарт эмас, балки саҳиҳлиги аниқ. Унга амал қилиш вожибдир. Бошқалардаги оҳод хабарларни қайта кўриб чиқиб, саҳиҳлик шартлари топилса, уларга ҳам амал қилиш вожиб бўлади. Умнат икки саҳиҳдаги хабарларга амал қилиш вожиблигига ижмо қилгани учун, уларни Пайғамбаримизнинг сўзлари эканига ижмо қилиши шарт эмас. Шайх Абдулқодир Арнаутий айтади: «Ким ҳадис санади билан шуғулланса, унинг матн ва санадларини текширса ва чуқур ўрганса, Имом Нававий муҳаққиқлар ҳақида келтирган нарсага таслим бўлишдан бошқа чораси қолмайди».

9 – Ибн Можжанинг Хошиятус санадий китоби (4 жуз, 83 бетида) шундай дейилади: Аллоҳ Таоло ҳар бир мусулмонга фарз қилди, ҳадисдаги фарз қилди лафздан мурод вожиб қилди маъносидадир. Чунки оҳод хабарлардан бўлган ҳадислар зонни ифодалайди.

10 – Насоийнинг Хошиятус санадий китоби (5 жуз, 47 бетида) шундай дейилади: «Аллоҳ рамазоннинг закотини фарз қилди ҳадисдаги фарз қилди дегани вожиб қилди маъносидадир. Чунки ҳадис оҳод хабарлардан, демак зонни ифодалайди. Ким фарзни қатъий хабар билан, вожибни зонний хабар билан хосласа, рамазоннинг закоти фарз эмас, вожиб экани маълум бўлади».

11 – Марҳум шайх фақиҳ Абу Хафс Умар ибн Иброҳим ҳофиз Ансорий Қуртубийнинг ўғли Шайх Абул Аббос Аҳмад Имом Муслим шарҳида шундай дейди: «Оҳод хабарлар зонни ифодалайди. Лекин зон таржиҳга қараб кучли ва заиф бўлади».

12 – Қози Иёзнинг Муслим саҳиҳига ёзган шарҳи Икмол муаллим китоби (1 жуз, 138 бетида) шундай дейди: «Бу кўп меҳнат қилган уламоларнинг йўли ва мазҳабидир. Улар бу йўлда кўп меҳнат қилиб, шундай хулосага келишган, қаттиқ ҳаракат қилишган. Лекин унга қаттиқ эътибор бериб, фикр юритиладиган бўлса, шу нарса аниқ бўладики, оҳод хабарлар юқорида айтганимиздек илми ифодаламайди. Уларда ровийси битта бўлгани учун ғафлатда қолиш, ёлғон ва тўқима аралашиши мумкин. Лекин уларни қатъан нотўғри, деб бўлмайди. Чунки ровийлари тўғри сўз бўлгани ҳамда адолат ва фазилатда машҳур бўлгани учун уларнинг сўзининг тўғрилиги зондан ғолиб бўлган. Шунинг учун биз уни амал бобида оламиз. Ушбу китобнинг (1 жуз, 134 бетида) шундай дейди: «Имом Муслим: (Бир киши томонидан ривоят қилинган ишончли оҳод хабар амал қилиш

лозим бўлган ҳужжатдир), деган. Салаф ва халафлар, фақиҳлар, муҳаддислар ва усул уламоларидан иборат жумҳур мусулмонларнинг мазҳаби мана шуни айтган. Бир ёки ундан кўпроқ киши томонидан ривоят қилинган, лекин тавотур даражасига етмаган хабарлар шариатда яқин ва илмни эмас, балки зонни ифодалайди». Ушбу китобнинг (1 жуз, 134 бетида) шундай дейди: «Имом Муслим: (Бир киши томонидан ривоят қилинган ишончли оҳод хабар амал қилиш лозим бўлган ҳужжатдир) деган. Салаф ва халафлар, фақиҳлар, муҳаддислар ва усул уламоларидан иборат жумҳур мусулмонларнинг мазҳаби мана шуни айтган. Бир ёки ундан кўпроқ киши томонидан ривоят қилинган, лекин тавотур даражасига етмаган хабарлар шариатда яқин ва илмни эмас, балки зонни ифодалайди».

13 – Абул Ҳасан Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Абдуссалом ибн Хон Муҳаммад ибн Омонуллоҳ ибн Хисомуддин Раҳмоний Муборақфурийнинг Мушкоту Масобих китоби шарҳи Миръотул Мафотихнинг (1 жуз, 381 бетида) шундай дейди: «Оҳод хабарлар дегандаги оҳод аҳаднинг жами яъни бир неча дегани. Воҳид хабар дегани луғатда битта шахс ривоят қилган деганидир. Истилоҳда эса, тавотур даражасига етмаган дегани яъни мутавотирлик шартлари тўла эмас, деганидир. Оҳод хабар зонни ифодалайди.

Давоми бор □

НУСРАТ: УНИНГ МАЪНОСИ, САБАБИ, ШАРТЛАРИ ВА УНГА ТЎСИҚ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Абдулкарим Абу Мусъаб

Аллоҳ тавфиқ беришини сўраган ҳолда айтамикки, бугун мусулмонларнинг тушунчалари бегона сақофатлардан таъсирлангани ва улар Ислон ҳукмларига тўғри боғланишмагани сабабли уларнинг аксариятида нусрат тушунчаси тиниқ эмас. Бу эса, уларни нусратни рўёбга чиқариш кайфияти борасида келиша олмайганига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун бугун исломий оламда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан тутган позициялари ҳам турличадир.

Айрим мусулмонларнинг ҳисоблашича, нусрат Аллоҳнинг совғаси бўлиб, Аллоҳ уни хоҳлаган бандасига беради. Уларга кўра, бунинг учун хизмат қилиш, тайёрланиш, ҳозирлик кўриш, имтиҳон ва машаққат чекиш шарт эмас. Лекин бу хатодир, чунки Аллоҳ Таоло ўз китобида шундай дейди:

﴿وَلَوْ يَشَاءُ اللَّهُ لَآتَنَصَّرَ مِنْهُمْ وَلَٰكِن لِّيَبْلُوَ بَعْضَكُمْ بِبَعْضٍ وَالَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَلَنْ يُضِلَّ أَعْمَالَهُمْ ﴿١٠٤﴾ سَيَهْدِيهِمْ وَيُصَلِّحُ بِأَهْلِهِمْ ﴿١٠٥﴾ وَيُدْخِلُهُمُ الْجَنَّةَ عَرَفَهَا هُمْ ﴿١٠٦﴾ يَتَأَيَّأُ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنْ تَنصَرُوا لِلَّهِ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ﴾

«Агар Аллоҳ хоҳласа улардан (жанг-жадалсиз ҳам) голиб бўлур (яъни уларни йўқ қилиб юборур) эди, лекин У зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтиҳон қилиш учун (сизларни жангга буюрди). Аллоҳ йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини ҳаргиз зое кетказмас. Уларни (жаннат йўлига) ҳидоят қилур ва ишларини ўнглур. Уларни (Аллоҳнинг) Ўзи уларга танитган жаннатга киритур. Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур»

[Муҳаммад 4-7]

Шунинг учун Аллоҳдан келадиган нусратнинг шаръий мажбуриятлари бор. Нусрат – аҳли китобларнинг хом хаёли каби хом хаёл эмас.

﴿لَيْسَ بِأَمَانِيكُمْ وَلَا أَمَانِي أَهْلِ الْكِتَابِ مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ وَلَا تِجْدَ لَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا﴾

«Сизларнинг хомхаёлларингиз ҳам, аҳли китобнинг хомхаёллари ҳам ҳақ эмас — кимки ёмон амал қилса, жазосини олур ва ўзи учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир мададкор топмас» [Нисо 123]

Яна айримлари бугунги воқе нусрат келадиган воқе эмас, у ҳали узоқ дейишади. Шунинг учун улар воқега сингиб кетишади. Яна бошқалари эса, нусратни Маҳдийнинг чиқиши ва охириги замон ҳақидаги ҳадисларга боғлашади. Хуллас, бу борада гаплар жуда кўп.

Тарихни ва ҳазоратлар курашини кўздан кечирсак, одамлар ва давлатлар бирин-кетин алмашиб туриши борлиқ қонуни эканини кўрамиз. Чунки бутун инсоният тарихини ўз ичига олган ёки чексиз давом этган давлат йўқ. Инсоний жамиятда кунларнинг алмашиб туриши Аллоҳнинг қонунидир. Чунки у бир марта ботил аҳлига боққан бўлса, бошқасида ҳақиқат аҳлига боққан. Лекин ҳақ соҳиби агар ҳақда давом этса, оқибат уники бўлиши кафолатланган. Илоҳий қонун ўзгармас қонун бўлиб, у бирортасига ён босмайди ва ундан бирор киши мустасно эмас. Бу қонун ўз доираси остидагиларнинг барчасига бир хил мос келади. Аллоҳ Таоло Оли Имрон сурасида шундай дейди:

﴿إِن يَمَسُّكُمُ فَرَحٌ فَقَدْ مَسَّ الْقَوْمَ فَرَحٌ مِّثْلُهُ ۚ وَتِلْكَ الْأَيَّامُ نَدَاوُلُهَا بَيْنَ النَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَيَتَّخِذَ مِنْكُمْ شُهَدَاءَ ۗ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ﴾

«Агар (бугун — Уҳудда) сизларга жароҳат етган бўлса, (Бадр жангида) у қавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. (Токи ибрат бўлсин деб) ва Аллоҳ ҳақиқий имон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингдан шаҳидларни саралаб олиши учун бу кунларни (яъни галаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турадиз. Аллоҳ золим кимсаларни севмайди»

[Оли Имрон 140]

Шунинг учун нусрат тушунчасини умумий шаклда ойдинлаштиришни лозим деб топдик:

Нусрат сўзи луғатда ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш каби маъноларни ўз ичига олади... Унинг истилоҳий маъноси эса, қўллаб-қувватлаш бўлиб, унда душманларга қаршилик қилиш, улар устидан ғалаба қилиш ва уларни бўйсундириш маъноси бор. «Наср» лафзи Қуръони каримда жуда кўп ўринларда турли сийға ва кўринишларда келади.

Аммо нусрат сўзининг шаръий маъноси ўн бир ўринда келган бўлиб, оятнинг сиёқи (гапнинг оқими)га қараб, ҳар бир ўринда турлича келган. Улардан энг муҳимларини келтириб ўтамиз:

Биринчи: Ҳимоя қилиш маъносида бўлиб, аксарияти кофир ва осийларни кўрkitиш оқимида келган. Шунингдек турли сийғаларда келган:

1 – Охират азобидан ҳимоя қилмаслик сийғасида

﴿يَوْمَ لَا يُغْنِي عَنْهُمْ كَيْدُهُمْ شَيْئًا وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

«У Кунда уларнинг ҳийла-найранглари бирон фойда бермас ва улар (Аллоҳнинг азобидан) ҳимоя қилинмас!» [Тур 46]

2 – Азобни даф қилишга шахсий қуввати етмаслик сийғасида

﴿وَيَقَوْمٍ مَنْ يَنْصُرُنِي مِنَ اللَّهِ إِنْ طَرَدْتُهُمْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ﴾

«Эй қавмим, агар мен уларни ҳайдасам, ким менга Аллоҳдан (яъни, Аллоҳнинг азобидан) ёрдам-нажот берур? Ўйлаб кўрмайсизларми?!» [Ҳуд 30]

3 – Зулмдан кейин интиқом олиш сийғасида

﴿وَلَمَنْ أَنْتَصَرَ بَعْدَ ظُلْمِهِ فَأُولَئِكَ مَا عَلَيْهِمْ مِنْ سَبِيلٍ﴾

«Албатта ким мазлум бўлганидан сўнг (ўзига зулм қилган кимсадан) интиқом олса бас, улар(ни олган интиқомлари учун айблаш)га йўл йўқдир» [Шўро 41]

4 – Кўмаклашиш ва ёрдам бериш сийғасида

﴿مَنْ كَانَ يَظُنُّ أَنْ لَنْ يَنْصُرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ فَلْيَمْدُدْ بِسَبَبٍ إِلَى السَّمَاءِ ثُمَّ لِيَقْطَعْ فَلْيَنْظُرْ هَلْ يُذْهِبَنَّ كَيْدُهُ مَا يَغِيظُ﴾

«(Албатта Аллоҳ Ўз найгамбарига ёрдам берур, энди) кимда-ким: «Аллоҳ ҳаргиз унга ёрдам қилмас», деб гумон қилгувчи бўлса, у ҳолда бир арқон билан осмонга-шифтга осилиб, (ўзини ердан) узсин (яъни ўзи учун дор ясаб, унга осилсин), сўнг қарасин – бу найранги газабини кетказармикан» [Ҳаж 15]

Уламолар нусрат билан ёрдамни бир-биридан фарқлашган. Улар айтишича, нусрат фақат кураш олиб бораётганга берилади. Ёрдам эса, ҳар қандай ҳолатда берилади.

Иккинчидан: Галаба ва зафар: Нусрат деганда дарҳол хаёлга келадиган маъно мана шудир. Аллоҳ Таоло Анфол сурасида шундай дейди:

﴿وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ وَلِتَطْمَئِنَّ بِهِ قُلُوبُكُمْ ۚ وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ ۗ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Аллоҳ фақат хушхабар бўлсин, деб ва кўнгилларингиз хотиржам бўлиши учун шундай қилди. Ғалаба фақат Аллоҳнинг даргоҳидан бўлур. Ҳақиқатан, Аллоҳ золиб ва ҳикматлидир» [Анфол 10]

Бу нусрат ёлғиз Аллоҳ томонидан бўлишини таъкидлайди.

Учинчидан: Нусрат лафзига маънода яқин бўлган сўзлар: Улар Қуръонда жуда кўп бўлиб, Фатҳ, имконият бериш, ғолиб қилиш, зафар кучиш, Фурқон, нажот ва ғалаба кабилар шулар жумласидандир...

Уқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда усул илмидаги сабабнинг таърифи, яъни сабаб бор жойда мусаббаб бор, сабаб йўқ жойда мусаббаб ҳам йўқ деган таърифга кўра, нусратнинг сабаби унинг Аллоҳ томонидан эканидир. Аммо унинг шартлари иккита бўлиб, усул илмидаги шартнинг таърифи, яъни шарт йўқ жойда маршрут ҳам йўқ, лекин шарт бор жойда маршрут топилмаслиги ҳам мумкин деган таърифга кўра нусратни берувчи фақат Аллоҳдир. Бу икки шарт қуйидагилардир:

1 – Биздан Аллоҳга итоат қилиш, ёлғиз ўзидан ёрдам сўраш ва фақат ўша зотга таслим бўлишни талаб қилаётган имон. Аллоҳ бу ҳақида шундай дейди:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ رُسُلًا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ فَجَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَأَنْتَقَمْنَا مِنَ الَّذِينَ أَجْرُمُوٓا ۖ وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайғамбарларни ўз қавмларига юборганмиз. Бас улар (қавмларига) аниқ-равшан ҳужжатлар келтирганлар. Сўнг Биз жиноят қилган кимсалардан интиқом олганмиз ва имон келтирган зотларни золиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган» [Рум 47]

2 – Умумий маънодаги кучли тайёргарлик ва оятда буюрилганидек имконият борича куч тайёрлаш

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِ ۖ وَعَدُّوا لِلَّهِ وَعَدْوَكُمْ ۖ وَآخِرِينَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ يُوَفِّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُونَ﴾

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган — Аллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам қўрқувга солурсизлар. Аллоҳ йўлида нимани сарф қилсангиз, сизларга зулм қилинмаган ҳолда комил қилиб қайтарилуру»

[Анфол 60]

Аммо нусратнинг турлари бир неча бўлиб, куйида уларни келтириб ўтамыз:

1) Аллоҳ икки шарт, яъни имон ва имконият борича куч тайёрлаш шартлари эвазига бизга ваъда қилган нусрат. Чунки унда нуқсонга йўл қўйиш ва унга тескари иш тутиш нусратни йўқ қилади. Масалан Уҳуд жангида айрим саҳобалар ўз ўринларини ташлаб, Росулulloҳ ﷺнинг буйруғига қарши иш тутишлари туфайли Аллоҳ уларга нусрат бермади. Ёки Хунайн кунда мусулмонлар Аллоҳга эмас, ўз кучларига ишонишган пайт, Аллоҳ уларга нусрат фақат ўзининг қўлида эканини кўрсатиб қўйди.

2) Устунлик нусрати, яъни Аллоҳнинг ҳикмати талабига кўра бир тарафнинг иккинчи тараф устидан ғалабаси. Аллоҳ Таоло бу ҳақида шундай дейди:

﴿غَلَبَتِ الرُّومُ ﴿۱﴾ فِي أَدْنَى الْأَرْضِ وَهُمْ مِنْ بَعْدِ غَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ ﴿۲﴾﴾ فِي بَضْعِ

سِنِينَ ﴿۳﴾ لِلَّهِ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلُ وَمِنْ بَعْدُ وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿۴﴾﴾

«Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. (Лекин) улар (яъни румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажаклар. Аввалу-охир барча иш Аллоҳнинг (измида)дир. Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар»

[Рум 4]

3) Мафкуранинг ғалабаси, бошқача айтганда инсон ўз мафкураси йўлида вафот этиши. Бунда инсон Аллоҳ ҳузурда зафар кучган бўлади. Бунга Чоҳ эгалари мисол бўлади. Улар барчаси вафот этди, лекин мабда жиҳатидан ғалабага эришишди. Чунки улар Аллоҳга бўлган имонларида собит турдилар.

Бу нусратнинг турларидир, лекин Аллоҳ ваъда қилган ва Росули башорат қилган нусрат биринчи рақамли, яъни биз ҳақли бўлган нусратдир. Аллоҳдан ўша нусратни яқин кунларда беришини сўраймиз.

Аммо нусратнинг имтиҳон, даф қилиш ва инсоний ҳаракатга боғлиқлиги ҳақида айтадиган бўлсак, Қуръони каримдаги ўзгармас ҳақиқат шуки, имтиҳонсиз нусрат бўлмайди. Баъзилар айтадики,

ғалаба қилишимиз учун имтиҳон қилинишимиз зарурми? Ҳа, албатта, Аллоҳнинг суннати шундан иборатки, бор куч сарфланади машаққат ва қийинчиликлар чекилади ва барча нарсдан умид қолмаганидан кейин нусрат келади.

﴿أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثَلُ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسْتَهْمِ الْبِأْسَاءِ

وَالضَّرَّاءِ وَزُلْزَلُوا حَتَّى يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَهُ مَتَى نَصُرَ اللَّهُ إِنْ نَصَرَ اللَّهُ

قَرِيبٌ﴾

«Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайгамбар ва имонли кишилар: «Ахир қачон Аллоҳнинг нусрати келади?» дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг нусрати яқиндир» [Бақара 214]

Агар Аллоҳ Таоло ботил аҳлини ҳақни ушлаганлар билан даф қилмаса, ботил аҳли ғолиб чиқиб, солиҳ кишиларга зулм қилади, натижада ер юзи фасодга тўлади. Шунинг учун нусратдан олдин даф қилиш юз беради. Бошқача айтганда, ҳақиқат ботил билан курашади ва кураш бевосита ва қаттиқ бўлади. Сўнг Аллоҳ Таоло ҳақни ушлаганларни нусрати билан сийлайди.

﴿الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ بِغَيْرِ حَقٍّ إِلَّا أَنْ يَقُولُوا رَبُّنَا اللَّهُ وَلَوْلَا دَفَعُ اللَّهُ النَّاسَ

بَعْضُهُمْ بَعْضًا هُدًى مَتَّ صَوَامِعٍ وَبِيعَ وَصَلَوَاتٌ وَمَسَاجِدُ يُذَكَّرُ فِيهَا اسْمُ اللَّهِ كَثِيرًا

وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

«Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Аллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яҳудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир» [Ҳаж 40]

Айрим мусулмонлардаги хато тушунчалар уларда лоқайдликни пайдо қилди. Бунинг сабаби эса, улар бу диннинг инсоният ҳаёти

учун илоҳий программа эканини билмасликларидир. Шунинг учун моддий воқеда инсонлар томонидан ҳаракат бўлиши лозим. Нусрат рўёбга чиқиши учун бир гуруҳ инсонлар бу диннинг масъулиятларини кўтариши, унга тўла имон келтириши, унда имтиҳон қилиниши ва бошқалар қалбида уни ўрнатишга ҳаракат қилиши лозим. Улар сабот билан туриши ва ўз динини маҳкам ушлаши орқали ўз нафсу ҳаволари устидан ғолиб чиқишганларидан сўнг, яъни инсоний ўзгариш рўёбга чиққанидан кейин, илоҳий ўзгартириш келади ва нусрат рўёбга чиқади.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ﴾

«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас» [Роъд 11]

Нусратнинг монелари (тўсиқлари) ҳам мавжуд. Усул илмида келишича, моне бўлса тўсилаётган нарса бўлмайди, моне бўлмаса тўсилаётган нарса албатта бўлади дегани эмас. Монелар куйидагилардир:

1 – Ўзаро жанжал ва бўлиниш.

﴿وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَا تَنَازَعُوا فَتَفْشَلُوا وَتَذْهَبَ رِيحُكُمْ وَأَصْبِرُوا ۚ إِنَّ اللَّهَ مَعَ

الصَّابِرِينَ﴾

«Ва Аллоҳ ҳамда Унинг найгамбарига итоат қилингиз ва (ўзаро) талашиб-тортишмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир» [Анфол 46]

Ўзаро жанжал Аллоҳ йўлида жанг олиб бораётганлар қувватга эга бўлганларидан кейин пайдо бўладиган келишмовчиликдир.

﴿وَلَا تَنَازَعُوا فَتَفْشَلُوا وَتَذْهَبَ رِيحُكُمْ﴾

«Ва (ўзаро) талашиб-тортишмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур» [Анфол 46]

2 – Маъсият ва буйруққа қарши чиқиш. Бу ўринда маъсиятдан мурод Аллоҳнинг буйруқларига қарши чиқишдир. Буйруққа қарши чиқиш эса, кўмондонлар буйруғига қарши чиқишдир. Шунинг учун Аллоҳнинг ғазаби келмайдиган ишларда ҳам, кўмондонларнинг буйруқларига қарши чикмаслик ҳамда мол дунё ва мансаб ортидан қувмаслик лозим.

3 – Аллоҳдан бошқасини дўст тутиш ва Аллоҳдан бошқасининг йўлини тутиш. Агар Аллоҳ бизга нусрат беришини хоҳласак,

Аллоҳдан бошқасини дўст тутмаслигимиз ва Аллоҳдан бошқасининг йўлига юрмаслигимиз лозим.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بَطَانَةً مِّن دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا وَدُؤًا مَّا عِنْتُمْ قَدَّ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِّنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفَىٰ صُدُورُهُمْ ءَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ الْآيَاتِ إِن كُنتُمْ تَعْقِلُونَ﴾

«Эй мўминлар, ўзларингни қўйиб, (у мунофиқларни) сирдош дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик» [Оли Имрон 118]

Ўзимиз Аллоҳдан узоқ бўла туриб, Аллоҳ ваъда қилган нусрат қачон келади деб сўраймизми? Баъзида ҳақ йўлда юрган ва исломий ҳаётни қайта бошлашга ҳаракат қилаётган кишиларга нусрат кечикиши мумкин. Бунинг сабаби нусрат тасодифан келмайди. Балки у Раббоний қонунга бўйсунди ва унинг кечикиши Аллоҳнинг ҳикматига боғлиқ. Бу ҳикматнинг кўринишлари эса, қуйидагилар бўлиши мумкин:

1 – Уммат нусратни қабул қилиш учун пишиб етилмаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда Умматга нусрат берилса, уни сақлай олмай қолиши мумкин.

2 – Ёки Уммат бутун дунё кучлари жамланса-да, унга Аллоҳдан бошқа ҳеч ким нусрат бера олмаслиги ҳақида тиниқ қаноати бўлмаслиги мумкин.

3 – Ёки Уммат нусрат рўёбга чиққанидан кейин тўғри йўлда бардавом бўлишнинг бирдан-бир кафолати фақат Аллоҳга боғланиш эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилмагандир.

4 – Ёки барча сохта ва алдоқчи нарсалар фош бўлмагандир ва турли шаклдаги ботил аҳлининг башараси очилмагандир.

Аммо нусратга шошилиш на айб ва на ҳаром ҳисобланади. Чунки Аллоҳ Таолонинг ушбу

﴿وَيَدْعُ الْإِنْسَانُ بِالشَّرِّ دُعَاءَهُ بِالْحَيْرِ وَكَانَ الْإِنْسَانُ عَجُولًا﴾

«Инсон (Аллоҳ Таолодан) яхшилик сўраб дуои хайр қилгани каби (зоҳо сиқилган пайтларида) ёмонлик тилаб дуоибад ҳам қилур. Инсон (мана шундай) шошқалоқдир» [Исро 11]

қавлига кўра инсон шошқалоқдир. Бундан ташқари Росулulloх ﷺнинг саҳобалари ҳам Аллоҳдан нусрат сўраб, дуо қилишини сўрашган. Ҳаббоб ибн Арат айтади: Росулulloх ﷺга шикоят қилиб борган эдик, у киши тўнини ёстик қилиб, Каъба соясида ётган экан. Шунда биз у кишига: Аллоҳдан биз учун нусрат сўраб дуо қилмайсизми? дедик. Росулulloх ﷺ эса:

«فَدَكَانَ مَنْ قَبْلِكُمْ يُؤْخَذُ الرَّجُلُ؛ فَيُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ، فَيُجْعَلُ فِيهَا، فَيَجَاءُ بِالْمُنْشَارِ فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيُجْعَلُ نِصْفَيْنِ، وَيَمْشَطُ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ مَا دُونَ حِمِّهِ وَعَظْمِهِ فَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ. وَاللَّهُ لَيَمَنَّ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّى يَسِيرَ الرَّكَّابُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَى حَضْرَمَوْتَ، لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ وَالذَّنْبَ عَلَى غَنَمِهِ وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ»

«Сизлардан аввалгилар даврида киши ушлаб келиниб, унга чуқур қазилар, сўнг шу чуқурга туширилиб, арра билан бошини ўртасидан иккига бўлиб ташланар эди. Темир тароқлар билар таралиб, гўшти билан суяги ажратиб олинарди. Аммо бу нарса уни динидан қайтаролмас эди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлик ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Лекин сизлар шошиляпсизлар», дедилар.

Нусрат ҳақида қисқа тушунтириш берганимиздан сўнг, айтамикки: Агар нусрат шартларини бажарсак албатта у келади. Ўзгариш биринчи инсонлар томонидан бўлиши шарт. Ичимиздаги ҳар бир шахс Аллоҳнинг динига ихлос билан даъват қилаётган ушбу жамоадан бўлишдек вазифани ўз зиммасига олиши лозим. Шунингдек фаолият олиб бораётганларга қўшилиб, гуноҳдан фориғ бўлишлари шарт. Бугун бизга аксар сохта башаралар ва тантанавор шиорларнинг ҳақиқати кундек равшан бўлиб қолди. Майдонда эса, жуда озчилик қолган. Эй мўмин биродар агар озгина ҳаракат қилсангиз ёрқин лойиха ва мабдаий мақсадга эга ҳамда Аллоҳнинг китобию Росулунинг суннатидан қилча оғишмайдиган жамоани топасиз. Агар сиз ўзгартириш учун жамоий амалга қўшилсангиз Аллоҳ сизга албатта яхшилик ато этади ва қалбингизни очади. Сизнинг бу амалингиз зиммангиздаги гуноҳдан фориғ қилади. Аллоҳ Таоло бандаларининг мақсадларини билгувчи зотдир. □

АХЛОҚҚА ДАЪВАТ ҚИЛИШ БИЛАН ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИМИ?

Лутфий ибн Муҳаммад Малайзия

Узоқ йиллардан бери диний хутба, хусусан расмий, рухсат берилган ва ахборот воситаларида чиқадиган диний хутба фақат бир йўналишга қаратилди. У ҳам бўлса, даъватни ахлоқий жиҳатга чеклаш ва уни турли воситалар билан бўғиш. Бу ташаббус эгалари мусулмонларнинг муаммоси уларнинг хулқи тубанлашганидир, шунинг учун хулқни тузатилса, уларнинг аҳволи ўзгаради дейишяпти. Мана шу асосда кетма-кет анжуманлар ўтказилди, китоблар ёзилди ва бекорга тарқатилди. Булар мусулмонларнинг ахлоқини қайта тиклаш ва уни мусулмоннинг кундалик тасарруфотларига асос қилиш учун амалга оширилди. Улар ўз гапларини ҳадислар, саҳобалар суннати ва шоирларнинг шеърлари билан қувватлашди. Ахлоқ асосида муассасалар ташкил қилишди ҳамда бошқа илмларни ҳам «ахлоқлаштиришга» чақирадиган қўлланмалар ишлаб чиқишди.

Шунингдек университетларда алоҳида факултетлар очишди, ахлоқни диний ахлоқ ва дунёвий ахлоқ қилиб бўлишга уринишди. Ахлоқ барча дин ва рисолатлар ўртасидаги муштарак нарса, деган эътиборда барча динлардаги ахлоқий фикрни солиштиришга чақирашди. Барча масжид минбарларида фақат Росулulloҳ ﷺнинг ахлоқи ва у киши энг гўзал хулқ эгаси бўлгани ҳақида гапириладиган бўлди. Шунингдек, Росулulloҳнинг рисолати фақат битта нарса, яъни жоҳилият замонида мавжуд бўлган ва Исломуни ўчириш учун келган хулқларни тамомига етказиш учун юборилган, деб гапириладиган бўлди.

Мулоҳаза юритган одам шуни кўрадики, ахлоққа бўлган даъват юксак суратда олиб бориляпти. Бу йўлда катта куч сарфляяпти ҳамда у учун расмий ва хусусий минбар эшиклари очик. Шунинг учун биз бу программага онгли равишда танқидий ёндашишимиз лозим. Чунки биз Умматнинг ахлоқи жуда тез ва давомий тарзда тубанлашиб кетаётгани ҳақида баданларни титратадиган гапларни эшитяпмиз.

Айни шу пайтда бизнинг иқтисодий муаммоларимиз ҳам кўпайди, қашшоқлигимиз зиёдалашди, юртларимиз босиб олинди, ахлоқий, идоровий, сиёсий ва оилавий жаҳолат ёйилди... Аксар кадриятлар қулади, Ислому ўз юртида бегонага айланди ва рувайбизалар гап сотадиган бўлди. Ахлоққа чақираётганлар яхши ният биланми ёки ёмон ниятдами фарқсиз, қанчалик куч

сарфлашмасин, шу ишлар содир бўлди. Бу ташаббусни баҳс қилиш ва унинг фойдаю зарарларини баён қилиш учун уни бир неча жиҳатдан ўрганишимиз лозим. Шунда у ҳақдаги ноаниқликларни кетказиб, тушунчаларни тўғрилаймиз.

Феруз Ободий хулқни туғма хусусият, характер, мардлик ва дин, деб таърифлаган. Луғатшунос олимлар халқ билан хулқни фарқлаганлар. Аллома Роғиб Исфаҳоний айтади: «Халқ ва хулқ аслида битта, масалан шарб ва шурб, сарм ва сурм каби. Лекин халқ кўз билан кўриладиган кўриниш, шакл ва суратга хосдир. Хулқ эса, қалб билан ҳис қилинадиган куч ва туғма хусусиятга хос». Аммо хулқнинг шаръий таърифига келсак, Қуръон истилоҳи кўпинча луғавий маънодан фарқ қилмайди. Хулқ лафзи Қуръонда фақат икки жойда келган. Биринчиси Аллоҳ Таоло Худ қавми тилидан:

﴿إِنَّ هَذَا إِلَّا خُلُقُ الْأَوَّلِينَ﴾

«Албатта бу (айш-ишратга берилиб умр ўтказиш) аввалгилардан қолган одатдир»

[Шуаро 137]

дейди. Ибн Аббос оятдаги хулқни уларнинг дини, одати, ахлоқи ва мазҳаби деб тафсир қилган. Иккинчиси эса, ушбу

﴿وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

«Албатта сиз улуг хулқ устидадирсиз»

[Қалам 4]

оятида келган. Табарий ушбу оят тафсирида айтади: «Аллоҳ Таоло ўз Пайғамбарига: Эй Муҳаммад сиз энг буюк одоб эгасисиз, деяпти. Бу Аллоҳ ўзи ўргатган Қуръон одобидир, у Ислом ва унинг шариатидир. Таъвил аҳллариининг барчаси биз айтган гапни айтишган». Ибн Аббос, Мужоҳид, Ибн Зайд ва Заҳҳоклар (улуғ хулқ)ни буюк дин деб тафсир қилишгани ҳақида ривоят қилинган.

Суннатда эса, хулқ истилоҳи бир неча жойларда келган бўлиб, уларнинг барчасини келтириб ўтириш мавриди эмас. Оиша онамиз Росулulloҳ ﷺнинг хулқини сифатлар экан «У кишининг хулқи Қуръон бўлган эди» деган. Аҳмад чиқарган. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ:

﴿أَلْبِرٌ حَسَنُ الْخُلُقِ﴾

«Яхшилик – чиройли хулқликдир» деган.

Аммо истилоҳда Тохир ибн Ошур хулқ қалбда ўрнашган ҳамда яхши ва ёмон амалларга ундайдиган туғма хусусиятдир, деб тариф беради. Шунинг учун чиройли хулқ ва ярамас хулқ дейилади. Шайх Тақийуддин Набаҳоний хулқни шахсининг асосий омилларидан бири деган. Яъни у инсон ўз нафси билан бўладиган

алоқаларини тартибга соладиган ҳамда еб ичиш ва кийинишдаги ахлоқларни ўз ичига оладиган ҳукмлардир. Шариат аксар аҳкомларни батафсил ёритиб, катта эътибор қаратган бўлса-да, ахлоқ аҳкомларини Аллоҳнинг буйруқ ва қайтарувлари деб ҳисоблаган. Уларни бошқа аҳкомлардан ажратган эмас. Ҳатто фақиҳлар ҳам ўз китобларида ахлоқ учун боб ажратмаган. Улар ахлоқни шариат ва буйруқларнинг бир қисми, уларни ҳис туйғулар ва исломий низомларни тақозо этадиган жамият воқеида, амалда рўёбга чиқарилиши лозим деб тушунишган.

Исломий жамият фикрлар, туйғулар ва низомларни ўз ичига оладиган мумтоз яшаш тарзига эга инсоний вужуддир. Ундаги руҳий тараф исломий ақида билан боғланган. Ислом шахс ва мусулмон жамоатнинг ҳар бир қисми учун ислоҳ бўладиган алоҳида муолажа берган. Масалан, қашшоқлик жамиятдаги молиявий ишларни тартибга соладиган шаръий ҳукмларни татбиқ қилиш орқали муолажа қилинади. Закот, вақф, бойликни ҳазина қилиб йиғишдан қайтариш, пулни тилла ва кумушга боғлаш механизми орқали одилон тақсимлаш ҳамда бундан бошқа ҳукмларни татбиқ қилиш орқали қашшоқлар ва қашшоқликдан холи жамиятга эга бўламиз. Баъзида бундаги ахлоқнинг роли иккиламчи бўлади. Зулмнинг муолажаси эса, ҳукми Исломдан оладиган ва муаммоларни ечадиган шаръий қозиларни талаб қилади. Росулulloҳ ﷺ тиланчилик қилган кишини ҳусни хулққа буюрмади, гарчи ҳусни хулқ унда бўлиши вожиб саналса-да. Балки унга: Уйингда ниманг бор деди, шунда у уйимда бир парча тери билан, меш бор деди. Росулulloҳ ﷺ: Уларни олиб кел деган эди, у олиб келди. Росулulloҳ ﷺ уларни олиб: Буларни ким сотиб олади деган эди. Бир саҳоба мен сотиб оламан деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: қанчага деганида, у бир дирҳамга деб жавоб берди. Росулulloҳ ﷺ: Ким қўшади деган эди, бошқаси икки дирҳам деди.

Росулulloҳ ﷺ уни сотди, сўнг тиланчилик қилган кишига қараб: Мана бу икки дирҳамни ол ва бир дирҳамга оиланг учун таом ва бир дирҳамга болта сотиб ол» деди. У киши Росулulloҳ ﷺ буюрганидек бориб болта сотиб олди ва қўлида болта билан Росулulloҳ ﷺ хузурига қайтди. Росулulloҳ ﷺ болтани олиб, унга соп киргизди ва: «Бориб шу болта билан ўтин қил ва бизнинг хузуримизга ўн беш кундан кейин кел» деди. У бориб ўтин қилди ва ўтинини сотди. Ўн беш кундан кейин ўн дирҳам ишлаб қайтди.

Бир шахс бошқасидан шикоят қилиб келган эди, иккисини ҳам тинглаб, мазлумнинг фойдасига ҳукм қилди. Яҳудийлар хиёнат ва тажовуз қилишганда, мусулмонларни дуо қилишга буюрмади,

балки кўшинни ҳаракатга келтирди. Чунки Ислом Аллоҳнинг душманларига эмас, у зотнинг ўзига бўйсунтирди. Росулulloҳ ﷺ вафоти яқинлашгач, Усомани кўшин билан жўнашини васият қилди... Кўриниб турибдики, энг гўзал ахлоқ эгаси бўлган киши ваҳий билан иш юритяпти ва ҳар бир ишни ваҳий талаб қилган ҳукм билан муолажа қияпти. Юқоридаги ташаббус эгалари эса, муаммо гўзал хулқ эгаси бўлиш билан ечилади дейишмоқда. Қашшоқлик, зулм ва босқинчиликка чек кўйиш учун одамлардан чиройли хулқли бўлиш талаб этилмайди. Бу тушунчаларнинг чалкашлиги ҳамда Ислом ва унинг шариатини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Балки бу Исломни бошқа динлар оқимига буриш учун қилинаётган ҳаракатдир. Исломни бундай саёз тушуниш илмонийликнинг дин ва унинг ҳаётдаги роли ҳақидаги тушунчасига мосдир. Агар иш шундай бўлса Қуръон мана шу битта оятга чекланган ва Элчи юборишдан мақсад одамларни хулқли қилишдан иборат бўлиб қолар эди. Бу эса, Исломнинг асосий ғояси бўлмиш бандаларни бандаларга ибодат қилишдан бандалар Роббисига ибодат қилишга олиб чиқиш ғоясига зиддир.

Янада тушунарлироқ бўлиши учун бир мисол келтирамиз: Маълумки, айрим ривожланган Ғарб давлатларида ёмон ахлоқлар ҳамда гомосексуализм, яқин қариндошлар зиноси, ҳамр ичиш ва ирқчилик каби бузукликлар тарқалган бўлса-да, бу давлатлар деярли қашшоқлардан холи. Лекин Судан ва Мавритания каби чиройли хулқли одамлар яшайдиган юртларда қашшоқлик кенг тарқалган. Кўриниб турибдики, ахлоқ жамиятни тиклаш ва унинг юксалиши ёки тубанлашишида асосий роль ўйнамайди. Балки бу ердаги асосий таъсир қилувчи нарса жамоатчилик урфидир. Шунинг учун Британиялик бир сайёҳ Усманийлар даврида Ҳижоз юртидаги Жидда шаҳрига ташриф буюрар экан, шундай деган эди: «Бу юртда барча инсонлар, шу жумладан ҳоким ва фуқаролар гап сўзлари ва дин ишларида Исломни ҳакам қилишар экан. Шунинг учун шахс барча дин ишларини бир ҳафтада ўрганиб олиши мумкин». Лекин бугун тамоман бунинг аксини кўрмоқдамиз. Чунки бугунги режимлар на исломий ва на илмоний бўлмаган мавҳум урфни пайдо қилишга, турли воситалар орқали чалкаш тушунчаларни ёйишга ҳаракат қилишмоқда.

Ахлоққа чақираётганлар фикр ва яшаш тарзи чалкашиб кетган одамларга ваъз иршод услубида хитоб қилишмоқда. Одамларни ваъз иршод билан эмлашлари уларнинг фикр ва яшаш тарзига таъсир қилмаяпти. Чунки масала ахлоқни тузатиш ва Исломнинг бир жиҳатига чекланишдан каттароқдир. Масала Умматимизнинг

рисолат соҳиби бўлиб қолиш ғояси унга боғлиқ бўлган масаладир. Бу ғоя барча фикрлари, низомлари ва туйғулари учун исломий ақидани фикрий қоида қилиб оладиган жамиятни тиклаш билан рўёбга чиқади.

Шунинг учун воқенинг барча кўринишлари, хусусан сиёсий жиҳатини тиниқ тушуниш лозим. Чунки моддий ва ахборот воситалари мана шу ташаббус фойдасига ишламоқда. Бу ташаббус эса, ботилга қарши курашмайдиган, балки аксинча унга шаръий тус берадиган даъватдир. Чунки бу ташаббус вакиллари одамларни уларга куфрни татбиқ қилиш орқали турли зулм ва фасод билан таҳқирлаётган режимларга қарши чиққанлари учун маломат қилишмоқда.

Одамлар ҳаётнинг барча соҳаларида Ислом ва унинг ақидасига қайтишни талаб қилишлари лозим. Бунинг далили эса, имконият бериш ва халифа қилиш ҳақида келган ҳадислардир. Росулulloҳ ﷺ айтади:

«تَرَكْتُ فِيكُمْ أَمْرَيْنِ لَنْ تَضِلُّوا مَا مَسَسْتُمَا بِهِمَا: كِتَابَ اللَّهِ وَسُنَّةَ نَبِيِّهِ»

«Сизлар учун икки нарсани қолдирдим, иккисини маҳкам тутсангиз ҳеч адашмайсиз: Улар Аллоҳнинг китоби ва Пайғамбарининг суннати».

«عَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ، عَصُوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِدِ»

«Менинг суннатим ва тўғри йўл топган рошид халифаларнинг йўлини маҳкам тутинг ва озиқ тишингиз билан тишланг». Айрим кишиларнинг айтишича, бугун воқеда кўринмаётган бу ҳукмлар тарихий меросга айланган. Яъни, жамиятда Исломнинг замон билан ҳамнафас бўлишга қодирлигига шубҳа пайдо бўлиб, Ислом замондан ортда қолди ва у бошқа альтернативга муҳтож, дея ҳисобланадиган бўлиб қолди. Мана шундай бир пайтда, Исломни тўлалигича кўрсатмаётган, балки уни тор доирага чеклаётган ахлоқий программа эгалари бугун ривожлантирилаётган бегона тушунчаларнинг кириб келишига муносиб муҳит яратишди.

Исломга душман ва илмоний оқимлар фурсатни ғанимат билиб, ўз захрини сочишга уринишмоқда. Чунки ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш қиёматгача тўхтамайди. Одамларни чиройли хулққа чақириш уларни янада адаштириш ва фасод қанча зўраймасин одамларни ахлоққа чеклашдан бошқа нарса эмас.

Шубҳасизки, ислоҳ қилиш учун амалий лойиҳани қабул қилган ва одамларни бир ҳолатдан бошқасига олиб чиқишга ҳаракат қиладиган ислоҳий фикр ўз таъсирига эга бўлиши учун ўша фикрни қабул қилган ва одамларни унга қаноатлантириш учун

амалда кўтарган жамоат бўлиши керак. Чунки бу ҳаёт қонунидир. Умнатни сиёсий вужуд, деб сифатланса ҳамда жамиятга сиёсий баҳо берилса жамиятни ўзгартириш амалиётини ҳам сиёсий ишга айлантиради. Чунки уюшма сиёсий кўз қарашга эга бўлсагина бошқалар кўтариб чиқа олмаган мукамал лойиҳани олиб чиқади. Шунингдек, бу уюшма ўша лойиҳа орқали жамиятга алоқадор қонун ва ҳукмларни ўз ичига олган муайян низом билан жамиятни шакллантиришга ҳаракат қилади.

Таъкидлаш лозимки, мабдаий ислоҳий фикрат эгалари ҳоким гуруҳ билан тўкнашади. Чунки мақсад мабда жинсидан бўлмаган фикрий ва қонуний низом ҳукмронлик қилаётган жамиятни ўзгартиришдир. Шунинг учун ушбу тузумга қарши ва унга альтернатив тарзда ташланаётган таклиф тўкнашувга сабаб бўлади. Одамлар инқилобий ўзгартириш йўналишидаги сиёсий амални гарчи тўғрилигини билсалар-да ёқтиришмайди. Шунинг учун сиёсий партиялар ҳоким табақа томонидан кўпроқ репрессияга учрайди. Чунки сиёсий партиялар бошқарув ва фуқароларга алоқали барча нарсаларни ўз ичига оладиган альтернатив сиёсий лойиҳани таклиф қилади. Бу эса, режимларнинг вужудига хатардир.

Маданий ва ахлоқий жамият ташкилотлари каби бошқа турли ташкилотлар эса, бунинг зиддидир. Исломиий юртлардаги режимлар мана шу асосга кўра ахлоқий ташаббус билан чиқаётганларга рухсат беради, уларни қўллаб-қувватлайди ва майдонни очиб беради. Аксар Умнат фарзандлари президентлар уламоларни яхши қабул қилгани ва улар билан турли учрашувларда иштирок этгани учун уларга ишончи ортади. Лекин бу адаштиришдан бошқа нарса эмас. Исломи бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирига боғланган ҳалқалар мажмуасидир. Шунинг учун уни тўла тарзда татбиқ қилинсагина ўз мевасини беради ва исломий жамият вужудга келади. Бу жамиятда шахс ҳоким татбиқ қиладиган низомлар, туйғулар ва фикрлар орқали вужудга келадиган жамоатчилик урфига риоя қилади.

Сўнгги сўзимиз шуки, исломий мабданинг фикрат ва тариқатидан заррача оғиш заифлик ва хорликни пайдо қилади. Чунки Аллоҳнинг суннати шуки, Аллоҳ Таоло мусулмонларга кофирларга имконият берган йўл билан имконият бермайди. Мусулмонлар фақат тўғри йўлда юрсаларгина имконият беради. Чунки Исломи руҳий ва сиёсий ақидадир. Бошқача айтганда, у жамиятдаги барча алоқалар, яъни бошқарув, иқтисод, таълим ва ташқи сиёсатни ақида манбаси билан ушлайдиган фикрий тузумдир. Шунинг учун у тўғри уйғониш орқали рўёбга чиқадиган муайян яшаш тарзига олиб боради. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Трамппнинг Туркияга таҳдидлари сайловларда евангелистлар қўлловига эга бўлиш учундир		
<p>Туркия маҳкамаси жосуслик ва террорчиликда айбланган америкалик руҳоний Эндрю Брансонни уй қамоғига ҳукм қилган эди. Бунинг ортидан АҚШ президенти Дональд Трамп ва унинг ноиби Майк Пенс Анқарага таҳдид йўллади. Америкалик экспертларга кўра, бу таҳдидлардан бир неча ойдан кейин мамлакатда ўтказилиши кутилаётган оралиқ сайловларда евангелистлар қўлловига эришиш кўзланган. Жон Хопкинс университети қошидаги халқаро тадқиқотлар институтининг тадқиқот ҳайъати аъзоси, Ўрта Шарқ ишлари бўйича эксперт профессор Дэниел Серуэрга кўра, Трамппнинг таҳдидлари Туркияга алоқадор эмас, балки АҚШнинг ички сиёсатига алоқадор. Унинг қўшимча қилишича, Трамп бу таҳдидлар орқали ўзини Туркияда айбланган евангелист етакчини ҳимоя қилувчи қилиб кўрсатишга уринмоқда. Яъни у, келгуси сайловларда евангелистлар овозига эришиш учун уларни руҳоний Брансонни қўллаб-қувватлашига ишонтирмоқчи.</p>		
<p>Қўшма Штатларда келгуси ноябр ойида оралиқ сайловлар бўлиб ўтади. Бу сайловларда америкаликлар сенат ва конгресс аъзоларининг бир қисмини сайлайдилар. Экспертларга кўра, ушбу сайловларда евангелистларнинг овозлари республикачилар учун жуда аҳамиятлидир.</p>		
<p>Трамп твиттерда «Қўшма Штатлар Туркияга қарши кенг қўламли жазоларни жорий қилади» деб ёзди. У яна «Жазолар буюк масиҳий, оиланинг отаси ва олийжаноб инсон руҳоний Эндрю Брансон узок муддат қамоқда сақлангани учун жорий қилинади... Бундай имонли киши дарҳол озод этилиши лозим» деб қўшимча қилди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бу саҳна томошаси Трамп ўз мақсадини амалга оширунига қадар давом этади... Бу қулаб бораётган капиталистик мабда етакчиси бўлган Америкадир. У ўзининг ташқи сиёсатида ҳатто малайларини ҳам ҳурмат қилмайди... Албатта бу президент кризиси эмас, балки мабда ва ҳазорат кризисидир.</p>		
Помпео Вашингтоннинг Туркия билан ҳамкорликни давом эттирмоқчилигини тасдиқлади		
<p>АҚШ давлат котиби Майк Помпео Жануби шарқий Осиё давлатлари ассосацияси (ASEAN) ташқи ишлар вазирларининг Сингапурдаги 51 йиғинида иштирок этиши доирасида «Туркия НАТОга ҳамкор давлат» эканини ва Вашингтон маъмурияти у билан ҳамкорликни давом эттирмоқчилигини айтди. Унинг билдиришича,</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Туркияда уй қамоғига ҳукм қилинган руҳоний «Брансон» масаласидаги кескинликка қарамай, Вашингтон ва Анқара муҳим ҳамкор ҳисобланади. Помпео Човушўғли билан учрашган пайтида ундан руҳонийни озод этишни ва Қўшма Штатларга қайтишига руҳсат беришни талаб қилганига ҳам эътиборни тортди. У Истанбулдаги АҚШ консуллигининг айрим маҳаллий хизматчилари ҳам озод этилиши лозимлигини урғулади. У «Биз буни келгуси кунларда кўришга умид қиламиз», дея қўшимча қилди. Қароргоҳи Вашингтонда жойлашган меросни мораторий қилиш марказидаги эксперт Люк Коффининг айтишича, АҚШ давлат департаменти ва котиб Помпео америкалик руҳоний Брансон масаласида узоқ масофани босиб ўтди, бироқ Трамп ва унинг ноиби Пеннинг твитлари бу масалага зарар етказди ҳамда масаланинг кескинлашишига олиб келди. Унга кўра, Трампнинг Анқарага таҳдид йўллаб ёзган твитлари Оқ уй билан давлат департаменти ўртасида мувофиқлик йўқлигини кўрсатди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Аслини олганда, Брансоннинг ҳибсга олиниши мавзусини кўзгаш Америка ва Туркия ўртасида сиёсий кўламга эга эмас. Балки, Трамп ва республикачилар партияси фойдаси учун сайлов олдидан шу мавзу кўтарилди. Шунинг учун ташқи алоқалар ўзгаришсиз қолди.</p>		
<p>(Исроил) друзлар давлатини тиклашга ҳаракат қиляптими?</p>		
<p>(Исроил)нинг «Едиот Ахронот» газетаси 2018 йил 7 августда нашр қилган хабарда айтилишича, Биньямин Нетаньяху ҳукумати раҳбарига яқин бўлган Натан Эшель (Исроил) друзларини Сурияга кўчиб ўтишга ва у ерда друз давлатини тиклашга чақирган. Газетага кўра, кнессет қабул қилган миллий қонунга друзлар норозилик билдирган бир манзарада шу чакирик янграган.</p>		
<p>12-канал журналисти Амнон Абрамович Эшельнинг куйидаги гапини келтирди: «Биз бошлаганимиздан кейин миллий қонундаги бирорта сўзни ўзгартирмаслигимиз керак. Ким бунга рози бўлмаса, у учун Сурияда катта друз жамоаси бор ва унга у ерда друз давлатини барпо қилиш таклиф қилинади». Нетаньяхунинг идораси баёнот беришдан бош тортди ва «Бу турдаги баёнот бош вазирнинг раъйига ва друз тоифаси учун у қилган ишга зиддир, бундай сўзни унга мансуб қилишга уриниш кулгилидир» деди. Бироқ Эшель «Мен бош вазирнинг расмий вакили эмасман ва мен нарсаларни фақат ўзимдан келиб чиқиб, ўз ўлчовимга кўра айтаман» деб раддия берди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бундай норасмий баёнот расмий баёнотнинг муқаддимасидир ва бу Американинг минтақани ирқчилик ва</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>тоифачиликка асосланган шаклга келтириш сиёсатига тамоман мос келади. Яҳудийлар учун (Исроил) давлатини тўсиб турадиган девор вазифасини ўтовчи друз тоифаси давлатчасидан яхшироқ давлат бўлмайди.</p>		
<p>Асадга қарашли «ҳаво» разведкаси директорининг келгуси режалар ҳақидаги шов-шувли билдирувлари</p>		
<p>Мухолафатга қарашли веб-сайтда айтилишича, таниқли қўмондонлар ва ҳарбий разведка расмийлари иштирок этган учрашувнинг тафсилотлари қўлга киритилган. Бу учрашувда келгуси босқич учун режалар белгиланган. Режим қўмондонлари Россия ва Эроннинг ёрдами билан «ғалабаларни қўлга киритишга қодирмиз» деб ҳисоблаганларидан кейин, хусусан Дамашқ яқинидаги Шарқий Ғута ва Даръа муҳофазаси назоратга олинганидан кейин ушбу учрашув бўлиб ўтган. (Арабий 21). Манбанинг айтишича, учрашувда 33 нафар зобит иштирок этган. Бу учрашувга миллий хавфсизлик директори Али Мамлукнинг ўрнига ҳаво разведкаси директори Жамил Ҳасан бошчилик қилган. Учрашув 2018 йил 27 июлда бўлиб ўтган.</p>		
<p>Учрашувда сўнги ютуқлар, келажак учун режа белгилаш ва бу режани мамлакат раҳбарияти талабига биноан амалга ошириш йўли муҳокама қилинди. Унда билдирилишича, режани амалга оширишга тўсиқ ҳисобланган ва келажакда унга таъсир ўтказадиган ҳар қандай шахсга – унинг жинойати сўзда ёки амалда бўлишидан қатъий назар – «террорчи» деб қаралади. Ҳатто сукут сақлаганлар ҳам оммавий суд қилинади.</p>		
<p>Ҳаво разведкаси директорига кўра, бу ерда изланаётган уч миллион суриялик бор. Унинг қўшимча қилишича, улкан сондаги ушбу кидирувдагилар режага асло тўсиқ бўла олмайди. У «Ишониш мумкин бўлган, раҳбариятга итоат қилувчи 10 миллион аҳолига эга бўлган Сурия 30 миллион террорчига эга бўлган Суриядан афзалдир» деди. Унга кўра, қўшни давлатлардаги қочоқлар вазияти жосуслик хизмати кидирувида бўлганларнинг вазиятидан фарқ қилмайди. Унинг айтишича, қайтиб келганлар билан ҳайвонга муомала қилинганидек муомала қилинади ва бузғунчи ҳайвон йўқ қилинади. Давлат таъкибида бўлганларга «террорчилик» айби қўйилади.</p>		
<p>У яна шундай дейди: «Сурия саккиз йилдан кейин батамом қирқиб олинishi керак бўлган саратон хужайраларининг бўлишига рози бўлмайди». Яна шундай қўшимча қилади: «Террорчиларга ёрдам берган 150 мингдан ортиқ бой ва бизнесменлар бор. Уларга босим ўтказилади ва активлари музлатилади. Бу активлар уларнинг ўзлари</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--	-----------------------------------

вайрон қилган жойларни қайта таъмирлашга ишлатилади. Тўлов жараёнини тезлатиш учун улар уй қамоғида сақланади».

Аммо Ҳасан айтган нарсаларнинг ижросига келсак, бу ишлар жимгина, ахборот воситаларида ёритилмасдан амалга оширилади. Чунки, халқаро тарафнинг аралашмаслигини кафолатлаш учун Россия шуни талаб қилмоқда. Ҳасан бу босқичнинг ижроси икки йил ичида якунига етишини олдиндан айтмоқда.

Ал-Ваъй: Суриядаги вазият Асад, Америка ва Россия фойдасига ҳал бўлади, деб ким ўйласа хато қилади. Ҳамма билиб кўйсинки, вазият фақат Умматнинг ғалаба қилиши ҳамда ваъда қилинган Рошид Халифалик тикланиши билан ҳал бўлади.

Асад Сурия жанубини қайтариб олганидан кейин Либерман (исроилликларга) осойишталикни ваъда қилмоқда

Либерманнинг айтишича, Асад режими барқарорлашиб Сурия жанубини тўлиқ назоратига олганидан кейин (Исроил) хавфсизлигида ижобий ўзгаришлар бўлган. Унга кўра, ишларни Суриядаги фуқаролик уруши бошланишидан олдинги ҳолатга қайтариш (Исроил) учун фойдалидир. Маориф веб-сайти Либерманнинг «Ишлар яхшиланди, чунки ҳозир Сурия ичкарасида вазият барқарорлашган ва у ерда бизнинг олдимизда жавобгар бўладиган марказий ҳукумат бор» деб айтган сўзини келтирди. Унинг урғулашича, модомики 1974 йилги «кучларни бўлиш» келишуви ҳурмат қилинар экан, (Исроил) Суриянинг ички ишларига асло аралашмайди. Шу шарт биланки, Сурия Эроннинг олдинги базаси бўлмаслиги ва Ҳизбуллоҳга қурол етказиб бериладиган йўлакка айланмаслиги керак». (Исроил)нинг ҳарбий ишлар бўйича вазири шундай дейди:

«Осойишталик биз учун ҳам, Асад режими учун ҳам фойдалидир. Шунинг учун ишлар 2011 йилдан олдинги ҳолатга қайтмаган тақдирда нима юз бериши мумкинлигини Сурия режими яхши англайди. Мен ишонч билан айтаманки, Асад менинг айтганларимга эътибор билан қарайди». У яна шундай таъкидлади: «Ушбу шартларга вафо қилинса (Исроил) Суриядаги ишларга аралашмайди ва ичкарига асло ҳужум қилмайди. Агар шартларга вафо қилинмаса биз ўз манфаатларимизни амалга ошириш учун тўлиқ эркин ҳаракат қиламиз».

Ал-Ваъй: Бундай баёнот Асад режими (яъни «сабот ва ташаббус» иттифоқига аъзо бўлган давлат президенти Ҳофиз Асад, ҳамда «асосий қаршилик кўрсатувчи кучлар» иттифоқига аъзо бўлган давлат президенти Башар Асад режими) (Исроил) учун қай даражада

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>вужудий зарурат бўлганини кўрсатади. Шунингдек, Эрон ва унинг Ҳизбининг (Исроилни) йўл қилишни исташлари ҳақидаги даъволари куруқ даъво эканини ҳам кўрсатади.</p>		
<p>Россиянинг Тель-Авивдаги элчиси: (Исроил) хавфсизлиги бизнинг бирламчи масаламиздир</p>		
<p>Тель-Авивдаги Россия элчиси Анатолий Викторов (Исроилнинг) 10 каналига берган интервьюсида «Россия (Исроил) хавфсизлигини кафолатлашга жавобгар» дея билдирди. У шундай деди: «Биз 1974 йилги «кучларни бўлиш» иттифоқи келишуви тўлиқ татбиқ қилинишини кўришни истаймиз. Бу келишувга кўра, Сурия томони ўз чегарасига Сурия армиясининг оддий кучларини жойлаштириши керак... Бироқ, (Исроил) хавфсизлигини кафолатлаш бирламчи масала бўлади. Бу Россия ташқи сиёсатида мазмунсиз куруқ гап эмас. Россия (Исроил) хавфсизлигига боғлиқ барча ишларда (Исроил) давлатини ҳимоя қилиш учун қонуний чораларни кўришга тайёр. Президент Владимир Путин (Исроил) ҳукумати бош вазири Биньямин Нетаньяху билан ўтказган сўнгги учрашувида унга берган номанинг асосий мазмуни ҳам шудир».</p>		
<p>У Эроннинг Сурия ерларида мавжуд бўлиб туриши хусусида шундай деди: «Террорчиларни тугатиш учун олиб борилаётган ҳамкорликдаги ишларда улар муҳим ролни бажаришмоқда. Шунинг учун биз ушбу босқичда ажнабий кучларни чиқариб юбориш тўғрисидаги ҳар қандай талабни ноўрин, деб ҳисоблаймиз». Ушбу интервью ўтган ҳафта (Исроил) бош вазири Россиянинг олий даражадаги делегацияси билан учрашганидан кейин берилди. Бу делегацияга Россия ташқи ишлар министри Сергей Лавров ва Россия армияси штаб бошлиғи Валерий Герасимов бошчилик қилди. Бу учрашувда (Исроил) расмийси шундай деган эди: «Мақсад Эрон кучларини бутун Суриядан чиқариш эди. Руслар эса, ҳозирги босқичда уларни хавфсизлик линиясидан 100 км. нарига чиқаришни исташмоқда. Бу яхши, лекин охири бориб улар Суриядан чиқарилиши лозим».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Минтақадаги мусулмонлар вазиятини ва уларнинг мустамлакадан озод бўлиш уринишларини кузатган киши бу минтақада бирортаси асло ўрнаша олмайди, деган хулосага келади. Яъни минтақада на Америка, на Россия ва на (Исроил) ўрнаша олади. Фақат Ислом Умматигина Рошид Халифалик Давлатини барпо қилиш орқали бу минтақага мустаҳкам ўрнашади. Албатта, эртанги кун уни кутиб турган киши учун яқиндир. □</p>		

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا وَصِيَّةً
لِّأَزْوَاجِهِمْ مَّتَّعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرِ إِخْرَاجٍ فَإِنْ خَرَجْنَ
فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ مِنْ
مَّعْرُوفٍ ۗ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٤٠﴾ وَلَمْ تُطَلَّقْتِ مَتَّعٌ
بِالْمَعْرُوفِ ۗ حَقًّا عَلَى الْمُتَّقِينَ ﴿٢٤١﴾ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ
اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢٤٢﴾﴾

«240. Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар (ўлимларидан олдин), хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар. Агар улар (хотинлар) ўзлари чиқиб кетсалар, сизлар (эрнинг уруғлари) учун у хотинлар ўз хусусларида қилган амаллари сабабли гуноҳ йўқдир. Аллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир. 241. Талоқ қилинган аёлларни яхшилик билан фойдалантириш тақводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир. 242. Шундай қилиб, ақл юргизишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади» [Бақара 240-242]

Ҳизб ут-Тахрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Бу оятларда Аллоҳ Таоло қуйидагиларни баён қилади:

1 – Эрлар вафот қилаётган пайтларида хотинларига бир йилгача нафақа ва жой бериб турилишини васият қилишлари лозим. Маййитнинг эгалари уларни – хотинларни жойни ташлаб чиқиб кетишга мажбурлашлари ва уларнинг нафақаларини бермай қўйишлари дуруст эмас. Фақат аёлларнинг ўзлари ўз ихтиёрлари билан ташлаб чиқиб кетсалар бўлаверади. Унда уларга бериладиган нафақа ҳам тўхтайдди. Шундан кейин уларнинг ўзларига ҳам, маййитнинг эгаларига ҳам гуноҳ бўлмайди. Яъни, аёлларнинг чиройли кийимларни кийишлари, пардоз қилишлари

жоизга айланади. Умумий ва шахсий ҳаётларига доир шаръий ҳукмлар доирасидан чиқмаганлари ҳолда, албатта.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг Ўз ишига Голиб эканини, Ўзига қарши чиққан, буйруғини бажармаган одамни жазолашини, бандаларга фақат фойдали бўлган ишларнигина буюришини баён қилиш билан яқунляпти.

﴿وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

(Аллоҳ қудратли, ҳикматли Зотдир).

(*Аллоҳ қудратли, ҳикматли Зотдир*). Яъни, бир васият қилсинлар. Аллоҳ Таоло ўлимга юз тутаётганларга ўзларидан кейин қолаётган хотинлари учун васият қилишларини буюряпти.

Бу талаб қатъийдир. Аллоҳ Таоло

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ﴾

(*Сизлардан вафот қилган кишилар*), деяпти. Бу гапнинг мантуқида васиятнинг оқибати борлигига ишора бор, яъни, шу ишни бажармасдан ўлиб кетсалар, у бўйинларида кетиб қолишини англатувчи мафҳум бор. Негаки, Аллоҳ Таоло ўлим келган пайтда, деган иборани қўлламади. Балки

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ﴾

деди. Гарчи

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ﴾

нинг мантуқидан мақсад ўлимга юз тутаётганлар бўлса-да, лекин барибир унинг шундай қўлланишида юқорида айтиб ўтганимиздек бу ишнинг оқибати борлигини яъни, бу иш уни бажармасдан ўлиб кетган кишининг бўйнида кетиб қолишини англатувчи ишора, мафҳум бор.

﴿مَتَاعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرِ إِخْرَاجٍ﴾

(*Бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани*). Яъни, бир йилгача уларга нафақа ва жой бериш. Исломнинг аввалида киши вафот этаётган пайтда ўзидан кейин хотинига бир йилгача нафақа ва жой берилишини васият қилиши вожиб эди. То

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

«Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар» [Бақара 234]

деган оят нозил бўлгунга қадар шундай бўлиб келди. Бу оятда Аллоҳ Таоло аёлларга эрларидан кейин тўрт ою ўн кун идда ўтиришни вожиб қилди. Мана шу муддат ичида эр унга нафақа ва жой бериши вожибдир. Чунки бу муддат идда муддатидир.

Аллоҳ Таоло бу ишни эрларнинг васиятига ташлаб қўймади. Энди идда

﴿وَصِيَّةً لِأَزْوَاجِهِمْ مَتَّعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرَ إِخْرَاجٍ﴾

(Хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар) оятида акс этганидек, эрларнинг васиятига қараб белгиладиган бўлмади. Иддани Аллоҳнинг Ўзи белгилади. Идда пайтида аёлга нафақа ва жой берилишини вожиб қилди. Нафақа ва жойдан ортиғини эмас.

Шундай бўлгач,

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

(Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар) ояти

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا وَصِيَّةً لِأَزْوَاجِهِمْ مَتَّعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرَ إِخْرَاجٍ﴾

(Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар (ўлимларидан олдин), хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар) оятини насх қилди. Аёлга нафақа ва жой берилиши вожиб бўлган идда муддати тўрт ою ўн кунга айланди. Шу муддат ўтганидан кейин эри ўлган аёлга жой ҳам, нафақа ҳам берилиши вожиб бўлмайди. У фақат меросдан ўз насибасини олади. Агар боласи (набираси, чевараси, хуллас, фаръий ворис) бўлмаса, унга эридан қолган меросдан тўртдан бири тегади. Агар боласи (набираси, чевараси, хуллас, фаръий ворис) бўлса, эридан қолган меросдан саккиздан бирини олади. Бу ҳукм мана бу оятда баён қилинган:

﴿وَلَهُنَّ الزُّبُعُ مِمَّا تَرَكْتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وُلْدٌ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ فِيمَا تَرَكْتُمْ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّاتِكُمْ لَكُمْ إِذَا قُلْتُمْ بِهَا أَوْ دِينَ﴾

«Уларга (хотинларингизга) сизлар қолдирган меросдан — агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса — тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга сизнинг меросингиздан саккиздан бири тегур. (Бу тақсимотлар) сизлар қилган васият ва қарзларингиз адо қилингандан кейин бўлур»

[Нисо 12]

Қандай қилиб олдин тиловат қилинадиган Бақара сурасидаги оятни кейин тиловат қилинадиган оят насх қила олади, дейилмасин. Чунки Бақара сурасидаги оят гарчи тиловат қилиниш жиҳатидан олдинда турса-да, нозил бўлиш жиҳатидан кейинда туради. Фақат Пайғамбар ﷺ уни тиловатда мана шу жойга кўйишни буюрганлар. Чунки суралардаги оятлар тартиби тавкифийдир (Аллоҳнинг кўрсатмаси билан бўладиган ишдир). Унинг остидаги ҳикматни Аллоҳнинг Ўзи билади.

Бу худди мана бу оятга

﴿سَيَقُولُ السُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ مَا وَلَّيْتُمْ عَلَىٰهَا أَلْيَوْمَ كَانُوا عَلَيْهَا﴾

«Одамлардан ақлсизлари: «Улар (мусулмонлар)ни илгари қараган қиблаларидан қандай нарса юз ўгиртирди?» — дейдилар»

[Бақара 142]

ўхшаб, мана бу оятдан келган

﴿قَدْ نَرَىٰ تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ﴾

«Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул Ҳаром (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз!»

[Бақара 144]

аникки кейинги оят аввалги оятдан аввал тушган, бу нарса унинг маъносидан ҳам кўриниб турибди.

Мана бу ҳадиси Ибн Жарир Ибн Аббосдан чиқарган: «Олдин мана бу оят нозил бўлганди.

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا وَصِيَّةً لِأَزْوَاجِهِمْ مَتَّعًا إِلَى الْحَوْلِ غَيْرِ إِخْرَاجٍ﴾

(Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар (ўлимларидан олдин), хотинларига бир йилгача (эрнинг уйидан) чиқарилмай фойдаланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар). Киши вафот қилса ва унинг орқасидан хотини қолган бўлса, у эрининг уйида бир йил идда ўтирарди. Шу бир йил ичида у нафақа ва жой билан таъминланарди. Кейин Аллоҳ Таоло

﴿وَالَّذِينَ يَتُوفَوْنَ مِنْكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرْتَضْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

(Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар) оятини нозил қилди. Бу эри ўлган хотиннинг иддасидир. Фақат ҳомиладор аёл бундан мустасно. Ҳомиладор аёлнинг иддаси туғишидир. Эри ўлган аёлнинг мероси хусусида Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَلَهُنَّ الرُّعُومُ مِمَّا تَرَكَتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الثُّمُنُ﴾

«Уларга (хотинларингизга) сизлар қолдирган меросдан — агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса — тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга саккиздан бири тегур» [Нисо 12]

Шу билан Аллоҳ Таоло аёлнинг мерос олиши ҳамда васият ва нафақа тарк қилинганини баён қилди».

Шунинг учун биз бу оят Исломнинг аввалида нозил бўлган, унда бу ишнинг оқибати борлиги айтилган, яъни, эрининг орқасидан қолган аёллар тўла бир йил жой ва нафақа билан таъминланишлари эрнинг зиммасида бўлган, меросхўрларга модомики, аёлларнинг ўзлари уйдан чиқиб кетмас эканлар, уларни уйдан ҳайдашлари ёки уларнинг нафақаларини бермай қўйишлари ҳаром бўлган.

Агар улар ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетсалар ва ўзларига тайин қилинган жойни тарк этсалар, уларга нафақа қилиш вожиблиги ниҳоясига етади. Бундай пайтда валийларга ҳам, аёлларнинг ўзларига ҳам ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди. Масалан, аёллар шариат чегараларидан четламаганлари ҳолда янги кийимлар кийсалар ёки пардоз қилсалар, уларга гуноҳ йўқ.

﴿فَإِنْ خَرَجْنَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ مِنْ مَعْرُوفٍ﴾

(1) Дуррул Мансур: 2/691. Тафсири Табарий: 2/580. Байхақий: 7/427.

(Агар улар (хотинлар) ўзлари чиқиб кетсалар, сизлар (эрнинг уруғлари) учун у хотинлар ўз хусусларида қилган амаллари сабабли гуноҳ йўқдир). Шу ҳолат

﴿وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَذُرُونَ أَزْوَاجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

(Сизлардан (мусулмонлардан) вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар) ояти нозил бўлгунига қадар давом этди. Бу оят олдинги нафақа ва жой ҳақидаги оятни насх қилди. Идда муддати

﴿أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

(Тўрт ою ўн кун) бўлди. Мана шу муддат ичида аёлни нафақа ва жой билан таъминлаш вожиб бўлди.

Молик «Муватто»да келтиришича, Молик ибн Сионнинг кизи, Абу Саид Худрийнинг синглиси Қурайъа Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, Бану Худрадаги ўз уйига кетаверишини сўради. Чунки унинг эри қочиб кетган куллари қувиб, уларга Қудум тарафида етиб олган ва куллари уни ўлдиришган эди. Аёлнинг ўзи ҳикоя қилади: Пайғамбар ﷺдан Бану Худрадаги ўз уйимга қайтаверай, чунки эрим менга уй ҳам, нафақа ҳам ташлаб кетгани йўқ, дедим. Пайғамбар ﷺ майли, дедилар. (Уйимга бориб) хонамда ўтирсам, мени Пайғамбар ﷺ чақирдилар ёки чақиртирдилар ва нима дединг, дедилар. Мен у кишига эрим ҳақидаги ўша гапни қайтардим. Шунда Пайғамбар ﷺ, муддат етгунича уйингда ўтир, дедилар. Шу билан тўрт ою ўн кун идда ўтирдим. Усмон ибн Аффон даври келганида у менга одам юбориб, ўша воқеа ҳақида сўради. Унга бўлган воқеани айтиб бердим. У шу гапим билан ҳукм чиқарди.¹ Термизий бу ҳадисни ҳасан ҳадис, деган.

Аллоҳ Таоло оятни

﴿وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

деган гап билан яқунляпти. Яъни, Аллоҳ Ўз ишига Ғолибдир, Ўзига қарши чиққанларни жазолайди ва бандалари учун фақат фойда бўладиган, яхши бўладиган ҳукмларни чиқаради. Бас, бандалар У Зотнинг буйруғини бажарсалар, қайтарганидан қайтсалар, дунёю охиратда зафар кучадилар.

(1) Муватта: 1971.

2 – Аллоҳ Таоло иккинчи оятда талоқ қилинган, лекин ҳали қўшилмаган ва маҳр белгиланмаган аёлларни ҳам фойдалантириш вожиблигини таъкидлапти. Ўтган оятда

﴿وَمَتَّعُوهُنَّ عَلَى الْمَوْسِعِ قَدَرُهُ وَعَلَى الْمُقْتَرِ قَدَرُهُ مَتَّعًا بِالْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَى الْحَسَنِينَ﴾

(*Ва (бу ҳолда) уларни бой борица, йўқ ҳолича яхшилик қилиш билан фойдалантиринг! (Бу ҳукм) яхшилик қилгувчилар зиммасига бурч бўлди*) дейилганди. Мусулмонлардан бири, яхшилик қилмоқчи бўлсам, қиламан, истамасам, қилмайман, деганди. Шунда Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилиб, қандай бўлишидан қатъий назар, ҳамма талоқ қилинган хотинни фойдалантириш фарзлигини айтган.

﴿حَقًّا عَلَى الْمُتَّقِينَ﴾

(*Тақводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир*). Буни ўша оятнинг тафсирида айтиб ўтгандик.

Бу оят билан олдинги оят талоқ ҳақидаги оятларда туташадилар. Олдинги

﴿وَصِيَّةٌ لِّأَزْوَاجِهِمَا﴾

оятни ўзидан олдинги

﴿يَتَرَصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا﴾

оятни билан насх қилинган.

﴿وَالْمُطَلَّقَاتُ مَتَّعٌ﴾

(*Талоқ қилинган аёлларни фойдалантириш*) ояти эса,

(*Маттаъуһун фойдалантиринг*) оятидаги тушунмовчиликка барҳам

бериб, бундай фойдалантириш вожиб эканлигини баён қилади.

3 – Аллоҳ Таоло охирги оятда Ўзининг бу ҳукмларни бандалар улар ҳақида тадаббур қилишлари, ақл юритишлари ва уларни бажаришлари учун нозил қилганини, уларда бандалар учун ҳам дунёвий ва ҳам ухровий манфаат, фойда мужассамлигини, улар эрларнинг аёллари ва болалари билан иноқ, аҳил яшашларига асос бўлишини баён қиляпти.

﴿كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

«*Шундай қилиб, ақл юргизишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади*» [Бақара 242] □

**ҚАРИНДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИ БОҒЛАШ ЎЗ СОҲИБИНИ
 ЖАННАТГА ЭЛТАДИ, УНИ УЗГАНЛАР ЭСА, ЖАННАТГА
 КИРМАЙДИ**

Мустафо ﷺнинг суннатида қариндошлик алоқаларини боғлашга чақирган, уни узишлик ҳаромлиги баён қилинган кўп ҳадислар келади. Бу эса, Исломда қариндошлик алоқаларини боғлаш жуда муҳимлигига, оилалар мустаҳкамлигида ҳамда қариндошлар ўртасида меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатликни ўрнатишда унинг зарурлигига далолат қилади. Қуйида Мустафо ﷺнинг шу мавзудаги саҳиҳ ҳадисларидан келтирамыз:

1 – Қариндошлик алоқаларини боғлаш ўз соҳибини жаннатга киритади:

Абу Айюб Ансорий رضي الله عنهдан ривоят қилинишича, бир киши Набий ﷺга мени жаннатга киритадиган амални менга айтинг, дейди. Одамлар: Унга нима бўлди? Унга нима бўлди? – дейишади. Набий ﷺ:

«وَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: أَرَبُّ مَا لَهُ، تَعْبُدُ اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا، وَتُقِيمُ الصَّلَاةَ، وَتُؤْتِي الرِّكَاءَ، وَتَصِلُ الرَّحِمَ»

«У ўзига керагини сўраяпти, деб шундай жавоб қилдилар: Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасдан ибодат қил, намозни қоим қил, закотни адо эт ва қариндошлик алоқаларини боғла».

Ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, Расулуллоҳ ﷺ қариндошлик алоқаларини боғлашни эътиқодий томонга боғлиқ бўлган ибодат ва ибодатни ўзида гавдалантирган намоз ва закот билан бир қаторда келтирдилар. Бундан эса, қариндошлик алоқаларини боғлаш Аллоҳ учун қанчалик даражада аҳамиятли экани очиқ кўриниб турибди. Чунки, Расулуллоҳ ﷺ жаннатга киришнинг Исломдаги энг муҳим томонларига ишора қилдилар. Булар эса, Аллоҳга ширк келтирмасдан ибодат қилиш, намозни қоим қилиш, закотни адо этиш ва қариндошлик алоқаларини боғлашдир.

2 – Қариндошлик алоқаларини боғлаш Аллоҳнинг розилигига йўлдир.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ الرَّحِمَ شُجْنَةٌ مُتَمَسِكَةٌ بِالْعَرْشِ، تَكَلَّمُ بِلِسَانِ دَلْقٍ: اللَّهُمَّ صِلْ مَنْ وَصَلَنِي، وَاقْطَعْ مَنْ قَطَعَنِي، فَيَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: أَنَا الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ، وَإِنِّي شَقَقْتُ الرَّحِمَ مِنْ اسْمِي، فَمَنْ وَصَلَهَا وَصَلْتُهُ، وَمَنْ نَكَهَهَا نَكَهْتُهُ»

«Қариндошлик алоқалари аршга уланган йўлдир. У равои тилда: Эй Парвардигор ким қариндошлик алоқасини боғласа унга боғлан, ким уни узса ундан узил, дейди. Шунда Аллоҳ Таоло айтади: Мен меҳрибон ва раҳмли зотман, қариндошлик алоқасини ўз исмидан иштиқоқ қилдим, ким уни боғласа мен у билан боғланаман ва ким уни узса ундан узиламан».

Ким қариндошлик алоқаларини боғласа Аллоҳ ундан рози бўлади ва у бу алоқани боғлаганидек Аллоҳ унга боғланади. Ким қариндошлик алоқаларини узса ва қариндошларига ёмон муносабатда бўлса у Аллоҳнинг ғазабига учрайди.

3 – Қариндошлик алоқаларини боғлаш Набий ﷺнинг ўз асҳобларига васиятидир.

Абу Зарр رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда у шундай дейди: «Суюкли дўстим (яъни Росулulloҳ ﷺ) менга Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўркмаслигимни, гарчи қариндошларим мендан юз ўгириб кетса ҳам улар билан алоқа боғлашимни васият қилдилар».

4 – Қариндошлик алоқалари (силаи раҳм) Раҳмоннинг исмидан олинган, ким уни узса Аллоҳ ҳам ундан алоқани узади: Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«الرَّحِمُ مُعَلَّقَةٌ بِالْعَرْشِ تَقُولُ مَنْ وَصَلَنِي وَصَلَهُ اللَّهُ، وَمَنْ قَطَعَنِي قَطَعَهُ اللَّهُ»

«Қариндошлик алоқалари аршга осилган бўлиб у: ким мени боғласа Аллоҳ у билан боғланади, ким мени узса Аллоҳ ундан алоқани узади, дейди».

5 – Қариндошлик алоқалари умрни баракотли ва ризки кенг қилади».

Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُسَيِّطَ لَهُ رِزْقَهُ، وَأَنْ يُنْسَأَ لَهُ فِي أَثَرِهِ، فَلْيَصِلْ رَحْمَهُ»

«Кимни ризки кенг ва умри узун бўлиши хурсанд қилса қариндошлик алоқасини боғласин».

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло қариндошлик алоқаларини боғлаган кишининг умрини баракотли ва узун қилади. Унинг ишлари ҳам дини ва дунёси учун фойдали бўлади. Шунингдек, Аллоҳ унинг ризкини баракотли ва кенг қилади.

6 – Жаннатга киришнинг энг муҳим сабабларидан бири қариндошлик алоқаларини боғлашдир.

Абдуллоҳ ибн Салом رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда у айтади:

«لَمَّا قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الْمَدِينَةَ انْجَمَلَ النَّاسُ قَبْلَهُ، قَالُوا: قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ. فَجِئْتُ لِأَنْظُرَ فَلَمَّا رَأَيْتُهُ عَرَفْتُ أَنَّ وَجْهَهُ لَيْسَ بِوَجْهِ كَذَّابٍ. فَكَانَ أَوَّلَ شَيْءٍ سَمِعْتُهُ مِنْهُ أَنْ قَالَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَطْعِمُوا الطَّعَامَ، وَأَفْشُوا السَّلَامَ، وَصَلُّوا الْأَرْحَامَ، وَصَلُّوا بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ نِيَامٌ، تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ»

«Росулulloҳ ﷺ Мадинага келганида одамлар: Росулulloҳ ﷺ келди, деб у зотнинг олдига чошиб боришди. Шунда мен ҳам у зотни кўриш учун келдим. Мен кўриб билдимки, у зотнинг юзи каззобнинг юзи эмас эди. Мен у зотдан эшитган биринчи нарса қуйидагича бўлди: Эй одамлар бошқаларга таом едиринглар, саломни кенг ёйинглар, қариндошлик алоқаларини боғланглар ва одамлар тунда уйқуда бўлганида намоз ўқинглар. Шунда сизлар жаннатга омонлик билан кирасизлар».

7 – Қариндошлик алоқаларини боғлаш мусулмоннинг имони кучли ва тўғрилигига, қалби Аллоҳга боғланганига далилдир.

Абу Хурайра رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда у шундай дейди: Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَصِلْ رَحْمَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُقَلِّ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمِتْ»

«Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса меҳмонини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса қариндошлик алоқаларини боғласин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса яхшилиқни айтсин ёки жим турсин».

Ким Аллоҳга чиндан имон келтирса унинг қолган ҳаётий ишларида имони кўринади. Кимнинг имони тўғри бўлса қариндошлик алоқаларини боғлайди. Абу Ҳурайра رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ أَعْمَالَ بَنِي آدَمَ تُعْرَضُ كُلَّ حَمِيسٍ لَيْلَةَ الْجُمُعَةِ فَلَا يُقْبَلُ عَمَلٌ قَاطِعٌ رَحِمٍ»

«Одам фарзандининг амаллари ҳар пайшанбадан жумага ўтар кечада (Аллоҳга) рўбарў қилинади. Шунда қариндошлик алоқаларини узган кишининг амали қабул қилинмайди».

8 – Қариндошлик алоқаларини узган киши жаннатга кирмайди.


Жубайр ибн Митъам رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: «Росулulloҳ ﷺ айтадилар:


«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَاطِعٌ رَحِمٍ»


«Қариндошлик алоқаларини узган киши жаннатга кирмайди». □

УЛАМОЛАР БИЛАН ҲУКМДОРЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТДА СОЛИҲ АЖДОДЛАРНИНГ ТУТГАН ПОЗИЦИЯСИ (1)


Биз қуйида пайғамбарлик меросини тўғри тушунган, Аллоҳ уламолардан олган аҳдни ўз ўрнида бажарган кишиларнинг матонатли позицияларидан намуналар келтирамиз. Бундай позицияни эгаллаган уламолар илмни сақлаган ва уни ўзларига юк қилиб олмаган уламолар эди. Шунинг учун Аллоҳ уларни сақлади ва уларни ҳақиқий имомларга айлантирди. Уларнинг матонатли позициялари мусулмонлар йўлини ёритди. Фақат кўзи кўр, ёруғлик унга фойда бермаган кишиларгина бу нурдан маҳрум бўлди... Қуйида келтирганимиз Аллоҳга садоқатли бўлган уламоларнинг позициялари бўлиб бугунги уламолар бундай позициядан йироқдирлар. Биз ушбу матонатли позицияларга муҳтож бўлиб турган бугунги қушимизда уламолар золим ҳукмдорларнинг ботилни безаб кўрсатадиган ва динни сохталаштирадиган ёрдамчисига айланишди... Биз қуйида келтирган намуналар солиҳ уламоларга эслатма бўлса, бузғунчи уламоларга огоҳлантирувдир. Шунингдек, мусулмонлар солиҳ уламолар атрофида жипслашиб бузғунчи уламолардан қочишлари учун бу намуналар уларга йўлланган эслатмадир.


– Байҳақий Али ибн Толиб дан «Султоннинг эшикларидан кўрқинглар» деб айтган сўзини ривоят қилади.

– Ибн Саъд «Табакотда» Салама ибн Набитдан қуйидаги айтган гапини ривоят қилади: «Менинг отам Набий ни кўрган ва у зотдан эшитган киши эди. Мен отамга: Эй ота, агар сен ушбу султонга бориб улардан бирига айлансанг бунинг учун қавминг сени айблаган бўлармиди? дедим. У менга: Эй ўғлим, мен улар билан мени жаҳаннамга киритадиган жойда ўтиришдан кўрқаман, деди».

– Дорамий Ибн Масъуд дан қуйидаги гапини ривоят қилади: «Ким қуйидаги тўрт турли нарса учун, яъни Уламолар олдида мақтаниш, аҳмоқлар билан таллашиб тортишиш ёки одамларни ўзига қаратиш ёки у билан амирлардан бирор нарса олиш учун илм талаб қилса жаҳаннамга киради».

– Ибн Можа ва Байҳақий Ибн Масъуддан қуйидаги айтган гапини ривоят қилади: «Агар илм аҳли илмни барпо қилиб, уни аҳли илмларга қолдирса у туфайли ўз замонаси аҳлига бош бўладилар. Лекин дунё аҳлининг дунёсига эришиш учун уни дунё аҳлига сарфласалар уларнинг олдида хор бўладилар».

– Ибн Абу Шайба Ҳузайфа ибн Ямон дан «Сизлардан бирор киши соҳиби султон тарафга бирор қарич босмасин» деб айтганини ривоят қилади.

– Ибн Абу Шайба ва Абу Нуайм «Ҳиля» китобида Ҳузайфа дан қуйидаги гапани ривоят қиладилар: «Сизлар фитна ўринларидан сақланинглар! Сўрадилар: Фитна ўринлари нима? У айтди: Амирларнинг эшиклари! Бир киши амирнинг олдига кириб, ёлғонни тасдиқлайди ва унда бўлмаган нарсани айтади».

– Ибн Абу Шайба ва Байҳақий Салама ибн Қайсдан қуйидагича ривоят қиладилар: Мен Абу Зарга йўлиққан эдим у шундай деди: «Эй Салама ибн Қайс! Уч нарсани ёдингда сақла: Хотинларни жамлама, чунки ҳар қанча истасанг ҳам асло адолат қила олмайсан. Садақа устида ишлама, чунки садақа берувчи ё кўп беради ёки оз. Соҳиби султонга алданиб қолма, чунки сен уларнинг дунёсидан бирор нарсага эришмайсан, магар эришсанг ҳам улар динингдан сен эришган нарсдан кўпроқ тортиб оладилар».

– Абу Нуайм «Ҳиля» китобида Маймун ибн Маҳрондан ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Абдулмалик ибн Марвон Мадинага келиб хизматкорини Саид ибн Мусайябнинг олдига юборади. Хизматкор унга: Мўминлар амирига жавоб қилинг! – дейди. У: нима эҳтиёжи бор экан? – деб айтади. Хизматкор: У билан суҳбатлашишга, деб жавоб беради. У: мен у билан суҳбатлашмайман, деб айтади. Сўнг хизматкор амирнинг олдига қайтиб уни бундан хабардор қилганида, амир: уни тек қўй, дейди.

– Хатибнинг Ҳаммод ибн Саламадан ривоят қилишича, халифаларнинг бири унга элчи жўнатиб «Сенга бир муаммоли масала билан элчи жўнатдим, келсанг гаплашамиз» дейди. Шунда Ҳаммод ибн Салама элчига шундай жавоб қилади: «Биз шундай одамларни кўрдикки, уларга сўз етиб келганида улар бирортасининг олдига бормадилар. Агар бирор муаммоинг бўлса уни бир парча қоғозга ёзиб жўнат, биз сенга унинг жавобини ёзамиз».

– Абу Ҳасан ибн Фаҳр «Моликнинг фазилатлари» китобида Абдуллоҳ ибн Рофиъдан ва ундан бошқасидан шундай ривоят қилади: «Ҳорунар Рошид Мадинага келганида Бармакийни Моликнинг олдига жўнатиб, сен тасниф қилган китобни ўзингдан эшитишим учун уни менга олиб кел, деди. Молик Бармакийга шундай жавоб қилди: «Унга салом етказиб айтгинки, илм зиёрат қилинади, у зиёрат қилмайди». Бармакий Ҳорунар Рошидга келиб: Эй мўминлар амири! Сизнинг Моликка мурожаат қилиб, уни сизга

қарши чиққани ҳақидаги хабар Ироқ аҳлига етиб борди! Мен уни олдингизга келишга мажбур қиламан, деди. Сўнг элчи жўнатганида Молик элчига шундай жавоб қилди: «Унга айтгинки, эй мўминлар амири сен илмни хор қилган биринчи одам бўлма, агар бундай қилсанг Аллоҳ сени хор қилади».

– Ғанжор ўзининг тарих китобида Мунирдан ривоят қилишича, Бухоро султони Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийга элчи жўнатиб: «Жомиъ» ва «Тарих» китобини мен сенинг ўзингдан эшитишим учун менга шу икки китобни олиб кел, дейди. Бухорий унинг элчисига шундай жавоб қилади: «Унга айтгинки, мен илмни хор қилмайман, султонлар эшигига бормайман. Агар сенга ундан бирор нарса керак бўлса, масжидимга ёки ҳовлимга кел».

– Нуайм ўз китобининг машҳур бўлимида айтади: Бизга Халф ибн Тамим Абу Ҳаммом Килойдан, у Ҳасандан ривоят қилишича, Ҳасан султонлар эшиги олдида ўтирган қорилар олдидан ўтаётиб уларга шундай дейди: «Сизлар пешоналарингизни яралаб, ковушларингизни ейилтириб бўйнингизга олган илмни уларнинг эшиги олдида олиб келдингизми?! Агар уйингизда ўтирганингизда сизлар учун яхши бўлар эди. Тарқалинглар, Аллоҳ аъзоларингизни парчаласин». □

САУДИЯ ФАЛАСТИННИ ЯҲУДИЙЛАРГА ТОПШИРИШ САРИ КЕТМОҚДА

Кўшма Штатларнинг янги Ўрта Шарқ режаси ва минтақадаги кураш табиатини ўзгартиришга ҳаракат қилишига мувофиқ (Исроил) ўзини узок қутилган тарихий имконият олдида кўрди. У ўзини эътироф этилган давлатлар қаторида кўришни кутиб келади. (Исроил) Саудиядаги, хусусан ташқи сиёсатдаги ўзгаришларга таяниб, буни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди, деб билмоқда. Саудиянинг Қуддус устидан васийликни қўлга киритишга уриниши мана шу ўзгаришлар жумласидандир. Шунинг учун ўтган бир неча кун бу ҳақдаги тўхтовсиз гап-сўзларга ва Саудия билан Иордания ўртасига пона қоқиш уринишларига гувоҳ бўлди.

– Аини шу соҳада (Исроил мухолафати раҳбари Исҳак Герцог Саудиянинг «Элаф» газетасига берган интервьюсида шундай деди: «Саудия Исломнинг энг муқаддас жойларини ўз ичига олгани, айниқса у Макка ва Мадинадаги муқаддас жойларни идора қилиш тажрибасига эга бўлгани учун Қуддусдаги муқаддас жойларда Саудиянинг роли ва жавобгарлиги бўлиши керак».

– Фаластин ишлари бўйича (исроиллик) эксперт Йони Бен Менахем шундай дейди: «Саудия Иордания ва Фаластин режими каби манфаатдор давлатлар ўртасида Қуддус шаҳридаги исломий вақфларни назорат қилиш ва уларни бошқариш устида кечаётган қизғин кураш линиясига кирди. Фаластинлик доираларнинг билдиришича, Риёзнинг шаҳар устида ўз таъсирини оширишга ҳаракат қилиши Рамаллоҳ ва Аммоннинг ғазабини кўзгайди». У жамоатчилик ишлари бўйича Иерусалим институти веб-сайтида берилган мақоласида шундай кўшимча қилади: «Риёз Рамаллоҳ ва Иордания оёғи остидан гиламни тортиб олиш учун ўз пулларидан ва молиявий ёрдамидан фойдаланади. Маълумки, Аксо масжиди мусулмонлар наздида Макка ва Мадина Мунаввара шаҳарларидан кейинги учинчи муқаддас жой ҳисобланади».

– (Исроилнинг) «Бегин-Садат» стратегик тадқиқот маркази чиқарган тадқиқотда айтилишича, Саудиянинг Қуддусдаги муқаддас жойлар назоратини қўлга олишга ҳаракат қилиши Фаластин-Исроил можаросини ҳал қилиш учун белгиланган, «аср келишуви» дея номланган АҚШ режасини амалга оширишга қаратилган. «Жеймс Дорси» маркази бош тадқиқотчиси Риёз ўзининг иттифоқчиси Абу Даби билан бирга Иорданиядаги беқарор вазиятни кучайтирганига ишора қилади. Унинг билдиришича, ҳар икки мамлакат раҳбарияти Иорданияда беқарор вазият қанчалик кучайса Аммон режимининг «аср келишуви»га қарши чиқиш даражаси пасаяди, деб ишонади. Тадқиқотда таъкидланишича, Саудия муқаддас жойлар назоратини қўлга олишни «диний дипломатия» кўринишларидан деб билади. Яъни, Саудия исломий сунний оламда ўзининг вужудини кучайтириш учун 40 йил давомида 100 миллиард доллар сарфлаганидан кейин муқаддас жойлар назоратини қўлга олиш унинг регионал вужудини кучайтириши мумкин деб қарамоқда.

Ал-Ваъй: Қирол Салмон ва унинг ўғли валиаҳд Муҳаммад ҳокимиятга келганидан кейин Саудия ошқора эгри йўлдан кетмоқда. Дарҳақиқат, бу оиланинг ҳақиқий башараси очилди ва хиёнатлари фош бўлди. Улар ва уларнинг америкалик хўжайинлари – биз Умматнинг устидан ғолибмиз ва биз Исломнинг тақиқларини очикчасига буза оламиз, деб ўйлашлари мумкин. Бирок, уларга йўл бўлсин?! Бу уларнинг хом хаёллари, холос. Чунки Уммат ҳамон тирик ва у олдингидан кўра онглидир. Уммат улар ва уларга ўхшаган бошқа ҳукмдорлар билан ҳисоблашиладиган кунни кутмоқда. Аллоҳнинг изни ила улар бундай кунда қочиб кутула олмайдилар... □

РОБЕРТ ФИСК: ФАЛАСТИНЛИКЛАР УЧУН «АСР КЕЛИШУВИ» ТЕНГЛАМАСИ: ТИНЧЛИК ЭВАЗИГА ПУЛ БЕРИЛАДИ, РАД ЭТИШ ЖАЗОСИ ЭСА, ҚАШШОҚЛИҚДИР

Британиялик журналист Роберт Фиск «Индепендент» газетасидаги мақоласида шундай ёзади: Аввал, Дональд Трамп Қуддусни (Исроил) пойтахти, дея эълон қилди. Бинобарин, у фаластинликларни қўрқитмоқда ва уларни шаҳар шарқидаги пойтахтларидан маҳрум қилмоқда. Маҳмуд Аббос бугундан кейин Қўшма Штатлар билан асло гаплашмайман, деб айтди. Трамп эса, ўз твитларида «Биз фаластинликларга йилига юз миллионлаган доллар тўламоқдамиз ва ҳурмат кўрмаямиз» деб ёзди. Қочоқларга бериладиган Америка ёрдамларидан 300 миллион доллар қисқартирилди ва қувғинга учраган қамалдаги фаластинликларга фақат 60 миллион доллар бериладиган бўлди. Фиск яна шундай қўшимча қилади: Халқаро ёрдамларни етказиб бериш орқали 5.3 миллион фаластинлик қочоққа ёрдам кўрсатадиган UNRWA (БМТга қарашли Яқин Шарқдаги Фаластин қочқинларига ёрдам бериш ва иш билан таъминлаш агентлиги) ўз хизматчиларини ишдан бўшата бошлади.

Ўтган ҳафта ёлғиз Ҳазонинг ўзида 113 нафар хизматчи ишдан бўшатилади... Сони 30 мингга етадиган фаластинлик табиб, ҳамшира, ўқитувчи ва хизматчилар ишсизликка дучор бўлдилар. Шундай қилиб, Ҳазодаги қашшоқликдан қийналиб келаётган оммага очлик таҳдид солмоқда.

Фиск «Трамп нима учун бундай қилди?» дея савол ташлайди ва қуйидаги жавобни беради: Трамп инсонпарварлик ёрдамларини узиб қўйиб уларни умидсизликка туширди. Сўнг, «якуний келишув»да – агар улар мустақил давлатни тиклаш ва яҳудийларнинг янги ерларга жойлаштирилишига чек қўйиш талабини тўхтатсалар – уларни пул билан қўйиб ташлашни таклиф қилди... Журналист масҳара қилиб шундай дейди: Пулнинг кўп бўлиши билан у ерда UNRWAга эҳтиёж қолмайди. Чунки у ерда қочоқлар қашшоқликдан асло қийналмай қоладилар. (Икки миллионга етадиган Ҳазо аҳолисининг ярмидан кўпи, яъни 44 % ишсиз UNRWAга таянади). Чунки қочоқлар яхши маошли ишлар билан бой бўлмасалар ҳам ўртаҳол бўлиб қоладилар ва Ҳазонинг (Исроилга) бўлган барча таҳдидлари билан видолашилади...

Бошқача ибора билан айтганда «Фаластин масаласи» терминини «инсонпарварлик масаласи» терминига алмаштирилиши керак. Шунда тинчлик сиёсий эмас иқтисодий бўлади. Фиск яна шундай қўшимча қилади: Саудия, Амириклар ва Миср ҳам бу амалиётда иштирок этади. Абу Даби электростанциялар билан таъминлашни ўз зиммасига олади, Қоҳира Рафаҳда эркин бозорларни очади ва Саудия Фаластин ширкатлари билан ҳамкорлик қилади. Бу қуруқ орзу бўлиши ҳам мумкин, лекин бу оммага ёқадиган ишдир.

Фиск яна шундай дейди: Мен ушбу келишув «тинчлик эвазига ер эмас, балки пул ва Қуддусдаги Фаластин пойтахти ўрнига долларлар» деган маънони ифодалашига олдин ишора қилиб ўтдим. Яҳудийлар мустамлакачилигига чек қўйиш, «қайтиш ҳуқуқи» ва булардан бошқа ечимлар ҳақиқий «Трампча» ечимдир.

Ал-Ваъй: Фаластин масаласи барча мусулмонлар масаласидир, деб биз кўп такрорлаганмиз. Бу масала фақат Ислом билан ҳамда Ҳарбнинг ҳукмронлиги, илмоний бошқарув низомлари ва малай золим ҳукмдорлар тугатилиши билангина ҳал бўлади. Мусулмонлар масаласи битта бўлиб, унинг ечими ҳам биттадир ва бу ечим рошид Халифаликнинг тикланишидир. Умнат шу йўналишда кетмоқда. Росулulloх ﷺ айтадилар:

«**ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبِيِّ**»

«Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади». □